

М.Ф. ҲАКИМОВА

ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДЧИНинг ШАХСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

М.Ф. ҲАКИМОВА

ЗАМОНАВИЙ
ИҚТИСОДЧИНинг
ШАХСИ

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ – 2012

М.Х. АКИМОВА. Замонавий иқтисодчининг шахси. Ўқув қўлланма.
– Т. ТДИУ, 2012, 196 б.

Мазкур ўқув қўлланмада «Замонавий иқтисодчининг шахси» курсининг фанлар тизимида тутган ўрни, предмети, максади, вазифалари, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг моҳияти, тадбиркорликнинг иқтисодиётда тутган ўрни, кичик бизнесни тараккиёт топишида МДҲ, Ватанимиз ва хорижий давлатларнинг тажрибаси, замонавий иқтисодчи ва унинг касбий ҳамда ахлокий хусусиятлари, иқтисодчи фаолиятининг таҳлили, ахлокий қоидалари, иқтисодчининг этикаси, маънавияти, шахсий хусусиятларини шакллантириш, кадрларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омиллар кабиларга эътибор қаратилган. Ўқув қўлланма мазмунига замонавий иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашга нисбатан қўйилаётган буғунги кун талабларидан келиб чиқиб ёндошилган бўлиб, унда ҳар бир мавзуга оид илмий ва услубий адабиётлар рўйхати ҳам қайд этилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари ҳамда магистрлари учун мўлжалланган бўлиб, бўлажак мутахассисларга олий таълим жараёнида ҳам илмий-назарий, ҳам амалий-педагогик технология асослари бўйича билим беради.

Масъул мухаррир: И.Иномов – доцент

Такризчилар: Н.Хўжаев – и.ф.д, проф;
М.Хошимова – п.ф.н, доц.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида иқтисодий тараккиётда ишлаб чиқариш суръатларини пасайиши бартараф этилиб, иқтисодий ўсиш таъминланадиган марраларга етиб келинди. Бу республикамиз миллий иқтисодиёти учун муҳим ижобий амалий натижадир.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда баркарорликни саклаш ва иқтисодий ўсишга эришиш республика ахолиси фаровонлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти сифатида ажратиб кўрсатилади. Зеро, иқтисодий юксалиш мамлакат учун муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки иқтисодий ривожланиш, аввало, ахолининг иш билан бандлигини таъминлайди, фуқароларнинг турмуш даражасини ошишига, ижтимоий-маданий соҳа салоҳияти таракқиётига хизмат қиласди. Иқтисодий ривожланиш суръатларига, унинг мезонларига ва энг аввало, сифат кўрсаткичларига қўпроқ эътибор қаратиш, иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва баркарор ривожи учун хизмат килиши, ҳалқимизнинг хаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий хаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим.¹

Ўз ривожланиш моделимизга асосан мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлаш, хуқукий демократик давлат ҳамда кучли фуқаролик жамияти куриш борасидаги амалга ошириб келаётган ислоҳотларимиз йўналиши хозирда бутун дунё жамоатчилиги томонидан юксак баҳоламоқда. Иқтисодиётимизда эришилган натижалар негизида аввало бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилишнинг пухта ўйланган модели ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича олиб борилаётган тизимли, изчил ва қатъий ҳаракатлар турганини кузатиш кийин эмас.

Эндиликда бозор муносабатлари ва фан-техника тараккиёти талабларига мувоғик равишда иқтисодий ресурслардан тежаб-тергаб самарали фойдаланиш, юқори унумдорликка эга техника технологияларни кўллаш, ишчи-ходимларнинг билим, касб маҳоратини оширишга эришиш орқали иқтисодий ўсишнинг самарадорлигини таъминлаш долзарб вазифаларимиздан хисобланади.

¹ Каримов И. А. 2012 йил Ватанимиз тараккиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маъруzasи // Халқ сўзи, №14 (5434) 20 январь 2012 йил.

Бозор иктисодиёти шароитида республикамизда кичик бизнес ва тадбиркорлик сохаси билан шуғулланувчи ишбилармөнларга нисбатан талаб ортиб бормокда.

“Замонавий иктисадчининг шахси” фанининг асосий мақсади – иктисадчи-педагог кадрларни тайёрлаш, талабаларда иктисадчи-педагог учун зарур бўлган касбий ва ахлокий хусусиятларни тарбиялашдан иборат..

«Замонавий иктисадчининг шахси» фани куйидаги асосий вазифаларни бажаришга хизмат килади: тадбиркорлик ва унинг фаолиятини ҳаракатга келтирувчи кучлар тўғрисида талабаларда тушунча ҳосил қилиш; замонавий иктисадчининг ахлоки, маданияти, маънавияти ва бугунги кундаги нуфузи тўғрисида яхлит тасаввурни шакллантириш; ўз фаолиятида ахлокий қоидаларга амал қилувчи мутахассисларни етиштириш.

Шунингдек, бўлажак мутахассис кадрлар «Замонавий иктисадчининг шахси» курсида мутахассислик бўйича билимларини кенгайтирадилар ҳамда янги тушунча ва карашлар билан куролланадилар. Ушбу ўкув кўлланмада тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг моҳияти, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий асослари, замонавий иктисадчи фаолиятининг таҳлили, замонавий иктисадчининг касбий ва ахлокий хусусиятлари, иктисадчининг маънавияти, этикаси, кадрларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омиллар каби масалалар бўйича маълумотлар берилади.

“Замонавий иктисадчининг шахси” ўкув кўлланмасини тайёрлашда С.С.Гуломовнинг “Тадбиркорлик ва кичик бизнес” ўкув кўлланмаси, Ё.Абдуллаев, Ф.Каримовларнинг “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари” ўкув кўлланмаси, Ф.Отахонов, У.Эрназаровларнинг “Хусусий тадбиркорлик” ўкув кўлланмаси, П. Носиров, Ш.Абдуллаеваларнинг “Бозор иктисадиёти асослари” ўкув кўлланмаси, Л.В.Перегудов, М.Х.Сайдовларнинг “Олий таълим менежменти ва иктисадиёти” ўкув кўлланмаси, Д.Тожибоеванинг “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” ўкув кўлланмаси, А.К.Минавваровнинг “Педагогика” ўкув кўлланмаси, И.Й.Турсунов, У.Н.Нишоналиевларнинг “Педагогика курси” дарслиги, Н.Хўжаев, Ж.Ҳасанбоевларнинг “Иктисадий педагогика” ўкув кўлланмаси, И.Иномовнинг “Иктисадий тарбия назарияси” ўкув кўлланмасидан кенг фойдаланилди.

«Замонавий иктисадчининг шахси» фанини ўрганиш давомида талабалар замонавий таълим технологияси, компьютер, ахборот технологияси, педагогик вазиятларни моделлаштириш, педагогик мазмундаги амалий ўйинлар, ўкув-услубий ва илмий-тадқиқот топширикларини бажарадилар. Жумладан, «Аклий хужум», «Кластер», «Веер технологияси», “Нима учун”, “Инсерт”, «Бумеранг

технологияси», «Иктисадчи технологияси», ФСМУ каби технологиялардан фойдаланиш максадга мувофикдир.

Ушбу замонавий педагогик технологиялар ҳозирги давр учун, яъни инсоннинг ривожланиш даражаси ва техниканинг ривожланиш даражасига мос тушиши ҳамда инсон ва техник ресурсларнинг уйғун бирлашишини таъминлаш керак. Мана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиккан ҳолда педагогик технологияларнинг мазмуни бугунги кунда кенг кўламда қараладиган бўлса, индивидуаллаштирилиши, ривожлантиришга йўналтирилиши даркор.

Мазкур ўқув кўлланма бу соҳадаги дастлабки интилишлар натижаси ўлароқ юзага келганлиги туфайли, унда айrim камчилик ва меъёрига етмаган ўринларнинг бўлиши табиий ҳол. Муаллифлар билдирилган барча танқидий фикр–мулохаза ва таклифларни миннатдорчилик билан кабул киласи.

I боб. «ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДЧИНИНГ ШАХСИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

- 1.1. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва замонавий кадрларга қўйилган талаблар.**
- 1.2. «Замонавий иқтисодчининг шахси» фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.**
- 1.3. «Замонавий иқтисодчининг шахси» фанининг бошқа фанлар билан алоқаси ва унинг методологик асослари.**

1.1. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва замонавий кадрларга қўйилган талаблар

Бозор иқтисодиёти шароитида республикамиизда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси билан шуғулланувчи ишбилиармонларга талаб янада ошмоқда. Бу республикадаги Олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларининг олдига хам бир катор вазифалар қўяди. Улардан бири замонавий малакали мутахассислар тайёрлаш, кайта тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш, уларни замонавий ижтимоий-иктисодий ва хукукий билимлар билан куроллантиришдир. Бу йўналишда зарур бўлган моддий-техника базаси республикада бозор муносабатларига ўтиш билан бир каторда яратилиб, ривожлантирилиб борилмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий мақсади – юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини барпо этиш стратегияси ҳамда асосий йўналишларини унинг компонентлари: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш вазифаларини хисобга олган холда ишлаб чиқишидан иборатдир.

Иқтисодчи-педагог янги турдаги мутахассис бўлганлиги учун уни касбий ва педагогик жиҳатдан тайёрлаш энг мураккаб муаммодир. Бу муаммони хал килишда замонавий иқтисодчи педагог энг аввало психология, педагогика ва иқтисодиёт фанларидан илмий билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Республикамиизда демократик ва бозор ислоҳотлари талабларидан келиб чиқкан холда, кадрлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини камраб оладиган маҳсус миллий дастур ишлаб чиқилганлиги алоҳида эътиборга сазовардир.

Бозор иктисодиёти шароитида мамлакатимизнинг хар жихатдан ривожланиши ва мавжуд қийинчиликларни енгиб ўтиши самарали иктисодий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва амал килиши билан чамбарчас боғлиқдир. Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан олиб борилётган иктисодий сиёсат ўзининг бир катор ўзига хос хусусиятлари ва устувор жихатлари билан мамлакатимизда мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан имкон кадар самарали фойдаланиш, уни жаҳон мамлакатларининг илфор тажрибаларидан келиб чиккан ҳолда тежамкорлик ва ракобатбардошлиқ тамойилларига таянган ҳолда қайта такомиллаштириш, шунингдек мамлакат иктисодиётини чукур интеграциялашув асосида ривожлантириш кабилар учун етарлича имкон яратмоқда.

Бирок, мамлакатда замонавий шароитларда самарали фаолият кўрсата оладиган ҳамда тадбиркорлик ва бизнес билан хар қандай иктисодий фаолиятни муваффакиятли ташкил эта оладиган мутахассисларнинг етарли даражада эмаслиги иктисодий ривожланиш моделини самарали амал килишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бу эса, иктисодчи мутахассислар тайёрлаш тизимини янги тамойиллар асосида ривожлантиришни нухоятда долзарблигидан далолат бермокда.¹

Тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш оркали республика иктисодиётida соф ракобат мухитини таркиб топтириш мумкин. Чунки кичик бизнес корхоналарининг монопол бирлашмаларига бевосита алокаси бўлмайди, ўзлари мустакил фаолият юргизиб, конун доирасида харакат киладилар. Тадбиркорлик ва бизнеснинг яна бир жихати шундаки, унинг ташкилий тузилмаси содда, оддий ва мослашувчан бўлади, яъни янги товарлар турларини ишлаб чиқаришга тез мослашади, шунинг учун вактдан ҳам ютади.

Унинг афзалликлари куйидагилардан иборат:

- ўрта синфнинг вужудга келтирилиши жамиятда сиёсий-ижтимоий барқарорликни кафолатловчи бўлади:
 - турли ижтимоий гурухлар, ишчилар, дехқонлар, зиёлилар даромадларининг номутаносиблигининг силликлаб турувчи хисобланади;
 - иктисодий фаол, аклий ва жисмоний қобилияти шахсларда кўникма хосил килиб, жамият тараққиётiga асос яратади;
 - кам маблағ сарфлаб кўплаб ишчи ўринлари яратади;
 - замонавий технология, техникини ва хўжаликнинг ташкилий ўйналишларини ишлаб чиқишда ва жорий этишда тез ҳаракат килади ва х.к.

¹ Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес.-Т.: «Шарқ», 2002 йил.

1.2. «Замонавий иқтисодчининг шахси» фанининг предмети, мақсад ва вазифаси

Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва бу соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш билим олишга, иқтисодиёт сирасорларини ўрганишга бўлган харакатни, фанни чукур ўрганишга бўлган талабларни хам кучайтириди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий конунларни яхши биладиган, турли вазиятларни таққослаш, иқтисодий ресурслар чекланганлиги шароитида самарали хўжалик юритиш учун мукобил варианtlарни тўғри танлаш ва карор кабул килиш малакасига эга бўлган иқтисодчилар тайёрлашнигина эмас, балки уларни ўқитадиган иқтисодчи-педагоглар тайёрлашни хам талаб килади.

Иқтисодиётдаги таркиби ўзгаришлар ўз навбатида мутахассислар тайёрлашга ҳам алоҳида талаблар қўяди. Яъни, мутахассислар малакали, маҳоратли, талабнинг ўзгаришига мослашувчан, ўз малакасини оширишга интилевчан, бўлиши талаб этилади. Мутахассис кадрларга бўлган талабларни талабалар чукур идрок этишлари, мустақил изланиш, фикрлаш, турли карашларни таққослаш, таҳлил килишга, оқилона хulosалар чикаришга ўрганишлари лозим. Жаҳон педагогикасида диккат-эътибор талабаларда ана шу хислатларни ҳосил килиш ва тарбиялашга қаратилган.

«Замонавий иқтисодчининг шахси» фанининг асосий мақсад ва вазифалари кўйидагилардан иборат:

- тадбиркорлик ва унинг фаолиятини харакатга келтирувчи куч тўғрисида тушунчага эга бўлиш;
- иқтисодчидаги иқтисодий ресурсларни бирлаштирувчи ва бошкарувчи сифатида баҳо бера олишни тарбиялаш;
- замонавий иқтисодчининг ахлоқи, маданияти, маънавияти ва бугунги кундаги нуфузи тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

«Замонавий иқтисодчининг шахси» фани бу яхлитликни ўзида мужассамлаштирувчи фан сифатида юзага келди. У фан сифатида иқтисодиёт конуниятларини педагогик методлар оркали ўрганади. Шуларни хисобга олган холда ушбу курсда асосий эътибор мустақиллик йилларида иқтисодий педагогиканинг ривожланиш тарихи ва унинг касбий ҳамда ахлокий хусусиятлари, замонавий иқтисодчининг маънавияти, бўлажак иқтисодчи-педагогларда миллий истиқлол гоясини шакллантириш ва миллий онгни тарбиялаш ҳамда иқтисодий таълимни бошкариш масалаларига қаратилган.

Хозирги кунда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришда бир катор муаммолар мавжуд, жумладан, тадбиркорларда етарлича билимнинг йўклиги, хукукий асоснинг номукаммалиги, кредит олишда ҳали ҳам мавжуд бўлган мураккабликлар кузатилмоқда. Бундан ташкири республикамиизда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлаштиришда куйидаги омиллар таъсир килмоқда:

- турли хилдаги салбий иктиносидий холатлар вужудга келганда тадбиркорларни кўллаб-куватлаш тизимининг сустланиши;
- инфляция хисобига кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланишининг кийинлашуви;
- ишлаб чиқариш билан шуғуланувчи корхоналарда маблаг ва ҳом ашёнинг етишмаслиги;
- иктиносидиётда якка хукмрон ишлаб чиқарувчиларнинг ҳали ҳам мавжуд эканлиги;
- олингандан кредит фоизлари улушининг юқорилиги ва х.к.

Республикамиизда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш олдида бир канча муаммолар кузатилар экан, бу муаммоларни ҳал килиш учун ушбу тадбирларни амалга ошириш мувофиқдир:

- тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг тармок ва худудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбик этиш;
- иктиносидий ахволи яхши бўлмаган, иктиносидий танглиқдаги корхоналарга турли имтиёзларни бериш;
- кичик бизнес корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун ишлашга жалб этиш;
- бунда ишлаб чиқарилган товарларни ички ва ташкии бозорларда сотишига ёрдам бериш; кичик бизнесда ишловчилар учун бизнес мактаблари, касбий маҳорат мактабларини кўпайтириш ва улар фаолиятини назорат килиш;
- кичик бизнес корхоналарининг техника ва технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва ҳоказо.

Юкорида келтирилган йўллар ва усуllibардан фойдалансак тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида катта ютукларга эришамиз ва бунинг натижасида юртимиз иктиносидиёти баркарорлашиб боради.

1.3. «Замонавий иқтисодчининг шахси» фанининг бошқа фанлар билан алоқаси ва унинг методологик асослари

«Замонавий иқтисодчининг шахси» фанига доир бир катор адабиётларни ўрганиб, уларни илмий жиҳатдан таҳлил килиб, кўпгина ўкув адабиётларини ўрганиб чикканимизда, ҳозирги пайтдаги иқтисодиётимиздаги ўзгаришларни хисобга олган ҳолда илмий жиҳатдан, республикамида тадбиркорлик ва бизнесни ташкил этиш тўлалигича тадқик этилмаганлигининг гувоҳи бўлдик Яна шуни алоҳида айтиш лозимки, биз ўргангандан адабиёт ва илмий изланишлардан маълум бўлишича, замонавий иқтисодчига хос хусусиятлар ҳамда тадбиркорлик ва бизнесни ташкил этиш услубиёти бўйича аник ечим берилмаган.

Бугунги кундаги иқтисодиёт фанининг ривожланиши учун кўплаб иқтисодчи олимлар, олий ўкув юртларининг профессор-ўқитувчилари ўз хиссаларини кўшиб келмоқдалар. Биз фанни ўрганиш жараёнида республикамида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш муаммосига бағишланган диссертациялар, адабиётлар, монографиялар, илмий маколалар, рисолалар яратилганлигига ишонч хосил килдик.

Юкорида кўрсатиб ўтилган барча фикрларга таяниб, тадбиркорлик ва кичик бизнес, иқтисодиёт соҳасида яратилган илмий изланиш ва адабиётларнинг муаллифлари жумласига Ш.Шодмонов., Р.Алимовлар томонидан «Иқтисодиёт назарияси», С.С.Гуломовнинг «Кичик бизнес ва тадбиркорлик», А.Ўлмасов., М.Шарифхўжаевларнинг «Иқтисодиёт назарияси», А.Ўлмасовнинг «Иқтисодиёт асослари», И.Иномовнинг «Иқтисодиёт назарияси», Б.Ибраторовнинг «Тадбиркорлик хукуки», Э.Эгамбердиев., Х.Хўжамкуловларнинг «Кичик бизнес ва тадбиркорлик», Д.Тожибоеванинг «Иқтисодиёт назарияси» ва бошкаларни киритиш мумкин.

Шунингдек, бир катор олимлар ҳам иқтисодий таълимни ривожлантириш, тадбиркорлик ва бизнес бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. Бугунги кунда жамиятнинг иқтисодчи кадрларга, уларни тайёрлашга бўлган ижтимоий талаблари билан мутахассис сифатида ўз вазифаларини юкори даражада бажаришга амалий тайёргарлиги ўртасида ва иқтисодий таълимни ривожлантириш ҳамда иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашда бაъзи бир номутаносибликлар мавжуд. Мавжуд адабиётлар, илмий тадқиқот ишларининг таҳлили кўрсатишича, бу номутаносибликлар куйидагиларда кўринади:

- иктисадчи мутахассисларни тайёрлашга ортиб бораётган талабларга мос ўкув жараёнининг етарлича методик тъминланмаганлиги ҳамда моддий-техникавий базанинг етарли даражада эмаслиги;

- Ўзбекистонда хали ҳуқукий маданият ва барча жамият аъзоларнинг конунга амал килиш механизми ишлаб чиқилмагани;

- кичик бизнес эгаларининг давлат жойларини ижарага олишда, коммунал ва бошка тўловларни тўлашдаги манфаатларининг кўпчилик холларда камситилиши;

- тадбиркорлар учун фойдаси бўлмаган шартномалар тузишга мажбурлаш;

- кичик бизнес эгаларининг ҳуқук ва манфаатларини химоя килишда судлар ролининг пастлиги;

- тадбиркорларнинг ўз ҳак-ҳуқукларини яхши билмасликлари;

- бизнес ва тадбиркорлик билан шуғуланувчиларда шу соҳадаги билимларнинг етишмаслиги;

- олий ўкув юртларида тадбиркорлик ва бизнес билан шуғуланувчи мутахассисларни тайёрлаш тизимининг объектив эктиёжлари ва уларни каноатлантириш ўртасидаги зиддиятларнинг мавжудлиги.

Юкорида кўрсатилган муаммолар мөхиятини баъзи тадқикотлар маълум даражада акс эттирса-ла, тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш, иктисадчи мутахассисларни тайёрлаш самарадорлигини тъминлай олмайди. Бу эса «Замонавий иктисадчининг шахси» фанининг ўта долзарблигини кўрсатади.

«Замонавий иктисадчининг шахси» фани якка холда мукаммалликка эриша олмайди. У ҳам бошка фанлар каби ижтимоий фан ютукларидан фойдаланади ва мазмунан бойиб боради. Ҳозирги кунимизда умумбашарият томонидан яратилган билимлар ва келажак ҳақида маълумот берувчи назариялар муайян даражада ушбу фан учун манба бўлади. Табиат ва жамиятнинг, тадбиркорлик ва бизнеснинг ривожланиши тўғрисидаги маълумотларга асосланади.

«Замонавий иктисадчининг шахси» курси ўзининг предмети, максади ва вазифаси нуктаи назаридан барча иктисадий фанлар билан узвий алокадорликда, ҳамкорликда бўлади. Яъни: «Иктисадиёт назарияси», «Олий таълим педагогикаси», «Умумий психология», «Этика ва эстетика», «Маънавият асослари», «Тадбиркорлик ва кичик бизнес», «Макроиктисадиёт», «Микроиктисадиёт», «Кибернетика» ва бошка фанлар билан ўзаро алокада намоён бўлади.

Фанларнинг турли хилда ўзаро бир-бирига кириб бориши жараёни, иктиносидиётни комплекс тарзда ўрганишнинг ривожланиб бораётгандиги замонавий иктисадчининг шахси фанининг бошка фанлар билан таркибий алоқада бўлишини объектив равишда тақозо қилади.

Жадал суръатда ривожланиб бораётган ва иктисодий билимлар соҳаси мутахассисликка, замонавий иктисадчининг шахси фанини тадқиқ килиш борасида янги, кўшимча имкониятлар яратиб беради. Ҳар кандай фаннинг мустакиллиги унинг бошка фанларнинг маълумотларини ишлатиши ёки ишлатмаслигида эмас. Замонавий иктисадчининг шахси фани ўз вазифаларини хал этиш учун оралиқ фанларнинг материаллари ва маълумотларидан катъий танлаб ва уларни қўлланиши чегараларини белгилаб олган тарзда фойдаланади.

Шунингдек, замонавий иктисадчининг шахси фанини ўрганиш жараёнида ўқитишининг куйидаги янги технологиялари қўлланилади: очик ва муаммоли маърузалар ўтказиш; компьютер ва фан-техника ютукларидан фойдаланиш; иктисодий билимларни кенгайтиришда иктисодий кроссвордлар, чайнвوردларни қўллаб, талабаларни фаоллаштириш кабиларни кенг қўллаш ва бошқалар.

Қисқа хуроса

Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг муҳим шарти сифатида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш муаммоси илгари сурилди. Миллий мерос ва умуминсоний кадриятлар, замонавий илм-фан, техника, технология ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида эришилган ютукларни таълим тизимиға татбик этиш асосида малакали кадрларни тайёрлашнинг мукаммал тизимини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида қайд этиб ўтилган. Шу нуктаи назардан келиб чиқиб, ушбу бобда “Замонавий иктисадчининг шахси” фанининг мақсади, вазифалари ва бугунги кунда фанлар тизимида тутган ўрни хусусида фикр юритилади

Ўз-ўзини назорат ва мухокама қилиш учун саволлар:

1. Замонавий иктисадчининг шахси фани нимани ўрганади?
2. Фаннинг мақсад ва вазифаларини кўрсатинг?
3. Замонавий иктисадчининг шахси қайси фанлар билан узвий алоқада?

4. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг асосий мақсади нимадан иборат?
5. Таълим жараёнининг объектив ва субъектив жихатларини кўрсатинг?
6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилган таълим тизимидаги асосий камчиликлар хақида қандай фикрдасиз?
7. Рақобатбардош кадрлар деганда нимани тушунасиз?
8. Тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришда қандай омиллар таъсир килмоқда?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. – Т.:FAN VA TEHNOLOGIYA, 2007.
2. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иктисолиёт назарияси. - Т.: «Молия», 2002.
3. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иктисолий педагогика (Ўкув кўлланма). – Т.: ТДИУ, 2002.
4. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: «Мехнат», 2000.

II боб. ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ МОҲИЯТИ

- 2.1. Тадбиркорлик ва кичик бизнес тўғрисида тушунча.*
- 2.2. Тадбиркорлик ва бизнес тарихи.*
- 2.3. Ўзбекистондаги тадбиркорлик тарихи.*
- 2.4. Кичик бизнесда тадбиркорлик тараққиётининг сабаблари.*
- 2.5. Кичик бизнесда тадбиркорлик турлари ва шакллари.*

2.1. Тадбиркорлик ва кичик бизнес тўғрисида тушунча

Республикамиз Президенти И.А.Каримов асарларида ва Республика Олий Мажлиси сессияларида қабул қилинган хужжатларда Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасидаги тадбиркорлик ва ишбилармонликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама мадал, кўмак бериш, уларнинг самарали ишлиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш ва улар ёрдамида мамлакат истеъмол бозорини юкори сифатли товарлар билан тўлдириш масалалари мухим ўрин олган. Ўзбекистон Республикасида «Тадбиркорлик тўғрисида»ги конунга асосан тадбиркорликнинг фаолият соҳалари, ҳуқуклари, мажбуриятлари, масъулиятлари ва манфаатларини химоя килиш давлат томонидан кафолатланади.

Бозор иктисодиёти субъектларининг хўжалик фаолиятида «тадбиркорлик» ва «бизнес» тушунчалари ўзаро якин бўлиб, амалиётда улар бир-бирини алмаштиришлари мумкин. Рус адабий тили лугатида «бизнесмен» гўёки тадбиркор, ишchan деб билинса, «бизнес» эса – фаолият, фойда келтирувчи машгулот деб тушунилади. «Тадбиркор» ва «бизнесмен» каби тушунчалар билан ишлаб чиқариш, даллолчилик, савдо, молиявий ва инновация фаолиятлари билан шуғулланувчи ва маълум микдорда даромад олиш ниятидаги инсон ифодаланади.

Бугунги кунда республикамизда юз берайтган чукур ўзгаришлар иктисодиётни янада самаралирок юритишга, ишлаб чиқаришни марказлашган бошқарувдан бозор муносабатларига ўткизишга катъий белбоғлаганлигини билдиради. Бу хусусида ҳукуматимизнинг бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ракобатни ривожлантириш бўйича кўяётган кадамлари ҳам далолат бериб турибди. «Кичик бизнес, - деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов¹ «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: ҳавфсизликка таҳлид, барқарорлик шартлари

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: Ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997.

ва тараккиёт кафолатлари» китобида, - жамиятда ҳам иктисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришда ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфини пайдо бўлиши демакдир. Бу республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлари билан бойитишдир. Факат кичик ва хусусий тадбиркорликни ҳамма жойда кенг ривожлантириш хисобигагина гоят кескин муаммони – аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш вазифасини ҳал килишга қодир бўламиз».

Бозор иктисодига асосланган давлат ва жамият барпо этишга киришган бизнинг мамлакатимизда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш шартларидан бири сифатида фукаролар биринчи навбатда тадбиркорлик ва кичик бизнесга оид муносабатларда иштирок этувчи кишилар иктисодий тафаккурини замон талабларига мос равиша шакллантириш, ўзини хукукий жиҳатдан химоя қила оладиган шахслар сифатида тарбиялаш вазифалари илгари сурилган.

Бозор иктисодиёти эркин тадбиркорликка, сохибкорликка асосланган иктисодиётдир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун иктисодиётда бозор муносабатлари хукмрон бўлиши лозим. Бошқача килиб айтганда, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун иктисодий фаолиятда эркинлик такоза этилади. Эркинлик бор жойда ўз ишига ижодий ёндашув, ташаббускорлик ривож топади.

«Тадбиркорлик» конунига асосан тадбиркорлик – фукароларнинг фойда ёки шахсий даромад олишга йўналтирилган мустакил, ташаббускор фаолияти бўлиб, у фукаронинг ўз номидан, ўзининг таваккалчилиги билан ҳамда ўзининг ёки юридик шахснинг (корхонанинг) мулкий жавобгарлиги асосида амалга оширилади. Демак, тадбиркор тўла ёки кисман моддий ёки молиявий ресурсларга эга бўлган ғайратли инсон бўлиб, у ушбу ресурсларни ўз ишини ташкил килиши учун ишга солади. Унинг томонидан бунёд этилган фирма (ташкилот, корхона) давлатимиздаги тараккий этаётган кичик бизнеснинг бир кисмига айланади.¹

Ватанимиз ва хорижий давлат олимлари бозор иктисоди жараёнини тадқик килар экан, тадбиркорлик ва бизнесни иктисодий фаолиятнинг бир тури деб караб, бу тушунчалар хусусий шахслар, корхона, ташкилотлар томонидан даромад олиш мақсадида ўзининг ва шартномадаги шерикларининг манфаатларини кўзлаб, ишлаб чиқариш, товар сотиб олиш ва сотиш деб хисоблайдилар.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида тадбиркор ва тадбиркорлик тушунчалари куйидагича талкин этилган.

¹ Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. «Шарқ», 2002, 8-бет

Тадбиркор – бу тадбир билан, пухта ўйлаб иш киладиган киши. Тадбир деганда бирор ишни, максадни амалга ошириш, рўёбга чикариш воситаси тушунилади.

Тадбиркорлик – бу пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чикилган амалий чоралар асосида иш тутмок демакдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» ги Конунида бу тушунчаларга куйидагича таърифлар берилган:

Тадбиркор – юридик шахс ташкил этган ҳолда ва ташкил этмасдан доимий асосда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс. Якка тартибдаги тадбиркор – юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс.

Тадбиркорлик - конун хужжатларига мувофик даромад олишга каратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чикариш йўли билан таваккал килиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускор фаолият.

2.2. Тадбиркорлик ва бизнес тарихи

Иктисадиёт оламига «тадбиркор» тушунчаси XVIII асрда кириб келган ва дастлаб кўп маънога эга бўлган. А.Смитнинг фикрича, тадбиркор бу кандайдир тижорат гоясини амалга ошириш ва фойда олиш мақсадида иктисадий таваккалдир. Унинг ўзи ишлаб чикаришни режалаштиради, ташкил килади ва натижаларни тасарруф этади.

Ж.Б.Сейнинг фикрича, тадбиркор бу бирор максадни кўзлаб ишлаб чикариш омилларини уйғунлаштирадиган иктисадий агентдир. Австрия мактабининг карашларича, тадбиркор бу ўзига хос социал-рухий тоифадаги хўжалик юритувчидир. Унинг учун турли-туман бозор имкониятларини таҳлил килиш ва фойдаланиш, янги гояларни сафарбар килиш мухимдир.

Дастлабки босқичларда тадбиркорликнинг энг мухим аломати бирон бир шахс-тадбиркор фаолиятининг фойдали ёки заарлигини белгиловчи ноаниклик омили хисобланган. Тадбиркорнинг ижтимоий-иктисадий вазифаси турли бозорларда талаб билан таклиф ўртасида мувозанат ўрнатишга доир таваккалчилик фаолиятидан иборат, деб тан олинган.

Кейинчалик «сармоя эгаси» ва «тадбиркор» тушунчалари бир-биридан фарклана бошлайди. Тадбиркор сармоянинг муомалада киришини, кўпайиб боришини таъминлайди ва бу борада у венчур сармоядир, яъни жалб килинган

молиявий маблағларни усталик билан тасарруф этувчи шахс сифатида ишни юритиб юборишга ўз ғоялари, билими ва кўнималарини татбиқ килиб, кўп фойда олиш максадида ўша маблағларни таваккалли ишларга сарфлайди.

Неоклассик мактаб намоёндалари ўз асарларида ўзига хос таваккалчилик асосида ракобатлашиб, савдо фаолияти билан шугулланувчи корхона эгасини тадбиркор деб хисоблай бошладилар.

2.3. Ўзбекистондаги тадбиркорлик тарихи

Ўзбекистонда кичик бизнес тараккиёти бир неча тарихий даврларга бўлинади:

Биринчи давр

Буни мутахассислар «Вужудга келиш даври» деб атайдилар. XIX асрнинг учинчи чорагидан то 1917 йилга кадар иктисадиётда хусусий бўлимнинг ривожланиш палласидир. Шу вактда Ўзбекистонда сармоядорлик тизими шаклланиб келаётган эди.

Маълумотларга мурожаат киладиган бўлсак, Октябр инқилобидан аввал, Ўзбекистон худудида 50 минг хунарманд ва косиблар ишлаб турган. Уларда эса кариб 110 минг киши саноат меҳнати билан банд бўлган.

Иккинчи давр

Бу давр «Стагнация», яъни «Харакатсизлик» деб аталади. Мана шу иккинчи давр етмиш йиллик вактни 1918-1985 йилларни камраб олади ва кичик бизнес учун акс эттирувчи замон хисобланади. Бу вактда тадбиркорлик маъмурий равишда бостириларди. 1926 йили умумий ахоли орасида якка дехконлар ва бирлашмаган хунармандлар 80,2 фоизни, ишчи ва хизматчилар эса 19,8 фоизни ташкил этган бўлса, унда жамоатлаштириш ва саноатлаштириш тугаши биланқ манзара кескин равишда ўзгарди. 1939 йил ўтказилган ахоли рўйхати маълумотларига кўра, жамоа хўжалиги дехконлари ва бирлашган хунармандларнинг сони 64 фоизга, ишчи ва хизматчиларники эса, 32,2 фоизга teng бўлган.

60-йиллар бошида собиқ иттифок компартияси дастури кабул килинганидан сўнг, бу жабҳага кескин равишда салбий муносабатда бўлинди. Окибатда Ўзбекистонда хунарманд ва косиблик ишлаб чиқаришларида банд бўлганлар сони халқ хўжалигида ишлайдиганларнинг умумий сонининг 0,1 фоизига хам етмасди.

Учинчи давр

Бу давр «Жонланиш» даври деб аталиб, амалда социалистик иқтисодни ислоҳ килишдан бошланиб, то СССРнинг парчаланиб кетишига қадар давом этди (1985-1991 йиллар). Бу эса, ўз навбатида кичик бизнеснинг ноконуний негиздан чикишига туртки берди ва уни ижобий тарзда жадаллаштириди.

Тўртминчи давр

Бу давр «Тикланиш» деб аталиб, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган вактдан бошланади. Қиска вакт ичидан кичик ва ўртача корхоналар ривожланишини бошқарувчи ва рағбатлантирувчи асосий меъёрий ва хукукий хужжатлар кабул килинди. Натижада 1994 йилнинг охирида ёк нодавлат бўлими мамлакат соғф моддий маҳсулотининг 53 фоизини ишлаб чикаради.

Нодавлат бўлимида ҳаммаси бўлиб, 4,8 миллион киши ишлар эди. Бугунги кунда Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес иқтисодиёт тараққиётининг асосий тизимини ташкил этади. Хукуматимиз барча даражаларда кичик ва ўрта корхоналарнинг унумли ишлаши учун зарур шароитларни яратишга интилмоқда.

Хозирги кунда республикамизда 180 мингдан ортик корхона мустақил равишда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиб келмоқда. Жисмоний шахс сифатида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг сони 300 мингдан ошиди. Дехкон, оиласвий хўжаликларнинг сони эса 3 миллиондан кўпроқ, шунингдек 24 мингта фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

2.4 Кичик бизнесда тадбиркорлик тараққиётининг сабаблари

Кичик ишлаб чикаришда хусусий бизнес бошчилик килиши зарур. Шу билан бирга хусусий ишни ташкил килиш ва уни гуллатиб, тараққиёт топтириш анчагина мураккаб жараён. Шунга қарамасдан, факат кейинги йиллар мобайнида, дунё бўйича миллионлаб янги корхоналар бунёд этилди.

Тадбиркорлик тараққиётини тъминловчи асосий омиллар куйидагилардан иборат:

1. Халқ хўжалиги тармокларининг бозор муносабатларига ўтиши ва истеъмол бозорининг яратилиши;
2. Тадбиркорларнинг мулки, хукуки ва иқтисодий манфаатларининг ҳимояланишига хукукий ва давлат таркибидаги идоралар кафолатининг мавжудлиги;

3. Ишбилиармонликнинг давлат томонидан солик, молиявий кредит ва амортизация сиёсати оркали муносиб кўллаб-куватланиши;
4. Давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва кичик фирмаларни бунёд этиш;
5. Давлатнинг ижтимоий-сиёсий жихатдан баркарор ҳолати;
6. Жамиятнинг тадбиркорлик тўғрисидаги ижобий муруватли фикри;
7. Бозор иктисодиёти инфраструктурасининг тезкорлик билан тараккий топиши.

2.5. Кичик бизнесда тадбиркорлик турлари ва шакллари

Мустакил Ўзбекистонимизда хозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу ўзининг ижобий самарасини яқкол кўрсатиб турибди.

Бозор иктисодиёти шароитида мамлакатимизнинг ҳар жихатдан ривожланиши ва мавжуд қийинчиликларни енгиги ўтиши самарали иктисодий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва амал килиши билан чамбарчас боғлиқдир. Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан олиб борилаётган иктисодий сиёсат ўзининг бир катор ўзига хос хусусиятлари ва устувор жихатлари билан мамлакатимизда мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан имкон кадар самарали фойдаланиш, уни жаҳон мамлакатларининг илғор тажрибаларидан келиб чиқкан ҳолда тежамкорлик ва ракобатбардошлиқ тамойилларига таянган ҳолда кайта такомиллаштириш, шунингдек мамлакат иктисодиётини чукур интеграциялашув асосида ривожлантириш кабилар учун етарлича имконият яратмоқда.

Бирок, бугунги кунга келиб, мамлакатда замонавий шароитларда самарали фаолият кўрсата оладиган ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан ҳар кандай иктисодий фаолиятни муваффакиятли ташкил эта оладиган иктисодчи мутахассисларнинг етарли даражада эмаслиги иктисодий ривожланиш моделини самарали амал килишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бу эса, иктисодчи мутахассислар тайёрлаш тизимини янги тамойиллар асосида ривожлантиришни нухоятда долзарблигидан далолат бермоқда.¹

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш оркали республика иктисодиётида соғ ракобат мухитини таркиб топтириш мумкин. Чунки кичик бизнес корхоналарининг монопол бирлашмаларига бевосита

¹ Фудомов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес.-Т.: «Шарқ», 2002 йил.

алокаси бўлмайди, ўзлари мустакил фаолият юргизиб, конун доирасида харакат киладилар. Тадбиркорлик ва бизнеснинг яна бир жиҳати шундаки, унинг ташкилий тузилмаси содда, оддий ва мослашувчан бўлади, яъни янги товарлар турларини ишлаб чиқаришга тез мослашади, шунинг учун вактдан ҳам ютади¹.

Кичик бизнесда қуидаги тадбиркорлик шакллари мавжуд:

- фаолият йўналиши бўйича: ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва инновацион тадбиркорлик фаолияти;
- тадбиркорликнинг кандай вазифани бажаришга йўналтирилганлигига караб: ишлаб чиқаришни бошкариш, молиялаштириш, воситачилик ва маслаҳатчиликка каратилган тадбиркорлик;
- фаолият турларининг сони бўйича: битта соҳадаги ва кўп тармокли тадбиркорлик;
- фаолиятнинг тармок йўналишлари бўйича: саноат, агросаноат, кишлек хўжалиги, курилиш ва бошқа ҳалқ хўжалиги тармокларидағи тадбиркорлик.

Тадбиркорликнинг субъектлари жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин.

Юридик шахслар деб, ўзига тегишли алоҳида мулкка эга бўлган, ўз номидан мулкий ва номулкий ҳукукларни ва мажбуриятларни ололадиган, судда, арбитражда ва хакамлик судида даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотларга айтилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг қуидаги шакллари мавжуд:

- ҳусусий тадбиркорлик жисмоний ёки юридик шахслар томонидан амалда ўзининг шахсий мулки асосида ташкил қилинади;
- жамоа тадбиркорлиги – фуқаролар гурухининг жамланма мулки асосида ташкил қилинади;
- аралаш тадбиркорлик – битта юридик шахс ва бир неча жисмоний шахслар мулкини бирлаштириш йўли билан ташкил қилинади;
- шартномавий тадбиркорлик – мулк эгаси бўлмаган корхона раҳбари томонидан шартнома асосида амалга оширилади;
- корхона раҳбари худди ишбилармон фукарога мос тартибда рўйхатга олинади ва у каби масъулиятга эга бўлади.

¹ Э.Эгамберлиев., X.Хўжакулов. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: «Маънавият», 2003 йил.

Ўзларининг мулк шакллари асосида кичик бизнесда куйидаги корхоналар иштирок этиши мумкин, буларга хусусий, жамоа, аралаш ва бошка корхоналар киради.

Қисса хулоса

Бугунги кунда бозор иқтисодиётига асосланган хар кандай давлатни кичик бизнес ва тадбиркорликсиз тасаввур килиб бўлмайди. У туфайли эришилган муваффакиятлар хар кандай мамлакат иқтисодиётида катта аҳамиятга эга бўлиб, уни давлат томонидан кўллаб-куватлаш айни ўтиш даврида зарур. Шунинг учун катор давлатлар ўзининг иқтисодий ва ижтимоий жихатдан юксалишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-куватлаш учун маҳсус йўналтирилган конунлар кабул килишган.

Ушбу бобда Тадбиркорлик ва кичик бизнес тўгрисида, тадбиркорлик ва бизнеснинг тарихи, Россияда ва Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланиши, унинг киёсий таҳлили, бугунги кунда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрни, кичик бизнесда тадбиркорлик тараққиётининг сабаблари, тадбиркорликнинг асосий турлари, шакллари хусусида атрофлича фикр юритилган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Тадбиркорлик ва кичик бизнес тўгрисида тушунча беринг?
2. Ўзбекистондаги тадбиркорлик тарихини гапиринг?
3. Кичик бизнесда тадбиркорлик тараққиётининг сабабларини кўрсатинг?
4. Кичик бизнесда тадбиркорлик турлари ва шаклларига нималар киради?
5. Иқтисодиётни эркинлаштириш деганда нимани тушунасиз?
6. Тадбиркорлик омилларига нималар киради?
7. Нима учун тадбиркорлик субъекти ва обьекти тадбиркорлик фаолиятида бош омиллардан хисобланади?
8. МДҲдаги тадбиркорлик тарихини гапиринг?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: «Шарқ», 2002.
2. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иктисолиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.
3. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: «Мехнат», 2000.
4. Тожибоева Д. Иктисолиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси (Ўкув кўлланма). – Т.: Молия, 2003.
5. Хўжаев Э., Юнусова Р., Ражабов Э. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. – Самарканд, 1997.

III боб. ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

- 3.1. Корхона (фирма) тадбиркорликнинг бошлангич бўғини.*
- 3.2. Кичик бизнесда тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.*
- 3.3. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари.*
- 3.4. Якка ва хусусий тадбиркорлик.*
- 3.5. Жамоа тартибидаги ва аралаш тадбиркорлик.*

3.1. Корхона (фирма) тадбиркорликнинг бошлангич бўғини

Ўзбекистон Республикасида ислоҳотларнинг босқичма-баоскич амалга оширила бориши туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига катта аҳамият берилмоқда. Юртимизнинг иктисодий ўсишида улкан салоҳият мавжудки, бунинг учун ана шу кичик соҳа гуркираб ривожланиши зарур.

Бугунги кунда республикамизда юз берадётган чукур ўзгаришлар иктисодиётни янада самаралирок юритишга, ишлаб чиқаришни марказлашган бошқарувдан бозор муносабатларига ўтказишга катъий белбоғлаганлигини билдиради. Бу хусусида хукуматимизнинг бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ракобатни ривожлантириш бўйича қўяётган кадамлари хам далолат бериб турибди. «Кичик бизнес, - деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов¹ «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари» китобида, - жамиятда хам иктисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадилилаштиришда ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфини пайдо бўлиши демакдир. Бу республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлари билан бойитишдир. Факат кичик ва хусусий тадбиркорликни хамма жойда кенг ривожлантириш хисобигагина ғоят кескин муаммони – ахолининг иш билан бандлигини таъминлаш вазифасини хал килишга қодир бўламиз».

Ўзбекистон Республикаси «Корхоналар тўғрисида»ги Конуннинг 1-моддасига биноан корхона – бу:

- юридик шахс хукукига эга бўлган;
- мулкчилик хукуки ёки хўжаликни тўла юритиш хукуки бўйича ўзига карашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида:
 - а) маҳсулот ишлаб чиқарадиган;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997.

б) маҳсулотни сотадиган ёки айирбошлайдиган;

в) ишларни бажарадиган;

- беллашув хамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг хуқуклиги шароитида амалдаги конунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чикарадиган мустакил хўжалик юритувчи субъектдир.

Шу конуннинг 2-моддасига кўра, тадбиркорлик ширкатлари хам корхона деб юритилади. Тадбиркорлик корхонадан бошланади. Корхона нима билан шуғулланмасин, қандай мулк шаклига эга бўлмасин, барибир бозор учун ишлайди, унга товарлар ва хизматлар етказиб беради, унинг тирикчилиги хам бозор билан ўтади. Шунинг учун у бозорда хам сотувчи, хам харидор сифатида қатнашади.

Корхона хар қандай ишлаб чикаришнинг бирламчи, асосий бўғинидир. Ишлаб чикариш омиллари корхонада бирикиб, бу ерда меҳнат жараёни юз беради, жамиятнинг талаб эктиёжини кондиришга каратилган моддий маҳсулотлар ва хар хил хизматлар яратилади.

Ижтимоий меҳнат таксимоти тизимида корхона ўз ўрнига эга, маълум соҳада ихтисослашган бўлади ва шунга кўра корхонада муайян техника, технология жамланади. Шунга мослашган ишчи кучи фаолият олиб боради, яъни маълум касбий малака ва маҳоратга эга бўлган кишилар меҳнат жараёнига киришадилар.

Фирма корхонадан фарқли ўлароқ, ишлаб чикариш ва ноишлаб чикариш соҳаларида хар қандай тадбиркорлик фаолиятини англатади. Бундай номни саноат корхонаси ва даволаш муассасаси учун хам, қурилиш трести ва воситачилик ташкилоти учун хам, савдо фаолияти учун хам, ходимлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, сайёхлик ва бошқа ташкилотлар учун хам нисбатан ишлатиш мумкин.

3.2. Кичик бизнесда тадбиркорликнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

«Тадбиркорлик тўғрисида» ги Конуннинг 7-моддасига биноан хар бир фукаро хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан тенг асосларда куйидаги хукукларга эга:

- конунларда белгиланган шартларга риоя килган ҳолда корхоналар ва ташкилотларни вужудга келтириш, таъсис этиш, сотиб олиш ва кайта тузиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва давом эттириш;

- тадбиркор турли даражада мулкий жавобгар бўладиган ўз тадбиркорлик фаолиятини таъсис этиш;

- бу фаолиятни бажариш учун бошка юридик шахслар ва фукароларнинг мол-мулки хамда пул маблагларини ихтиёрий асосларда жалб этиш;
- конунларга мувофик ходимларни мустакил ёллаш ва ишдан бўшатиш;
- тадбиркорликдан конунларда белгиланган тартибда солик солинадиган чексиз миқдорда шахсий даромад орттириш;
- конунларга мувофик ижтимоий таъминлаш ва ижтимоий суғурта килиш ва ҳоказо.

Тадбиркорлик фаолиятини юритишга доир тадбиркорларга юкландиган мажбуриятларга қўйидагилар киради:

1. Амалдаги конунлардан хамда тузилган шарт-шароитлардан келиб чикадиган барча мажбуриятларни бажариш;
2. Ёлланиб ишлаётган ходимлар билан конунларга мувофик меҳнат шартномаларини тузиш;
3. Ишга жалб этилган барча ходимлар билан тузилган битимга мувофик, корхонанинг молиявий ахволидан катъий назар улар билан тўлиқ хисоб-китоб килиш;
4. Ёлланиб ишлаётган ходимларни ижтимоий ва тиббий суғурта килиш;
5. Конунларга мувофик маҳсус билим ва кўникма талаб килинадиган ишга фақатгина зарур тайёргарликка эга, касб-кори жиҳатидан ярокли ва тегишли маълумотга эга бўлган шахсларнигина жалб этиш.

Булардан ташқари, тадбиркорлар зиммасига юкландиган маҳсус мажбуриятлар ҳам бор. Булар жумласига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- амалдаги йўрикномаларга биноан корхона фойдаси эвазига атроф-мухит хавфсизлигини, ишлаб чиқариш санитария гигиенаси ва маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- истеъмолчиларнинг хукуклари ва конуний манфаатларига амал килиш;
- мамлакат конунларига биноан лицензияланиши кўрсатилган фаолият турларига белгиланган тартибда маҳсус рухсатнома олиш;
- ўзининг банк хисоб варагини очиш.

Ўзбекистон Республикаси иктисадиётини мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ривожлантириб бориш иктисадиёт фанини мукаммал эгаллаш, унинг сир-асрорларини пухта ўрганишни талаб этмоқда. Хусусан, бозор муносабатига ўтишни тезлаштирувчи асосий йўллардан бири бу кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш хисобланади. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришга, унинг давлат томонидан кўллаб-куvvatланишига, хусусий тадбиркорликда ташабbus кўрсатиш, уни рағбатлантиришга бағишлиланган бир канча конун, фармон ва карорлар кабул

килинди. Буларнинг хаммаси Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори хисобланган баркамол авлодни тарбиялаб етиширишни тақозо этади. «Маънавий жихатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш гоясини рўёбга чикарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб колади»¹, - деган эди Президентимиз И.А.Каримов.

Бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган иктиносидий ижтимоий ислохотларнинг туб негизини тадбиркорлик, омилкорлик ва ишбилиармонлик омилларисиз тасаввур этиш кийин. Эркин бозор муносабатларининг кенг равнақ топиши кишилар хаётида, уларнинг турмуш тарзида, маънавий ва хаётий кўнкималарида намоён бўлмоқда.

1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида кабул килинган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги конунда тадбиркор ва ишбилиармонлар учун янада кўпроқ имтиёзлар ва кафолатлар берилди. Бу ўз навбатида кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар ва ишбилиармонларнинг ишчанлигини янада фаоллаштиришга, мамлакат ялпи миллий маҳсулоти хажмини оширишга, инфляция жараёнларини секинлаштиришга, иктиносидийни баркарорлаштириш ва ривожлаштиришга имконият яратади.

Ўзбекистонда иктиносидий ислохотларни янада чукурлаштириш, мулкни давлат тасаруғидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг жараёнларини тобора авж олдириш, шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш ва кўллаб-кувватлашни таъминлаш максадида:¹

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш Кўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги хузуридаги давлат мулки жамғармаси негизида Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш давлат Кўмитаси ташкил этилган.

Ўзбекистонда тадбиркорлик ва кичик бизнесни кўллаб-кувватланиши – ракобатчиликнинг ривожланишига, истеъмол бозорини товарлар ва хизмат ишлари билан тўлдириш, янги иш жойларини яратиш, кўплаб мулк эгалари ва тадбиркорларнинг шаклланишига хизмат килувчи Республикада ўтказилаётган

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби: 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктиносидий ривожланишириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иктиносидий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидағи маъруза // Халқ сўзи газетаси. – 14.02.2009. – № 33-34 (4696-4697).

¹ Э.Эгамбердиев., X.Хўжакулов. Качик бизнес ва тадбиркорлик. –Т.: «Маънавият», 2003 йил

иктисодий ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Тадбиркорликнинг қўллаб-кувватланиши нафакат иктиносидиётни мутассил ривожлантириш, айни пайтда хўжалик алоқаларини тартибга солиш, ракобатни ривожлантириш ва истеъмол бозорини тўлдириш билан боғлиқ бўлган иктиносидий максадларни таъминлаш зарур. Бундан ташқари, бундай давлат ёрдами иктиносидий-сиёсий вазифаларни хал этиши, республиканинг барча худудларида сиёсий мўттадилликни мустахкамлаши, тадбиркорлик фаолиятига тегишли бўлган ижобий ижтимоий муносабатларни шакллантириши, унга ахолининг фаол кисмини жалб этиши, ишсизлик, инфляция ва бошқа салбий ижтимоий ҳолатларнинг олдини олиши лозим. Булардан кўринадики, тадбиркорлик ва кичик бизнес фанининг ўқитилиши давр такозоси, бозор муносабатларига ўтишнинг объектив заруриятидир.

3.3. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари


Бизнес ишбилармонлик муносабати сифатида ўз субъектлари (иштирокчилари)га, яъни якка тартибда бизнес билан шугулланувчи кишилар, тадбиркорлар жамоаси ва уюшмаси, якка истеъмолчилар бирлашмалари ва нихоят, давлатнинг иктиносидий идораларига эга. Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Конунинг «Тадбиркорлик субъектлари» деб аталган 4-моддасида бизнеснинг (тадбиркорликнинг) субъектлари сифатида куйидагилар кўрсатилган:²

- хусусий тадбиркорлар;
- тадбиркорлар жамоаси ва тадбиркорлик ассоциацияси;
- маҳсулот (хизматлар, ишлар)ни истеъмол килувчи ёки улардан фойдаланувчи алоҳида ва кўпчилик (жамоа) шаклидаги истеъмолчилар ва шунингдек, истеъмолчилар уюшмаси ва ассоциациялари;
- шартнома асосида ёлланиб меҳнат фаолиятини амалга оширадиган ходимлар ва касаба уюшмалари;
- битим тузишда тўғридан-тўғри иштирок этувчи давлат тузилмалари (бу тадбиркорларга ҳукумат буюртмаларини беришда, баҳо белгилашда ва бошқаларни бажаришда имтиёзлар хажмини, тартибини аниқлашда қўлланилади).

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик тўғрисида»ги¹ Конунинг 5-моддасига биноан тадбиркорлик шакллари қуйидагилардан иборат


² «Ўзбекистонда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни.-Т.: 1991 йил 15 февраль.

¹ «Ўзбекистонда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни.-Т.: 1991 йил 15 февраль



Бизнеснинг максади, одатда, фойдани баркарор холга келтириш ва уни муттасил ошириб боришидир. Тадбиркорнинг ҳамма ўй-фикрлари, харакатлари ва сарф-харажатлари айнан фойда олишга қаратилган бўлади. Бу фойда бизнеснинг кейинги ривожланишини ва социал эхтиёжларини кондиришга қаратилгандир (2 чизма).

2-чизма



Зарар кўришга, йўқотиш ва умуман, иқтисодий инкиrozга қаратилган бизнес бўлмайди. Аммо бошка ҳар қандай ишда бўлганидек, бизнесда ҳам муваффақият ўз-ўзидан келмайди. Унинг заминида ҳамиша машакқатли меҳнат, уддабуронлик, моҳирлик, билимдонлик ва ташаббус ётади. Шу билан бирга бу фазилатлару хислатларни тўхтовсиз камол топтириб бориши керак бўлади.

Умуман олганда, Республика из Президенти И.А.Каримов асарларида ва Республика Олий Мажлиси сессияларида қабул килинган хужжатларда Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасидаги тадбиркорлик ва ишбилармонликни молиявий жиҳатдан кўллаб-куvvatлаш, уларга ҳар томонлама мадад, кўмак бериш, уларнинг самарали ишлаши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш ва улар ёрдамида мамлакат истеъмол бозорини юкори сифатли товарлар билан тўлдириш масалалари мухим ўрин олган. Ўзбекистон

Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонунга асосан тадбиркорликнинг фаолият соҳалари, хукуклари, мажбуриятлари, маъсулитлари ва манфаатларини химоя килиш давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунинг 5-моддасига биноан тадбиркорлик шакллари куйидагилардан иборат:

1. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти.
2. Хусусий тадбиркорлик фаолияти.
3. Жамоа тартибдаги меҳнат фаолияти.
4. Аралаш тадбиркорлик.

Келиб чикиш тарзига қараб, тадбиркорлик тузилмасини:

- давлат тасарруфидан чиқарилган;
- хусусийлаштирилган;
- тижоратлаштирилган;
- нодавлат мулк эгаларининг улушлари хисобига;
- фукароларнинг шахсий жамғармалари хисобига янгидан ташкил килинган турлара ажратиш мумкин.

3.4. Якка ва хусусий тадбиркорлик

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий ва экологик, сиёсий муаммоларни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун тадбиркорликни давлат томонидан кўллаб-куватлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг долзарб йўналишларидан биридир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очишдан мақсад истеъмол бозорида товар ва хизматлар кўп сармоя килмасдан, киска муддат ичидаги ракобатга чидами махсулот ишлаб чиқаришдир. Бу эса йирик ихтисослаштирилган корхоналар етказиб беролмайдиган махсулотлар билан ахолини таъминлашга имкон беради. Бошқача килиб айтганда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш янги иш ўринларини яратиш, янги технология асосида бозорни зарур махсулот ва хизматлар билан таъминлайди ҳамда товар сифатини оширади. Бу эса ахолини ижтимоий химоялашда бюджет харажатларини камайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини хукукий химоя килиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони¹ республикада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини хукукий химоя килиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ҳалқ сўзи, 2005 йил 16 июнь, 1-бет.

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга асосий турткى бўлди. Аммо иктисадиётимизнинг ривожланишига кичик бизнеснинг ижобий фаолиятини эътироф этган ҳолда, унинг аҳамиятини ортиқча бўрттириш ҳам нотўгри. Кичик тадбиркорлик факат муайян доирадагина фаоллик кўрсата олади. Шу сабабли кичик тадбиркорларни самарали ривожлантириш учун керакли шароитни яратиш зарур. Якка меҳнат фаолияти тадбиркорликни амалга оширишнинг энг оддий шакли бўлиб, уни ташкил килиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 14 февралдаги карори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом»да белгиланган. Бу Низомга мувофик, ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган якка тадбиркор ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил килмай амалга оширишга хаклидирлар.

Якка тартибда фаолият кўрсатувчилар, одатда майда ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар. Фукаролар бундай фаолият билан юридик шахс макомини олмасдан шуғулланишади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик қўйидаги турларга бўлинади:

1. Шахсий тадбиркорлик.
2. Биргаликдаги тадбиркорлик.

Шахсий тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири уларнинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланган ҳолларда эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб килинади.

Юридик шахс ташкил қилмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик шаклларига қўйидагилар киради:

- эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида амалга ошириладиган оиласи тадбиркорлик, шу жумладан, дехкон хўжалигининг умумий биргаликдаги мулки негизида амалга ошириладиган дехкон хўжалиги;

- ўзларига умумий улуши мулк хукукида тегишли бўлган умумий мулк негизида якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириладиган оддий ширкат.

Хусусий тадбиркорлик – бу фукаролар томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад олиш максадида амалдаги конунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Хусусий тадбиркорликнинг якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорликдан фарки шундаки, бу ерда фаолият кўрсатувчилар ўз фаолиятини ёлланма ишчи кучи ёрдамида олиб борадилар. Хусусий тадбиркорлик 2 хил кўринишда ташкил килиниши мумкин:

1. Юридик шахсни ташкил килган холда хусусий тадбиркорлик фаолияти.
2. Юридик шахсни ташкил килмаган холдаги хусусий тадбиркорлик фаолияти.

3.5. Жамоа тартибидаги ва аралаш тадбиркорлик

Жамоа тартибидаги меҳнат фаолияти деганда бир гурӯҳ фуқароларнинг ўзларига маъқул бўлган мулкчилик шаклларида жамоаларга бирлашиб, жамоа корхоналарини ташкил килишлари ва шу асосда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари тушунилади.

Бунда тадбиркорлик фаолияти фирмалар фаолиятида ўз ифодасини топади. Фирма бу бозор учун ишловчи корхонадир. Корхона қайси мулкка тааллукли бўлмасин бундан катъий назар, улар фирма, завод, фабрика номлари билан юритилади.

Фирма муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатишга ихтисослашади. Бозордаги талаб ва таклифга караб иш тутади, иктиносидий жихатдан эркин ва мустакил бўлади.

Фирма (корхона) турлари

- хусусий фирма, ширкат фирма, давлат корхоналари, аралаш фирмалар;
- масъулияти чекланган фирма, масъулияти чекланмаган фирма;
- акциядорлик жамиятлари, корпорациялар.

Кўйима (аралаш) корхоналар – хусусий, давлат ва жамоа мулкининг аралаш маблагларига таянади. Аралаш фирмаларнинг миллий ва хорижий капиталга таянган корхоналари кенгрок тарқалган. Уларнинг капитали хиссадорлик коидасига биноан ташкил топади. Фойдаси шунга караб таксимланади.

Кўйима корхона тузишга ҳамкорларни нима мажбур килади? Америкалик олимлар куйидаги омилларни келтирадилар:

- капитал харажатлар ҳажмининг кискариб кетиши ва янги кувватларни барпо этишдаги хавотирлик;
- аник жугофик бозорга кириш;
- янги фаолият соҳасига ўтиш;
- ишлаб чиқариш соҳасининг базаси ёки ашё манбасини кўлга киритиш;
- ишлаётган ишлаб чиқариш линияларининг кенгайганилиги;
- товар ёки хизматларни сотишнинг янги тармоклари пайдо бўлаётганилиги;
- мавжуд маркетинг самарадорлигининг ошганлиги;



➤ кўшма корхонадаги хамкорлар ёрдамида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имконияти.

Кўшма корхоналар ўзаро манфаатдорлик негизида, ҳукуматлараро шартномалар асосида ташкил килиниб, илмий-ишлаб чиқариш, илмий-техник ва бошка вазифаларни ечишга каратилган. Республикаизда АҚШ, Италия, Туркия, Франция, Германия, Англия, Корея, Япония каби катор давлатлар компаниялари билан хамкорликда кўшма корхоналар, объектлар курилиб, ишга туширилмоқда.

Қисса хулоса

Ўзбекистонда тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-кувватланиши – ракобатчиликнинг ривожланишига, истеъмол бозорини товарлар ва хизмат ишлари билан тўлдириш, янги иш жойларини яратиш, қўплаб мулк эгалари ва тадбиркорларнинг шаклланишига хизмат килувчи Республикада ўтказилаётган иктисодий ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Тадбиркорликнинг қўллаб-кувватланиши нафакат иктисодиётни мутассил ривожлантириш, айни пайтда хўжалик алоқаларини тартибга солиш, ракобатни ривожлантириш ва истеъмол бозорини тўлдириш билан боғлик бўлган иктисодий мақсадларни таъминлаш зарур.

Шу нунктан назардан келиб чиқкан ҳолда ушбу бобда корхона ва тадбиркорлик, кичик бизнесда тадбиркорликнинг ҳуқук ва мажбуриятлари, тадбиркорлик фаолиятининг шакллари, якка ва хусусий тадбиркорлик, жамоа тартибидаги ва хамкорликдаги тадбиркорлик бўйича керакли маълумотлар берилган ва атрофлича ёритилган.

Ўз-ўзинни назорат ва мухокама қилиш учун саволлар:

1. Нима учун корхона (фирма) тадбиркорликнинг бошлангич бўғини хисобланади?
2. «Тадбиркорлик тўғрисида»ги конун қачон қабул қилинган?
3. Кичик бизнесда тадбиркорликнинг ҳуқук ва мажбуриятлари нимадан иборат?
4. Тадбиркорлик фаолиятининг шаклларига нималар киради?
5. Якка тадбиркорлик бўйича мисоллар келтиринг?
6. Жамоа тартибидаги ва аралаш тадбиркорликни таърифлаб беринг?
7. Тадбиркорлик фаолиятида кандай касб эгалари бўлиши керак?

8. Хусусий тадбиркорлик нима?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: «Мехнат», 2000.
2. Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: «Шарқ», 2002.
3. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. – Тошкент: Молия, 2002.
4. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси (Ўқув кўлланма). – Т.: Молия, 2003.
5. Эгамбердиев Э., Хўжамкулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик.-Т.: Маънавият, 2003.

IV боб. КИЧИК БИЗНЕСНИ ТАРАҚҚИЁТ ТОПИШИДА МДХ, ВАТАНИМИЗ ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИ ТАЖРИБАЛАРИ

- 4.1. МДХ мамлакатларида кичик бизнеснинг ривожланиши.
- 4.2. Япония ва Farb давлатларида тадбиркорлик.
- 4.3. Иқтисодиётни эркинлаштириши шароитида тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шугулланувчи сифатли ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш.
- 4.4. Ўзбекистоннинг МДХ доирасидаги иқтисодий ҳамкорлиги

4.1. МДХ мамлакатларида кичик бизнеснинг ривожланиши

XX-XXI асрлар бўсағасида бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг 40 таси Ғарбий Европа, Шимолий Америка, Осиё, Австралия ва Океанияда жойлашган бўлиб, унинг 29 таси иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкilotининг аъзосидир. Ривожланган давлатларнинг 7 таси, яъни АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Канада, Италия жаҳоннинг «катта еттилик» давлатлари ҳисобланади. Ушбу давлатлар хозирги кунда жаҳон хўжалигининг барча тармоқларини иқтисодий ривожланиш йўналишини ва шунингдек миңтақаларда давлатларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш аломатларини белгилаб беради.

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан бири ахоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот микдори ҳисобланади. 1997 йилда ушбу кўрсаткич саноати ривожланган мамлакатлarda ўртacha 21,5 минг долларни, жаҳоннинг ривожланган давлатлари бўйича эса ўртacha 5,7 минг долларни ташкил этган эди (ривожланаётган мамлакатлarda 3-15 минг долларни, Шаркий Европа мамлакатларида 5,5 минг долларни, МДХ давлатларида эса 3,1 минг долларни ташкил этган). Ривожланган мамлакатларда ЯИМ микдори ахоли жон бошига нисбатан 6,8 марта, ривожланаётган мамлакатларда 6,8 марта, Шаркий Европа давлатларида 3,9 марта, МДХ давлатларида эса 6,7 марта ўсган эди.

Жаҳон хўжалигига ишлаб чиқаришнинг асосий кисми ривожланган мамлакатлар худудига тўғри келади. 1997 йилда ривожланган мамлакатларда яшовчи ахоли сони 840,5 миллион кишини (ер юзи ахолисининг 14,2 % ни ташкил этган). Ушбу давлатларда ЯИМ қиймати 18070 млрд. долларни (бу кўрсаткич жаҳон ҳажмига нисбатан 52,8% ни) ташкил этган. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар хозирги кунда жаҳоннинг бошка мамлакатларининг

иктисодий ривожланиши юзасидан(ташки савдо, хорижий инвестиция тармоғи, трансмиллий корпарация тармоғи, илмий техникавий монополияга эришиш ва бошқаларни) назорат килишни йилдан-йилга кенгайиб бормокда. 1929-1933 йилларда жаҳон капиталистик хўжалик тизимини инкиrozга юз тутиши бошқариш тизимини издан чикиши, иктиносидиётнинг бекарорлиги, инфляция, ишсизликнинг кучайиши ишлаб чиқаришнинг кескин тушишига олиб келган эди.

Маълумки, XX-XXI асрлар бўсағаси жаҳон иктиносидиёти ривожланишнинг ўзига хос хусусиятига эга бўлиб, ташки савдо соҳасидаги халқаро иктиносидий муносабатларнинг глобал масштабда ривожланганлиги билан характерланади. Ана шу даврда МДҲ мамлакатларининг иктиносидий ривожланишида стабиллашув жараёнлари рўй берганлиги, Осиё-Тинч океани минтакаси давлатларини иктиносидий тикланганлиги кўзга ташланади.

МДҲ мамлакатлари билан якин ва узоқ хорижий мамлакатлар ўртасидаги савдо-иктиносидий алоқаларини боришида, айниқса саноати ривожланган мамлакатлар – АҚШ, Япония, Буюк Британия, Швецария, Жанубий Корея, ГФР, Франция, Туркия алоҳида ўринни эгалламоқда.

МДҲ мамлакатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида олиб борилаётган савдо – иктиносидий муносабатлар ҳам самарали ривож топиб бормокда. МДҲ мамлакатларини республикамиз билан бўладиган товар айланмасининг ривожланиши тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали принципларга асосланган. 2000 йилда Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо айланмаси 1999 йилга нисбатан 1,3 баробарга, РФ билан бўладиган савдо айланмаси эса 16% га ўсган эди.

Хозирги кунда МДҲ мамлакатларини республикамиз билан бўладиган ташки савдо айланмасининг 30-35%и Марказий Осиё минтакаси давлатлари (Козоғистон, Кирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон) оркали амалга оширилмоқда. Мустакилликнинг дастлабки йилларида республикамиз ташки савдо алоқаларининг 70-80%и МДҲ давлатлари хиссасига тўғри келган бўлса, 1997 йилга келиб 60-65% га тўғри келган эди.

Жаҳон иктиносидиётида МДҲ мухим тизим бўлиб колаверади. Унда 12 та давлат, умумий ва шунингдек миллий давлат манфаатларини хисобга олган холда ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга ошириши мумкин. Давлатлараро ҳамкорликнинг ўзаро иктиносидий муносабатлари МДҲ дирасидаги асосий ўйналишлардан бири хисобланиб, улар қўйидагиларdir:

- МДХ доирасида максадлар амалга ошгунга қадар интеграцияга сакраб ўтмасдан, балки боскичма – боскишлаб чикариш эркин савдо зонасини ташкил килиш;
- МДХ доирасида савдо – иктисодий ҳамкорлик соҳасидаги салоҳиятни кўтариш;

- МДХ доирасида товарларнинг эркин ҳаракатини тъминлаш ва бошкалар Жаҳон иктисодиётида МДХ кординатор ва ахборотчи ролини ўйнаб, барча аъзо давлатлар учун юкори даражадаги ижтимоий – сиёсий ва маданий хўжалик натижаларига эришиш мақсадида иктисодий жараёнларни тартибга солувчи платформага айланиши мақсадга мувоийдир. Ушбу жараёнлар МДХ давлатларининг жаҳон хўжалик тизимига боскичма – боскичлаб киришига имкон беради. Бунда самарали фаолият юритаётган эркин савдо зонасининг яратилиши МДХ да тўлаконли бозор инфратузилмасини ва хўжалик ҳамкорлигини юкори боскичларга ўтишнинг шаклланишида объектив зарурият касб этди. МДХга аъзо давлатлар жаҳон хўжалик алоқаларида ҳамда иктисодий ҳамнафаслик даражасига боғлиқ ҳолда интеграцион жараёнларнинг кейинги боскичларида ва минтакавий бирлашмаларида катнашиш тўғрисида мустакил карорлар қабул килишади. қабул қилинган карорларнинг амалий бажарилиши эса МДХ доирасида самарали ҳамкорликда намоён бўлади.

Тадбиркорлик МДХ мамлакатлари худудида ўзининг XIX асрда бошланган таракқиёт тарихига эга. Бу даврда дастлабки тадбиркорлик шаклидаги савдо уйлари ва саноат объектлари пайдо бўлди. Агар инкилобдан аввалги давр хўжалик амалиётига назар солсак, унда XX аср бошларида кенг кўламда ривож топган тадбиркорликнинг бир шакли бўлган ширкатлар ҳаракати алоҳида кизикиш уйғотади. У асримиз бошида турли фаолият соҳаларини қамраб олиб, ниҳоятда кенг кўламда тараккий топди.

Масалан 1925 йилда собик СССР саноатида 1888410 та турли майда, шахсий хунармандчилик корхоналари фаолият кўрсатган. Бу корхоналар хисобига 19 фоизи саноат ишлаб чикаришига тўғри келган бўлиб, ундан 32 фоизи – саноат истеъмол молларидир. Умумий товар айланмасининг 25 фоизи ва чакана савдонинг 50 фоиздан ортиғи хусусий савдога тўғри келган.

Иктисодиётнинг бу қадар кўп укладлилиги ракобатни тараккий топишига олиб келди ва истеъмол нархларига ижобий таъсир кўрсатди. Янги иктисодий сиёсат етишмовчиликни бартараф этди ва иктисодни соғломлаштиришга катта таъсир килди.

4.2. Япония ва Ғарб давлатларида тадбиркорлик

Мутахассисларнинг фикрича, Япониянинг жахонда иктисодий нуфузининг ошишида ва япон «мўжизаси»да кичик бизнес ҳал килувчи рол ўйнади. У ердаги қайта ишлаш саноатида 6,5 млн кичик ва ўрта бизнес корхоналар фаолият кўрсатиб, улар ушбу соҳадаги жами корхоналарнинг 99 фоизини ташкил этади. Бу корхоналарда 40 млн.дан ортик киши банд. Бу дегани иш билан банд ахолининг 81 фоизи кичик бизнес корхоналарида фаолият кўрсатади демакдир.

Япония модели. Бу модель жаҳон иктисодиётидаги йуналтириб турувчи кооператив капитализми модели бўлиб, давлат иктисодиётини режалаштиришда асосий роль ўйнайди. Давлат ишчиларининг касб маҳоратини оширишга эътиборни каратиб, уларнинг касб маҳоратини узлуксиз оширишга харакат килади. Япон моделининг характерли томони шундаки, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни миллий анъаналар асосида ташкил килишини шакллантиришга асосланган. Япон модели иктисодиётни ривожланишида анархия корпоративизми ҳам деб аталади. Хуллас, жаҳон иктисодиётидаги кейинги 100 йиллар давомида бозор иктисодиёти ўзининг юкори даражада ривожланган иктисодий системаларидан, илмий-техника инкилоби (ИТИ) ни ўзлаштиришда эҳтиёж ва талабни тўлиқ кондира олишлиги билан катта ахамиятга эга бўлмоқда.

Жаҳон иктисодиётидаги Канада ва Япония давлатлари энг йирик ҳалкаро инвестор давлатларидир. Хорижий малакатлардаги инвестицияларнинг хажми бўйича Япония дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринга чиккан бўлиши билан бир каторда ўзининг хорижий мамлакатлардаги инвестицияларининг ўртача 1,3 кисмини у АҚШ иктисодиётига ҳам кўйган эди. Ғарбий Европа давлатларида Япония капиталининг 80% и молиявий ва савдо-сотик соҳаларига, факат 15% қайта ишлаш саноатига кўйилган. Ғарбий Европа капитали асосан АҚШга йўналтирилган бўлиб, унинг улуши чет кўйилмаларнинг 2,3 кисмига тўғри келган эди. Ўз навбатида Ғарбий Европа давлатлари АҚШ инвестицияларининг 50% ига якинини кабул қилган.

Бозор иктисодига асосланган ривожланган Ғарб мамлакатларида 60-йиллар охири 70-йиллар боши кичик бизнеснинг гуллаган даврига тўғри келди ва у хозирда ҳам ўз ўрнини мустаҳкамлаб келмоқда. Фирмаларнинг умумий сонида майда ва ўрта корхоналар салмоғи ГФР да 95%, Японияда 99,7% га тўғри келади, ушбу соҳада ёлланган ишчиларнинг 45-47 фоизи банд, чунки

тараккий топган давлатларда тадбиркорлик хўжалик юритишнинг алохидা, илгор ва антибюрократик усули хисобланади.

Юкоридагиларнинг асосида доимий равиша янги имкониятларни излаш, кўйилган масалани ечиш учун хар хил ресурслар манбаларини излаб топиш, жалб килиш ва ишлатиш ётади. Farb давлатларида ишбилармонлик харакатчанлик, «ташаббускорлик», «жасурлик» каби тушунчалар билан уйғунлаштирилади. Демак, у жамиятда шундай имкониятларни келтириб чиқарадики, улар кўплаб ажойиб, фойдали фикрларни ҳакикатга айлантиради.

4.3. Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланувчи сифатли ва ракобатбардош кадрларни тайёрлаш

Мамлакатда туб ижтимоий иктисодий ўзгаришлар, меҳнат ва таълим хизматлари шаклланаётганда бу жамиятни ривожлантириш муаммолари билан жипс боғлик жаҳон хўжалигига уйғунлашаётган, юкори ракобатбардошликка эга бозор иктисодини мутахассис кадрлар билан таъминлаш давлатнинг стратегик максади бўлиб қолмоқда. Мустакил давлатимизнинг сиёсати, жамият ривожланишининг хозирги даражаси, унинг маданияти, фан ва техникаси, бозор иктисодиётига ўтиш, олий мактаб олдида турган янги вазифалар факат сифат жихатдан янги бўлган таълим мазмуни ва технологиясини, балки, республика иктисодий ривожланиш динамикасини, тарихан шаклланган вазиятни хўжалик юритишнинг замонавий шароитларида хисобга оладиган бозор иктисоди конунларига риоя этадиган мутахассислар тайёрлаш ва бунга бўлган талаб йўналишини белгилашга янгича ёндашишни ҳам талаб этади.

Давлат микёсида мутахассислар тайёрлаш, ишга жойлаштириш ва бандлиги жараёнини давлат бошқаруви механизмини яратиш айникса мухим бўлиб турибди. Бу олий таълим муассассасига талаб кабул килиш режаси тўла равиша иктисодиётнинг амалдаги талабларига мос келиши керак деганидир. Бугунги кунда олий таълим йўналишлари микёсида мутаносиблик 23-25% ни ташкил этади, кўпгина йўналишларда ортиқча мутахассис тайёрлаш кузатилмоқда.

Бизнинг таҳлилларимизча, сўнгги йилларда мутахассис кадрларга бўлган талаб кескин ошди, лавозим сифат ва микдор кўрсаткичлари ўзгарди, уларни олий маълумотли мутахассислар билан алмаштириш зарурияти юзага келди, ишга кабул килувчилар кўп холларда тегишли тарзда дипломга эмас, балки мутахассиснинг ишни кай даражада билишлиги, касбий маҳоратига

эътибор бермокдалар. Бу иктисодиётнинг барча соҳалари бўйича халқаро даражадагига мос келадиган билимга эхтиёж пайдо бўлди деганидир. Вахоланки, кўпгина олий таълим муассасалари меҳнат бозори эхтиёжи ва бозор талабларига жавоб бера олмайди. Натижада мутахассисларнинг бир кисмига кўшма, хусусий, чет эл ва республикамиздаги бошка корхоналарда мутлако талаб йўқ. Олий таълим муассасаларида мутахассисларни параллел тайёрлаш кузатилмоқда (айни бир иктинослик бўйича турли олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрланмоқда, байзги вилоятларда уларга нисбатан талаб йўқ). Булар барчаси олий таълим обрўйини туширмоқда ҳамда мутахассислар тайёрлаш сифатига салбий таъсири кўрсатмоқда. Юзага келган бу вазиятни ўзгартириш учун олий маълумотли мутахассислардан фойдаланиш самарасини ошириш ва таълимда давлат маблағидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун куйидагилар алоҳида аҳамият касб этади:

- олий таълимни янгича иктинослаштиришнинг (магистратура ва бакалавриат таълим йўналишини иктинослари рўйхати) олий маълумотли мутахассислар билан алмаштирилиши лозим бўлган лавозимдорликка мос келиш даражасини, яъни мамлакат ҳалқ ҳўжалиги тармокларидағи лавозимлар билан мутахассислар етиштириш мутаносиблигини белгилаш;
- умумий талабларга мувофиқ олий маълумотли мутахассислар билан таъминланганлик тармок меъёрларини ишлаб чиқариш янги тавсифловчисида кабул қилинган таълим йўналишлари бўйича умумий ва қўшимча талабаларни аниклаш;
- тармок кенгайиши ва меҳнат мураккаблигини сифат жихатидан такомиллаштириш билан боғлиқ мутахассисларга талабни аниклаш. Бунда куйидагилар эътиборга олиниши керак;
- уларнинг турли сабабларга кўра ишдан кетиши – авлодлар алмashiши, табиий кетиши, миграция, ходимлар кўнимизлиги ва бошкалар;
- олий таълим муассасалари, минтақалар йўналишлар (олий таълим иктиносиклари бўйича бакалавриат ва магистратура) бўйича талабалар кабул қилишнинг талаб билан мос келиши, яъни олий таълим ҳар бир йўналиши бўйича талабнинг таснифловчи, тавсифловчи ва давлат стандартига мос келиши;
- олий маълумотли мутахассисларга истиқболдаги талабни белгилаш бўйича тармок методикасини яратиш.

Бугунги кунга келиб, кўпчилик иктиносиди мутахассислар етарли даражада тажриба ва билимга эга бўлмаганликлари учун ҳам ўз фаолиятларини самарали ташкил эта олмаяптилар.

ТАСИС Дастири доирасида Европа иттифоки ташаббуси билан 1995 йил бошида кичик ва ўрта бизнес соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган Бозор кўнималарини ривожлантириш Маркази ташкил этилган эди.¹ Бу тизим 300 хил таълим тури ва марказларни ўз ичига олади. Улар каторида Тадбиркорлар палатаси кошидаги Республика бизнес мактаби ва уни вилоятлардаги филиаллари, бизнес инкубаторлар шохобчалари, кичик ва ўрта тадбиркорликни ахборот ва маслаҳат бериш ишлари билан кўлаб-куватловчи 205 марказ, «Бизнес фонд»нинг ахборот-консалтинг Марказларини ўз ичига оладиган маҳсус ташкилотлар, бизнес ривожига кўмаклашувчи Марказ, бозор, кимматбаҳо қофозлар ва шу кабилар соҳасида мутахассислар тайёрловчи Миллий марказларни кўрсатиш мумкин. Бундай марказлар хисобига ҳар йили 32 минг киши ўз билим ва тажрибаларини оширишлари мумкин.

Мехнат ва Ижтимоий таъминот вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Бозор кўнималарини ривожлантириш Марказлари ўтрасидаги ўзаро шартномалар доирасида 1999-2002 йилларда ўз бизнесини очмоқчи бўлган 2 минг нафар ишсиз бўлганлар ўқитилади. Улардан 70 фоизи ўз ишларини бошлаб юборди ва бозор тизимида ишга жойлашиб кетди.

2002-2003 ўкув йилларида ўкув комплекси таркибига кирувчи ҳалқаро ташкилотлар ТАСИС, ЮСАИД, Европа таълим фонди маблағлари хисобига 1400 киши таълим олиб чиқди.

Иктисадчи-ўқитувчиларни тайёрловчи маҳсус курсларнинг мутассил ишлаб турганлигига қарамай, юкорида кўрсатилган ўқитиш тизимларида маҳоратли, билимли педагог кадрларнинг етишмаслиги ҳам долзарб муаммолардан биридир. Мухим муаммолардан яна бири тадбиркор кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида маҳсус ўкув адабиётларининг етишмаслиги, моддий базанинг талаб даражасида эмаслигидир.

Бизнес мактаблари, тадбиркорларни тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланувчи таълим муассасалари хукукий асосларининг заифлиги ҳам жиддий муаммолардан биридир. Қабул қилинган айрим конуний ва меъёрий хужожатлар ҳали самарали ишлаётгани йўқ. Масалан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 37-моддасида кўрсатилган ишларни амалга ошириш учун биронта

¹ Этамбердисв Э., Хўжамкулов Х. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: «Маънавият», 2003. 90-бет.

хам меъёрий хукукий хужжат йўқ. Кадрларни ўқитиш билан боғлик бир канча хукумат карорлари бажарилмай колмоқда.¹

Замонавий иктиносид ва ижтимоий тараккиёт ўзига хослиги шундаки, кенг хусусийлаштириш фаол тадбиркорлик, чет эл инвестицияси, акциядорлик жамиятлари, ассоциациялар, корпорациялар вужудга келмоқда, турли жамоат бирлашма ва ташкилотлари шаклланмоқда, бошқа тузилмавий силжишлар рўй бермоқда, булар мутахассисларга, уларнинг тайёргарлигига, ишга жойлашувига, самарали фойдаланишига алоҳида талаб кўймокда ҳамда касбий таълимнинг молиявий шаклланишига ва моддий-технологик таъминланишига таъсир этмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўзда тутилган таълим хизмати мониторинги ва талаб истиқболи моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳада юкори малакали ракобатбардош кадрлар етиштириш ҳамда қайта тайёрлаш – мутахассисларга бўлган талабни ўрганиши такозо этувчи мужассам вазифа, яъни:

- республика, вилоят, иктиносид тармоғи ва ижтимоий инфратузилма, олий таълим йўналиши (иҳтинослиги)да;

- малака даражаси (бакалавр, магистр) ва таълим (олий, ОТМни тугатгандан сўнгги) бўйича тадқикотнинг қўйидаги методикаларидан фойдаланиб:

- ижтимоий тадқиқотлар;

- Ўзбекистон Республикаси ва чет эллардаги таълим хизматини таккослаш, киёсий таҳлили, кадрлар тайёрлаш бўйича олий таълим муассасалари имконини ўрганиш (мавжуд меъёrlарга мосланган таълим микдорий ва спектр йўналишлари);

- техникавий-иктиносидий кўрсаткичлар ва бозор конъюнктураси билан мосҳолда мутахассисларга бўлган талабни моделлаштириш;

- меъёр ва меъёрийлик асосида ходимларга бўлган талаб истиқболи;

- олий таълимнинг ахволи ва ривожи мониторинги тизимини ишлаб чиқиш;

- аҳоли бандлигини истиқбол асосида мутахассисларга бўлган талабни ўрганиш;

- тегишли олий маълумот олишга бўлган аҳоли талабини кондириш имкониятларини белгилаш;

- моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳада мутахассисларга бўлган талабни алоҳида-алоҳида конуниятларини ўрганиш.

Юкоридагилар мамлакатимиз иктиносидини юкори малакали ракобатбардош мутахассисларга бўлган талабини кондириш имконини беради.

¹ Эрганиев С., Хўжакулов X. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: «Маънавият», 2003 йил, 91-бет.

Шундай килиб, олий ўкув юртларида таълим жараёнини ташкил этиш ва ўқитиш сифати мониторингини йўлга кўйиш, кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, сифатли ва ракобатбардош иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш бугунги кунда хал қилиниши керак бўлган вазифалардан биридир.

4.4. Ўзбекистоннинг МДҲ доирасидаги иқтисодий ҳамкорлиги

Кейинги йилларда юз берәётган чукур ўзгаришлар мамлакатимизда иқтисодиётни янада самаралирок юритишига, ишлаб чикаришни марказлашган бошкарувдан бозор муносабатларига ўтказишга қатъий бел боғлаганлигини билдиради. Бу ҳакида ҳукуматимизнинг бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ракобатни ривожлантириш бўйича кўяётган кадамлари ҳам далолат бериб турибди.

Аммо бир иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, обод ва фаровон жамият куриш шартлари факат пухта ишланган дастурлар билангина чекланмайди. Шу билан бирга, эндиги тараккиёт, иқтисодий конунларни хисобга олган ҳолда бозорни бошкариш санъатини канчалик чукур эгаллашга ҳам боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти бизнес ва тадбиркорликка асосланган иқтисодиётдир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл берилиши туфайли мулкчиликнинг турли шаклига асосланган фирмалар, корхоналар сони ортиб бормоқда. Йирик хорижий инвесторлар билан кенг шерикчилик асосида иш бошлаган кўшма корхоналар сони кўпайиб бормоқда.

Жаҳон иқтисодиётида Ўзбекистон Республикаси суверен мустакилликка эришган кундан бошлаб (31 август 1991 йил) иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий хаётида ривожланишнинг янги даври бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Осиё минтакасининг марказий кисмida жойлашган бўлиб, республика худудида Ўрта Осиё аҳолисининг 45% яшайди. Ўзбекистон республикаси кўшни Қозогистон, Кирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон каби давлатлар билан чегараланиб Европа, Африканинг бир катор мамлакатлари билан транспорт ва телекоммуникация алоқалари орқали боғланаб турувчи стратегик харидор хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси хозирги кунда жаҳоннинг кўзга кўринган йирик ва обрўли халкаро ташкилотлари билан, дунёнинг барча минтакасида жойлашган ўнлаб давлатлари билан дўстона алоқаларни ўрнатган бўлиб, уларнинг йирик банк ва молиявий ташкилотлари билан иқтисодий

муносабатларни ривожлантириб бормоқда. Ўзбекистонда хозирги кунда хорижий мамлакатларнинг элчиноаси 49 та давлат ва шунингдек 15 та давлатларо ташкилотлари аккредитация қилинган. Республикаиз энг мухим халқаро конвенцияларнинг катнашчисидир. Ўзбекистон турли давлатлар ва халқаро ташкилотлар (БМТ, ЕИ, ЕТГБ, ХВФ, Осиё банки ва бошкалар) билан халқаро иктисодий алокаларни ривожлантириб борувчи давлатлардан биридир.

90-йилларнинг охирида Ўзбекистоннинг ташки иктисодий фаолиятида хорижий инвесторларни республика иктисодиётининг устувор тармокларига кириб келишлари учун кенг имкониятлар яратади. Хорижий компанияя ва фирмалар билан иктисодий ҳамкорликларда инвестиция лойихалари устида амалий ишлар олиб борилди. Агар 1997 йилда Ўзбекистонга кириб келган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 1,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 1,3 баробарга ўсган эди. Республика худудида жаҳоннинг 80 дан ортиқ давлатларининг сармоялари иштирокида курилган 4 мингга якин кўшма корхоналар фаолият кўрсата бошлади (1996 йилга нисбатан 3 баробар кўп демакдир). Шундай килиб, 1999 йилда рўй берган бир катор иктисодий тушкунликлардан сўнг республика саноат корхоналарида ҳам ишлаб чиқаришни ривож топиб борди. Ўзбекистон товар айланмасида импорт товарларни кисқариши хисобига экспорт товарлар ва хизмат кўрсатиш соҳалар кенгайиб борди.

2000 йилда Ўзбекистоннинг ташки савдо алокаларининг географияси янада кенгайиб, ташки савдо айланмасининг 63,1%и Европа мамлакатларига тўғри келган эди. Шу или республикаизнинг Марказий ва Шаркий Европа давлатлари билан бўладиган савдо иктисодий алокалари 7,2% га, ОПЕК мамлакатлари билан 1,4 баробарга, ЭКО мамлакатлари (Эрон, Туркия, Афғонистон, Туркманистон ва бошкалар) билан эса 1,2 марта ўсиб, 2000 йилда Ўзбекистоннинг умумий савдо айланмасининг 31-32%и Осиё ва Якин – Ўрта Шарқ мамлакатларига тўғри келган эди.

Россия Федерацияси билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо – иктисодий алокалар йилдан – йилга кенгайиб, ривожланиб бормоқда. 1997 йилда Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги экспорт – импорт савдо 65,3 млн АҚШ долларини ташкил этган. Ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон Россияга асосан кишлоқ - хўжалик маҳсулотларини чиқариб, камрок саноат товарларини сотиб олмоқда. Агар 1992 йилда Россияга сотилган маҳсулотларнинг 58-59%и пахта толасига, 7-8%и машина ва асбоб ускуналарга, 1-2%и эса ҳалқ истеъмоли товарларига тўғри келган бўлса, 1998 йилда пахта толасининг улуши 21-22% га

кискарғанлигини, машина ва асбоб – ускуналар 30-31% га, халк - истеъмоли маҳсулотлари савдоси учун эса 14-15% га ўғсанлигини кўришимиз мумкин.

Хуллас, республикамиз ўзининг киска иқтисодий ривожланиш йилларида Россиядан халк - истеъмоли маҳсулотларини импорт қиласиган мамлакатдан, уларни экспорт қиласиган мамлакатга айланаб бормоқда.

Бугунги кунга келиб республикамизда 180 мингдан ортик корхона мустакил равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаяпти. Жисмоний шахс сифатида, яъни юридик шахс макомини олмай туриб, якка тартибда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг сони 600 мингдан ошди. Хунармандчилик, касаначилик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорларнинг сони эса юз минглаб ҳисобланади.

1998 йилнинг ўзида 15 мингта кичик ва хусусий корхоналар, дехкон хўжаликлари барпо этилди. Бу эса ўз навбатида:

- янги иш жойларини ташкил этишга;
- тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш хажмининг ўсишига;
- ички истеъмол бозорининг таъминланишига;
- ахоли даромадларининг кўпайишига ёрдам беради.

Ҳозирги кунда МДҲ мамлакатлари билан Ўзбекистон ўртасида бўладиган ташки савдо айланмасининг 30-35%и Марказий Осиё минтақаси давлатлари оркали амалга оширилмоқда. Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 1999 йилдан бошлаб минтака давлатлари ўртасида товар айланма йилдан – йилга ўсиб, ривож топмоқда. Агар 1999 йилда минтака давлатлари билан республикамиз ўртасида товар айланма 525 млн. АҚШ долларини, 2002 йилда эса 568 млн. долларни ташкил этган эди. 2002 йилда Қозогистон билан Ўзбекистон ўртасидаги товар айланма 263,3 млн. долларни, Тоҷикистон билан 116,9 млн. АҚШ долларини, Киргизистон билан 111,6 млн, Туркманистон билан эса 75,3 млн. АҚШ долларини ташкил этган эди.

МДҲ давлатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо – иқтисодий муносабатлар сезиларли ривожланиб бормоқда. Жумладан, 2003 йилда Ўзбекистоннинг Украина билан бўлган савдо айланмаси 1,5-2 баробарга, РФ билан 20-25% га, Марказий Осиё давлатлари билан 1,5-2 баробарга ўсган эди. МДҲ мамлакатларининг савдо – иқтисодий алоказали Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия ва Грузия каби мустакил давлатлар билан ҳам йилдан – йилга кенгайиб бормоқда. МДҲ мамлакатларининг савдо – иқтисодий алоказалининг боришида, айниска, саноати ривожланган (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия) ва ривожланаётган (Хиндистон, Туркия, Эрон, Саудия Арабистони) давлатлари алоҳида ўринни эгаллаб турибди.

ЕИ мамлакатлари Ўзбекистон иктисодиёти учун энг муҳим инвесторлар хисобланади. Республикамиз ҳудудида ЕИга аъзо-давлатларнинг 150 га яқин фирма ва компаниялари аккредитация килинган. Республикасида ЕИнинг 480 дан ортиқ фирма ва компаниялари фаолият кўрсатиб келаётган бўлиб, уларнинг 114 таси тўлик 100% ли Европа капитали хисобига ишламоқда. Хуллас, 1995-2004 йилларда ЕИ давлатларининг фирма ва компаниялари, шунингдек уларнинг банклари Ўзбекистонда миқдори 8,0 млрд. доллар атрофидағи инвестицион проектларда катнашган эди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон билан ЕИ мамлакатлари – Буюк Британия, Германия, Франция, Бельгия ва бошқалар ўртасида олиб борилаётган икки томонлама ҳамкорниклар йилдан-йилга ривож топиб бормоқда.

2004 йилда Ўзбекистон Республикасида умумий ҳисобда 3090 та хорижий инвесторлар ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган корхоналар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 2497 таси кўшма корхоналарни ташкил этган эди. Ушбу кўшма корхоналарни ташкил этишда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Туркия, ХХР, РФ, Украина, Қозоғистон республикалари каби давлатларнинг инвесторлари фаоллик кўрсатмоқда. Ўзбекистон ҳозирги кунда Туркия билан 50 та, АҚШ билан 49 та, РФ билан 56 та, Буюк Британия билан 40 та, Жанубий Корея 23 та, Швецария билан эса 18 та кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Хуллас, Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган ҳалкаро ташкилотлар доираси шунчалик кенгки, у БМТ ва унинг таркибидағи барча ташкилий ва муассасаларни ҳамда МДҲ, Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти, ЕИ ва бошқа кўплаб минтақавий тузилмаларни камраб олган.

Ўзбекистон Республикасининг НАФТА давлатлари билан савдо – иктисодий алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда. Республикамизнинг АҚШ билан олиб бораётган иктисодий муносабатларини ривожланиб боришида «АҚШ-Ўзбекистон ўртасидаги стратегик ҳамкорлик» тўғрисидаги Деклорация (2002 йил) муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистонда америкалик инвесторларнинг ҳамкорлигига ташкил топган 323 та ишлаб чиқариш корхоналари рўйхатдан ўtkazilgan бўлиб, уларнинг 233 таси кўшма корхоналар хисобланади (90-100% ни хорижий капитал хисобига курилган). АҚШ инвесторлари асосан республиканинг тоғ-кон саноати ва нефть-газ комплексларини курилишларида, агрокомплекс базасини технологик ривожида, озик-овқат ва транспорт инфраструктураси соҳаларида амал килмоқда. Хуллас, Ўзбекистон республикасининг ўн, ўн беш йиллик суверен мустакиллиги йилларида Америка компаниялари ва молиявий институтлари томонидан амалга

оширилган инвестицион проектлар 2,4 млрд. АКШ долларини ташкил этган бўлиб, уларнинг 1,4 млрд. доллари Американинг молиявий институтлари томонидан сувўрта килинган.

Ўзбекистон республикасини Осиё-Тинч Океани минтақаси давлатлари билан олиб бораётган савдо-иктисодий ҳамкорликлари йилдан-йилга ривож топиб бормоқда. Жумладан, минтақанинг етакчи саноати ривожланган мамлакатларидан бири Япония республикамизни суверен мустакиллигини (1991 йилнинг 28 декабрида) тан олди. Икки давлат ўртасидаги иктисодий алокаларни ўрнатилишида Ўзбекистон – Япония ва Япония – Ўзбекистон комитетлари иктисодий ва маданий ташкилотларни тузилишида (1994 йил) катта рол ўйнамоқда. Ўзбекистонда иктисодий ахамиятган эга бўлган Япониянинг ҳалкаро ҳамкорлик агентлиги (ЖАЙКА) ва ташки савдо ташкилоти (ЖЕТРО) фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда республиканинг хом-ашё ресурслари базасида, нефть-газ ва Япон инвесторлари ҳамкорлигига ташкил топган 19 та йирик компания ва уларнинг бўлимлари 8 та ҳамкорлик комплекслари фаолият кўрсатиб турибди. Хуллас, 2002 йилда икки давлат ўртасидаги товар айланма 31,9 млрд. долларни ташкил этган бўлиб, унинг 11,6 млн. доллари экспорт товарларга, 20,3 млн. доллари эса импорт товарларга тўғри келган эди.

Ўзбекистон республикасини жанубий Корея билан олиб бораётган савдо – иктисодий муносабатларини ривожланиб боришида икки давлат ўртасида ўзаро ташки иктисодий алокаларни ривожлантиришнинг ҳуқукий асослари хисобланган «Савдо тўғрисида»ги, «Инвестицияни химоя қилиш ва кенгайтириш тўғрисида»ги, «Илмий-технологик ҳамкорлик тўғрисида»ги бир катор 20 дан ортик шартномаларни имзоланиши (1994 йил) мухим ахамиятга эга бўлди. 2002 йилда иkkala давлат ўртасидаги товарайланма 326,0 млн. долларни ташкил этган бўлиб, унинг 67,0 млн. доллари экспортга, 259,0 млн. доллари эса импортга тўғри келган. Ўзбекистон республикаси экспортида асосий ўринда пахта толаси, хизмат кўрсатиш, мато ва тўқимачилик маҳсулотлари турган бўлса, импортида эса транспорт воситалари, механик ва электроасбоб-ускуналар, хизмат кўрсатиш, пластмасса ва улардан тайёрланган буюмлар турган. 2003 йилинг саккиз ойи давомида

Ўзбекистон Жанубий Корея ўртасидаги товарайланма 179,2 млн. долларни ташкил этган бўлиб, унинг 39,1 млн. доллари экспортга, 140 млн. доллари эса импортга тўғри келган. 2003 йилда Жанубий Кореянинг экспорт импорт банки томонидан Ўзбекистонга кўрсатган кредити 96,4 млн. долларни ташкил этиб ушбу ёрдам асосан республикада телекоммуникация ўзатишларини,

«ЎзДеуАвто» қўшма корхонасида бир катор янги автомобиль русумларини яратиш, касб хунар коллежларини янги техник воситалар билан таъминлаш, «Ўзбек ипаги» ассоциациясини техник қайта жихозлаш ишларига сарф этилган эди.

Ўзбекистон республикаси билан ХХР ўртасидағи ҳамкорликни ўрнатилишида Ўзбекистон – Хитой ўртасида ўзаро савдо иктисадий алокаларни олиб бориш тўғрисидаги шартномасини имзоланиши (1992 йил) мухим ахамиятга эга бўлди. Ушбу шартномага мувофиқ 2002 йилда икки давлат ўртасидаги товарайланма 130 млн. долларни ташкил этган бўлиб, унинг 17,3 млн. доллари экспортга, 112,7 млн. доллари эса импортга тўғри келган эди. Ўзбекистон экспортида асосан хизмат кўрсатиш, ипак маҳсулотлари, нефть ва нефть – кимёвий маҳсулотлар, пахта толаси, калава иплар турса, импортида эса механик ва электрон – асбоб-ускуналар, оптик буюмлар ва аппаратлар, пластмасса ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, транспорт воситалари, трикотаж кийим – кечаклар, пойафзал, каучук ва резина буюмлар, кофе, чой ва турли ширинликлар туради.

Умуман олганда, бугунги қунда, Республикаиздаги тадбиркорликни хорижий давлатлар ҳам кўллаб-куватлаялти. Масалан, Оврупа қайта куриш ва тараққиёт банки икки йил муддатга 120 миллион долларлик кредит линияси очди. Осиё тараққиёт банки эса 3 йилга 50 миллион доллар маблағ тақдим этди ва 1999 йилнинг иккинчи ярмига келибок 20,2 миллион долларлик 16 та лойиха маблағ билан таъминлаш учун қабул килинади.

Қисса хулоса

Кейинги йилларда юз берадиган чукур ўзгаришлар мамлакатимизда иктисадиётни янада самаралирок юритишига, ишлаб чиқаришни марказлашган бошқарувдан бозор муносабатларига ўтказишига қатъий бел боғлаганигини билдиради. Бу хакида ҳукуматимизнинг бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ракобатни ривожлантириш бўйича қўяётган кадамлари ҳам далолат бериб турибди.

Ушбу бобда МДҲ мамлакаларида тадбиркорлик, бизнеснинг ривожланиши, Япония ва Фарб давлатларида тадбиркорлик, тадбиркорлик ва бизнеснинг ривожланишида хорижий давлатларнинг илгор тажрибалари, ватанимизда тадбиркорлик ва бизнеснинг ривожланиши, иктисадиётни эркинлаштириш шароитида сифатли ва ракобатбардош кадрлар тайёрлаш йўллари кабилар

хусусида фикр билдирилган, шунингдек, бу мавзу бўйича берилган материаллар талабаларга ишонарли тарзда баён килинган.

Ўз-ўзини назорат ва мухокама қилиш учун саволлар:

1. МДХ мамлакатларида кичик ва бизнеснинг ривожланишини гапириб беринг?
2. Японияда тадбиркорлик қачондан бошлаб ривожланган?
3. Ғарб давлатларидаги тадбиркорликка мисоллар келтиринг?
4. Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг тараккиёт топшида МДХ ва хорижий давлатларнинг илфор тажрибаларини гапириб беринг?
5. Ватанимизда тадбиркорлик ва кичик бизнес қачондан бошлаб ривожланган?
6. Тадбиркорлик ғояси нима?
7. Ракобат деганда нимани тушунасиз?
8. Кичик бизнес тадбиркорликда қандай рол ўйнайди?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: «Шарқ», 2002.
2. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иктисадиёт назарияси. - Т.: «Молия», 2002.
3. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: «Мехнат», 2000.
4. Хўжаев Э., Юнусова Р., Ражабов Э. ва бошкалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. – Самарканд, 1997.

У боб. ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

1. *Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик фаолияти.*
2. *Тадбиркорлик, кичик бизнеснинг давлат томонидан ҳисобга олишиниши.*
3. *Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрни.*

5.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик фаолияти

Ўзбек халқининг азалий орзуси ушалиб, у ҳам сиёсий, ҳам хукукий соҳада мутлақо мустакил бўлди. Эндиги вазифа иқтисодий соҳада ҳам тўлик мустакилликка эришишдир. Буни амалга ошириш учун асосий эътиборни бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришга қаратиш лозимдир. «Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз, - деб ёзган эди Президентимиз И.А.Каримов, - Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзининг ҳар томонлами ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бир ёклама, бесўнакай ривожлантиришнинг мудхиш меросига бархам беришга асосланади»¹

Бугунги кунда биз бозор муносабатларимизга ўз моделимиз оркали ўтиб бормоқдамиз. Бу жараён Президентимиз раҳбарлигига сабитқадамлик, тинчлик, баркарорликни саклаш ва миллий хавфсизликни таъминлаш, республиканизнинг сиёсий, иқтисодий хаётини, ижтимоий соҳаларини чукур ислоҳ килиш ва янгилаш асосида амалга ошириляпти.

Маълумки, бозор иқтисодиётининг моҳияти ҳар бир фукаронинг ижодий ва меҳнат фаолиятини такомиллаштириш, бокимандаликка хотима бериш, ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, мулкка эгалик туйгусини кучайтириш, унга ишлаб чиқаришга бўлган хукмронлик хиссини сингдириш, ишлаб чиқаришни истеъмолчи манфаатига бўйсундириш, уларнинг маҳсулотга бўлган талабини аниқ ҳисобга олиб, шунга яраша тезлик билан иш тутиш, хўжаликда тежамкорликка эришиш, харажатларни камайтириш, талон-тарож ва суньеъмолчиликка карши кураш, янгиликларга нисбатан сезгир бўлиш ва фан-техниканинг сўнгги ютукларини дадил ва ғайрат билан жорий этишдан иборат. Мана шулар хаётга тадбик этилгандагина халқимиз ҳар қандай иқтисодий тангликтан тезроқ чиқиб олиши ва фаровон хаёт кечириши учун имконият яратилилади.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. -Т.: “Ўзбекистон”. 2009 й.

Эндиликда бозор иктисодиёти турли хизматлар кўрсатиш, товарлар ишлаб чикариш, уларни айирбошлиш муносабатлари ининг барча соҳаларини борган сари кенг камраб олмокда. Бу жаравон ўз навбатида хар бир фуқародан тадбиркорлик ва бизнес билан иш кўришни, тадбиркор фаолиятини тобора ривожлантириб боришни такозо этмоқда.

Бизнингча, тадбиркорлик ва бизнеснинг юкорида айтилган моҳияти ва хусусиятларидан келиб чикадики, бизнеснинг яшаши ва ривож топиши учун куйидаги шарт-шароитлар зарур:

- мулкка эгалик килиш ва пировард маҳсулдорликка эришиш, шунингдек, моддий неъматларга эгалик килиш хукукини олиш ёки у хукукни бошқаларга ўтказиш имконияти;
- хўжалик субъектларининг нисбатан мустакил фаолият кўрсата олиши, уларнинг хўжалик фаолиятида иктисодий жиҳатдан эркин бўлиши; жумладан, шартнома тузишда, кўшилишда, фаолият турини ва истеъмолчиларни танлашда;
- айирбошлиш шаклларини ривожлантириш, яъни товар-пул муносабатларининг ўзаро мувофиқлиги, жумладан меҳнатни эркин равишда айирбошлиш, ёллаш, бошқача айтсан – бозорга бемалол кириш имкониятларининг мавжудлиги.

Бизнес фаолиятини амалга ошириш шарт-шароитлари ички ва ташки шароитларга бўлинади:

- *ички шароитлар* – капитал ёки сармоя эгалари, менеджерлар ва ёлланган меҳнат ходимлари ўртасидаги муносабатлардан ташкил топади;
- *ташқи муҳим ёки шароитлар* – бизнес фаолиятини ташкил этувчилар билан давлат ва ижтимоий ташкилотлар, тузилмалар, хом ашё етказиб берувчилар, кредиторлар ва истеъмолчилар ўртасидаги алокадорлик, боғликлик, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири билан ифодаланади. Бунда иш бажариш мобайнидаги муносабатлар тизимига жалб этилган, тортилган хар бир контрагенлар албатта ўз манфаатларини кўзлайдилар. Бу манфаатлар I-жадвалда келтирилган.

Бизнинг назаримизда, бундай хилма-хил манфаатларни амалга ошириш анча мушкул иш, айрим холларда бу талабларни амалга ошириш низоларсиз бўлмайди. Шунинг учун бизнес фаолиятининг иктисодий ва ижтимоий муваффакияти бу манфаатларни мутаносиблаштириш, мувофиқлаштириш даражасига боғлик бўлади, яъни алоҳида контрагентлар манфаатлари ўртасидаги фаркни иложи борича камайтириш даражасига ва уларнинг максадлари ўртасида мувозанатни ўрната олиш даражасига боғлиқдир.

№	Бизнес фаолияти иштирокчилари	Манфаатлар
I. Ички шароитлар:		
1.	Сармоя эгаси, эгалари	- сармояни саклаш ва кўпайтириш; - мунтазам фойда олиб туриш; - пировард равиша хал килувчи қарорлар қабул қилиш хукуки.
2.	Менежерлар	- фойда олиш ва фирманинг ривожланишини таъминлаш; - хусусий манфаатлар (мукофот, мустакил бўлиш, хукмдор бўлиш).
3.	Ёлланган ходимлар	- юкори иш хаки; иш жойини йўқотмасликка ишонч; - яхши меҳнат шароитлари ва юкори даражадаги ижтимоий ҳимоя.
II. Ташки муҳит:		
1.	Давлат жамоатчилик ва	- иш жойларини яратиш, ижтимоий ҳолат; - дунё бозорида ракобат килиш кобилияти; баҳо даражасининг бир меъёрда сакланиши; - яккахокимликка карши кураш чоралари билан бозор муносабатларини кўллаб-кувватлаш; - атроф-муҳитни ва истеъмолчилар манфаатларини химоялаш.
2.	Хом ашё етказиб берувчилар	- юкори даромад ва кам харажатлар; шартнома алокаларининг баркарорлиги.
3.	Кредиторлар	- юкори фоизлар; - кредитни қайтариш кафолати; - фирмага таъсир этиш имконияти.
4.	Истеъмолчилар	- кенг танлов имконияти; - маҳсулотнинг юкори сифатда бўлиши; - баҳонинг паст даражада бўлиши; - сервис хизматининг юкори даражада бўлиши.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш мамлакатимиз фуқароларининг муҳим конституцияйи хукукларидан бири бўлиб, бу хукукларни юзага чиқарилишига давлат ҳар томонлама кўмаклашади, уларни тўла кафолаттайди.

Зероки тадбиркорлик тарақкӣ топған юртгина иқтисодий жихатдан ривожланиши, гуллаб-яшнаши мумкин.

Маърифатли бозор иқтисодига асосланган давлат ва жамият барпо этишга киришган бизнинг мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш шартларидан бири сифатида фуқаролар биринчи навбатда тадбиркорлик ва кичик бизнесга оид муносабатларда иштирок этувчи кишилар иқтисодий тафаккурини замон талабларига мос равища шаклантириш, ўзини ҳуқукий жихатдан химоя кила оладиган шахслар сифатида тарбиялаш вазифалари илгари сурилган.

5.2. Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг давлат томонидан химоя қилиниши

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқукий – меъёрий асослари яратилган. Улар жумласига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу соҳага оид Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Мажкамасининг карорлари ва фармойишлари, шунингдек, меъёрий хужжатлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ мамлакат иқтисодиётининг асосини турли шаклларда амал қиласидиган мулк ташкил этади. Давлат иқтисодий фаолият эркинлигини, тадбиркорликни, барча мулк шаклларининг тенглиги ва ҳуқукий химоясини кафолатлади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари сингари дахлсиз ва давлат томонидан химоя қилинади.

Тадбиркорлик фаолиятининг конуний асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш максадида 1995-йилнинг декабрида «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси конуни кабул килинган эди. 1997-99 йилларда бу борада яна учта – «Хўжалик юритувчи субъектларни давлат томонидан назорат килиш тўғрисида», «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палаталари тўғрисида», «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси конунлари кабул килинди.

Нихоят, 2000-йилнинг 25 марта иккинчи чакириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида кабул килинган «Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш кафолатлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг янги конуни кучга кирди.

Шундай қилиб, мамлакатимизда ташкил этилган тадбиркорлик тизимини ривожлантириш учун барча зарурий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу эса ўз

навбатида товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни янада ривожлантириб боришига, шу асосда бозорни турли моллар билан тўлдиришга, нарх-навони арzonлашувига, аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

5.3. Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрни

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чукурлаштириш йўлида» номли нихоятда чукур мазмунга эга бўлган китобида республикамизнинг мустакилликка эришган кунидан бошлаб, то шу кунгача ўтган даврда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда қилинган ишлар, эришилган ютуклар хар томонлама чукур тахлил килинди. Шу билан бирга келгусида амалга оширилиши лозим бўлган асосий ишлар аник белгилаб берилиди, йўл-йўриклар кўрсатилди.

«Мехнат кўп талаб килинадиган ва хизмат кўрсатиш соҳалари, кишлок жойларда кичик корхоналар ташкил этилса ва тез ривожлантирилса, тадбиркорлик рағбатлантирилса, хунармандчилик-косибчилик ва ҳалқ бадиий устачилиги кайта тикланса, республика учун ғоят муҳим муаммо ҳал этилади».² Шу сабабли тадбиркорлик ва бизнес соҳасида мулкдор дуч келадиган муаммоларни ечиш, унга кенг йўл очиб бериш, кўплаб ҳакиқий мулк эгаларини тарбиялаш максадга мувофиқидир.

Тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш амалга оширилаётган ислохотларимизнинг асосий бўғини хисобланади. Чунки;

Биринчидан, тадбиркорлик ва бизнес ривожланган жаҳон иқтисодиётининг таркибини ташкил этувчи муҳим тармок хисобланади. Унинг фаолияти нафакат йирик бизнеснинг, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг муваффакиятли ривожланишига бевосита таъсир килади. Бундан ташкири ички бозорнинг истеъмол товарлари билан тўлдирилиши ва ахолига турли хизматлар кўрсатилиши, экспорт салоҳиятининг ўсиши, ахолини иш билан таъминлаш ва унинг реал даромадларини кўпайтириш масалаларининг ечими ҳам ана шу тармокнинг нечоғлик баркарор ривожланишига боғлик.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг глобаллашуви жараённида жаҳон бозорида ракобат янада кучаяди. Бундай шароитда айнан тадбиркорлик ва бизнес йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан капитал маблағ сарфини ҳам талаб килиши, ихчамлиги билан бир каторда, зарур тамойилларга, бозор конъюктурасининг ўзгарувчан талабларига ҳамда вакт-вакти билан бўлиб турадиган иқтисодий

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чукурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. 241-б.

инкиролларга тезрок мослаша олиш, ишлаб чиқариш кувватларини жадал модернизация килиш имкониятига эга.

Бизнинг таҳлилларимиз бўйича, дунё бозорида истеъмол моллари конъюктураси хозирги замон шароитида ўртacha ҳар 9 ойда ўзгариб туради. Агар шуни хисобга олсак тадбиркорлик ва бизнес иктиносиданнинг изчил ривожланишида нечоғлик муҳим ахамиятга эга экани яққол кўринади.

Айни вактда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатли ва ракобатбардош бўлишига эришиш, бу ишни катта сармоя ва капитал маблағларга эга бўлмаган холда амалга ошириш зарур эди.

«Мана шунинг учун кичик корхоналарнинг, хусусий тадбиркорликнинг ахамияти нечоғли бекиёс эканини исботлаб ўтиришга хожат йўк»,¹ - деб кўрсатди Президентимиз И.Каримов.

Масаланинг бошқа яна бир ўта муҳим томони хам бор. Мамлакатимиздаги демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятини инобатга оладиган бўлсак, бизда аҳоли, айникса, меҳнатга кобилиятли ёшларнинг сони тез ўсиб бормоқда. Уларнинг сони йилига тахминан 200-230 минг кишига кўпаймоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ортиқча ишчи кучларини иш билан таъминлаш, ишсизлик масаласини ҳал этиш – мамлакатимиздаги энг долзарб иктиносидай ва ижтимоий муаммолардан биридир.

Бизнингча, бу вазифани ҳал этишининг энг самарали йўналишларидан бири :

- кичик бизнес корхоналар сонини кўпайтириш;
- хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-кувватлашдан иборатdir.

Бундан ташқари, мамлакатимиз аҳолисининг катта кисми деярли 60 фоизи кишлоп жойларда яшайди. Бугунги кунда айнан кишлоп жойлардаги одамларни иш билан банд килиш, даромад манбалари билан таъминлаш, айникса, кескин муаммо бўлиб турибди. Бу муаммо ер ва биринчи галда, сув ресурсларининг чекланганлиги билан боғлиқдир.

Табиийки, бу масалани кишлоп хўжалиги ўз холича ҳал кила олмайди. Бунинг устига, кишлоп хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ишчи кучларини камайтириб боришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида кишлоп аҳолисини иш билан таъминлаш борасида янги муаммоларни келтириб чикаради.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараккиётни ва ҳалкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир: 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктиносидай ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи газетаси. – 30.01.2010.

Бу муаммонинг кандай ечими бор?

Ҳаммамизга маълумки, биз кишлок жойларида йирик саноат комплексларини барпо эта олмаймиз. Чунки улар ўз-ўзини копламайди ва кутилган самарани бермайди.

Бизнинг назаримизда, кишлок жойларида, биринчи галда, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг жадал ривожланиши учун зарур бўлган барча шартшароит ва кафолатларни яратиш, дехкон ва фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш оркали янгидан-янги иш жойларини ташкил этиш керак.

Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда ташкил этилган тадбиркорлик ва бизнес тизимини ривожлантириш учун барча зарурий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу эса ўз навбатида товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни янада ривожлантириб боришга, шу асосда бозорни турли моллар билан тўлдиришга, нарх-навонинг арzonлашувига, ахоли турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

Қисса хулоса

Бозор иктисодиётининг моҳияти ҳар бир фукаронинг ижодий ва меҳнат фаолиятини такомиллаштириш, бокимандаликка хотима бериш, ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, мулкка эгалик туйгусини кучайтириш, унга ишлаб чиқаришга бўлган хукмронлик хиссини сингдириш, ишлаб чиқаришни истеъмолчи манфаатига бўйсундириш, уларнинг маҳсулотга бўлган талабини аник ҳисобга олиб, шунга яраша тезлик билан иш тутиш, хўжаликда тежамкорликка эришиш, харажатларни камайтириш, янгиликларга нисбатан сезгир бўлиш ва фан-техниканинг сўнгги ютукларини дадил ва гайрат билан жорий этишдан иборат. Мана шулар хаётга тадбик этилгандагина ҳалкимиз ҳар кандай иктисодий тангликтан тезрок чиқиб олиши ва фаровон ҳаёт кечириши учун имконият яратилади. Ушбу бобда иктисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик ва бизнеснинг давлат томонидан химоя килиниши, кичик бизнесда тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик ва бизнеснинг бугунги кунда иктисодиётда тутган ўрни хусусида атрофлича фикр юритилган ва бу мавзу бўйича керакли маълумотлар берилган.

Ўз-ўзини назорат ва мухокама қилиш учун саволлар:

1. Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишини мисоллар асосида гапиринг?
2. Нима учун тадбиркорлик ва кичик бизнес давлат томонидан химоя килинади?
3. Кичик бизнесда тадбиркорлик фаолияти қандай бўлади?
4. Тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг иктисодиётда тутган ўрнини асослаб беринг?
5. Тадбиркорлик мухитини яратишда қандай ўрин тутади?
6. Тадбиркорлик фаолиятида қандай касб эгалари бўлиши мумкин?
7. Тадбиркорлик ва бизнес қандай тамойилларга асосланади?
8. Кишлоқ ахолисини иш билан таъминлаш муаммолари бўйича Сизнинг фикрингиз?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Хўжаев Э., Юнусова Р., Ражабов Э. ва бошкалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. – Самарканд, 1997.
2. Эгамбердиев Э., Хўжамкулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик.-Т.: Маънавият, 2003.
3. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иктисодий педагогика (Ўкув кўлланма). – Т.: ТДИУ, 2002.
4. Чжен В.А. Ўзбекистонда тадбиркорликни кўллаб-куватлаш тизими. – Т.: 1995.
5. Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Ҳ., Жўраев Т.Т. Иктисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.

У 606. ЗАМОНАВИЙ ИҚТІСОДЧИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

1. Замонавий иқтисодчига хос хусусиятлар.
2. Тадбиркор – иқтисодий ресурсларни бирлаштирувчи.
3. Замонавий иқтисодчи фаолиятини ҳаракатга келтирувчи күч.
4. Замонавий иқтисодчи фаолиятининг таҳлили.

6.1. Замонавий иқтисодчига хос хусусиятлар

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти дунёning кўпчилик мамлакатлари учун хос бўлиб, у турли мамлакатларда ҳар хил даражада ва ўзига хос хусусиятлар билан амал қилимоқда ва ривожланмоқда. Бу иқтисодиётнинг амал килиш механизми кўплаб асрлар давомида таркиб топиб, шаклланиб, ҳозирги даврда маданийлашган шаклни касб этди ва кўпгина мамлакатларда хукмон иқтисодий тизимга айланди. Мазкур иқтисодиётнинг барқарорлиги шу билан тушунириладики, узоқ даврли иқтисодий эволюция давомида унинг амал килишининг асосий класик коидалари сакланиб колди.¹

Тадбиркорликнинг муҳим хусусиятлари – унинг ҳаракатчанлиги ва жўшкинлигидир. Тадбиркор ўзининг фикри бўйича муваффакиятга олиб келувчи янги ҳаракат усулларини, маҳсулот турини ва технологияни, истеъмолчилар доирасини, маҳсулотини ва кўрсатадиган хизматининг сифатини яхшилаш йўлларини тинимсиз кидиради. Тадбиркор шундай инсонки, у пул маблаглари, материаллар ва ишчи кучини жамлаштириб, янги маҳсулот, янги бизнес, янги ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади ёки ишни ташкил этишнинг такомиллашган усулини яратади.

Марказлаштирилган иқтисоддан бозор иқтисодига ўтиш, венчур капитали, маълумотлар воситалари, бозорлари тараккиёти ташаббускор фаолият учун кенг имкониятлар ва эркинликларни тъминлайди. Тадбиркорлар йирик бюрократик ташкилотларнинг замон билан ҳамнафас кадам кўйишга кобилиятсизлигини бошқалардан аникроқ кўра олади. Шахсий жавобгарлик, ихтирочилик ва муомала санъати негизида ташкил бўлган корхоналар бугунги, тинимсиз ўзгариб турувчи, имкониятлардан фойдаланишга кўпроқ кобилиятылдирилар.

Тадбиркор ва бизнес билан шуғулланувчилар ҳаракатчанлик, жўшкинлилик, мослашувчанлик ва янгиликка интилувчанликка асосланган замонавий хўжалик юритиш усулини амалга ошириб, ўзининг мавжудлигини

¹ Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т., Иқтисодиёт назарияси. Т., «Молия», 2002.

эслатиб туради. У ахборот тўплайди ва одамларга раҳбарлик килади, қарорлар кабул килади, ишни ташкил қилади, янги турдаги маҳсулот ва хизмат турини ишлаб чикаради ёки эскисини такомиллаштириш йўлларини излайди.²

Муаммонинг ечишнинг ҳар хил йўлларини излаш, уларни танлаш ва ўзгартериш факат улар бўйича мукобил спектрнинг мавжудлигига боғлик. Бу эса тадбиркорлик, бизнес ва бозор ўртасидаги узвий боғликларни белгилаб беради ҳамда бозор муносабатлари шароитидагина иктисадий кенгликларни мақсаддага мувофиқ харакат усулини танлаш эркинлиги пайдо бўлади.

Бизнингча, факат бозор муносабатлари шароитидагина иктисадий кенгликларни мақсаддага мувофиқ харакат усулини танлаш эркинлиги пайдо бўлади.

Иктисадиётнинг маъмурӣ-буйруқбозлиқ тизими корхоналарни узоқ ва номаълум даврга мўлжалланган режа ва топширикларни бажариш учун ташки мухитга мослашишига мажбур килар эди. Бозор шароити эса корхоналарнинг биринчи даражадаги диккат-эътиборини тезлик билан тадбиркорлик мухитига мослашувга қаратишни талаб қилади.

Тадбиркор факат бозорда қандайdir маҳсулот ёки иш кучининг етишмаслигига эмас, балки уларни ҳаддан ташкари кўплигига ҳам тезкорлик билан диккат-эътиборини каратади.

Шунингдек, тадбиркор ташаббускор киши бўлиб, ишлаб чиқаришга кенг спектрдаги йўналишлар бўйича янгиликлар киритади, яъни новаторлик гояларини ўзлаштириш, ҳозиргача маълум бўлмаган маҳсулотларни яратиш, янги, истиқболли ресурсларга эгалик қилиш, капитални кўйиш учун янги соҳаларни танлаш, илгор тармокларни ривожлантариш кабиларни амалга оширади.

Тадбиркор учун ижодий фаолият хаёлнинг чексиз парвози эмас, у ҳамма вақт аник мухитда қилинадиган қарорлар билан боғлик бўлади, сарф-харажатларни натижа билан таккослаш ва хўжалик юритишнинг энг камхаражат йўлларини топиш, бугунги куннинг тадбиркори учун хос бўлган хусусиятдир!¹

Ҳамдўстлик давлатларидағи тараккий топган жамият куришга қаратилган кескин ўзгаришлар, бугунги кунда, ҳаётнинг барча соҳаларини эгаллаб олди. Бу мураккаб ва қарама-каршиликларга бой жараёндир. У доимо негизи бизнинг давлатимизда ижтимоий, иктисадий ва бошқа жамоатчилик муносабатлари тарихида чуқур кириб кетган оғрикли муаммоларга дуч келади. Аммо, бу

² Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т., «Шарқ», 2002.

¹ Абдуллаев Е. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: «Мехнат», 2002. 54-бет.

муаммоларнинг хеч кайсиси, ядросини эркин тадбиркорлик ва бизнесни ташкил килувчи, мукобил иктиносидий асосини яратиш муаммоси каби долзарб эмас. Унинг атрофида, хозирда, ижтимоий хис-туйфулар жунбушга келмокда, хар хил нуткай назарлар билан бир-бирига қарши турувчи сиёсий кучлар бу масалада ўйин кўрсатмоқдалар.

Кейинги йилларда юз берётган чукур ўзгаришлар мамлакатимизда иктиносидиётни янада самаралирок юритишига, ишлаб чиқариши марказлашган бошқарувдан бозор муносабатларига ўтказишига катъий белбоғлаганилигини билдиради. Бу хақида хукуматимизнинг бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ракобатни ривожлантириш бўйича кўяётган кадамлари ҳам далолат бериб турибди.

Аммо бир иктиносидий тизимдан иккинчисига ўтиш, баркарор иктиносидий ўсишни таъминлаш, обод ва фаровон жамият қуриш шартлари факат пухта ишланган дастурлар билангина чекланмайди. Шу билан бирга, эндиги таракқиёт, иктиносидий конунларни хисобга олган ҳолда бозорни бошқариш санъатини канчалик чукур эгаллашга ҳам боғлик. Иктиносидий билим соҳасидаги бўшликни тўлдириш, кишиларда юксак иктиносидий маданиятни шакллантириш пайти келди. Бундан кейин иктиносидий билим асосларини пухта эгалламасдан хусусий бизнес ишини бошлаш ва ривожлантириш амри маҳол. Фарб ва Шарқ тузилмаларида амал киладиган «ўйин коидаси»ни билмасдан туриб чет эллик ҳамкорлар билан кўшма тадбиркорликда ҳам бирон-бир жиддий натижаларга эришиш кийин.

Жаҳон ҳўялиги ривожланиши тарихи шундан далолат берадики, тадбиркорлик иктиносидиётни ҳаракатга келтирувчи асосий куч хисобланади. Ҳакикий тадбиркор ижодий фаоллик ва ишбилармонлик фазилатларини ўзида ифода этар экан, истеъмолчилар талабларини ўрганиш ва уни кондиришга ҳаракат киласди.

Дастлабки автомобиллар, самолётлар, совутгичлар, фотоаппарат ва видеокамералар ҳамда бошқа кўпгина товарларни кенг кўламда ишлаб чиқариш айнан истеъдолди ва ишбилармон тадбиркорлар томонидан йўлга кўйилган. Ҳамфир бўлиб, техник янгиликлар устида яқдиллик билан ишлаган кам сонли тадбиркорлар жамоасининг кейинчалик молиявий жихатдан улкан муваффакиятларга эришган йирик фирмаларга айланиб кетганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шу ўринда бутун дунёга машхур «Хонда», «Форд», «Майкрософт» фирмаларининг номини келтириш кифоя.

Бугунги кунда замонавий иктиносидчи доимий асосда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи кишиидир. У дадил, муҳим ва мураккаб

максадларни ўз олдига кўйиб, амалга ошириш билан боглик бўлган бутун масъулиятни ўз зиммасига олади ва таваккалчилик асосида иш юритади.

Замонавий иқтисодчига хос хусусиятлар жамият тараккиётига мувофик равиша боекичма-боекич бойиб, такомиллашиб борди. Замонавий иқтисодчи тараккиётининг илк боекичида, масалан, таваккалчилик ҳал қилувчи рол ўйнаган бўлса, кейинчалик иқтисодчининг бошка хусусиятлари тадрижий равиша олдинга чиқа бошлади. Бу хусусиятларга, энг аввало, бозор имкониятларини излаб топиш ва тадқик килиш, улардан фойдаланиш, новаторлик ғояларини амалга ошириш киради. Қолаверса, энди изланувчанлик, юзага келган янги имкониятлардан максадга мувофик фойдаланиш, сифатли товарлар ишлаб чиқариш, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, янгиликлардан хабардор бўлиш, истеъмолчига хизмат қўрсатишнинг янги усусларини излаб топиш, инвестиция киритишга янги соҳалар ахтариш мухим амалиёт касб этади.

6.2. Тадбиркор - иқтисодий ресурсларни бирлаштирувчи

Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун иқтисодий ресурслар: ер, меҳнат ресурслари ва капитал зарур. Бирок бу ресурсларнинг мавжуд бўлиши ишлаб чиқариш жараёнидаги амалга ошади, деган маънони англатмайди. Уларни бир жойга тўплаш ва ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш зарур.

Бу вазифани одатда иқтисодчи-тадбиркор бажаради. Иқтисодчи ушбу ресурсларни ишлаб чиқариш жараёнига бирлаштиради, улардан фойдаланганлик учун масъулият ва иқтисодий хавф-хатарни ўз бўйнига олади ва улар учун ҳақ тўлайди. Шу билан бирга замонавий иқтисодчи-тадбиркорнинг ўзи ишлаб чиқарышнинг тўртинчи омили сифатида майдонга чиқади.

Бугунги кунда тадбиркор ишлаб чиқариш омиллари орасида марказий ўринни эгаллайди, чунки у колган иқтисодий ресурсларни ишлаб чиқариш жараёнига бирлаштиради.

Тадбиркор ўзининг фаолиятини ташкил этиш учун даставвал капиталга эга бўлиши лозим. Тадбиркорлик капитали куйидаги манбалар хисобига шаклланади: *хусусий, қарз-кредит ва қўшима ёки ҳамкорликдаги капитал*.

Хусусий капитал – тадбиркорнинг энг мухим ва ҳал қилувчи амалиётга эга сармоясиdir. Тадбиркор иш бошлаши учун, аввало маълум миқдордаги хусусий, эркин ишлатиш мумкин бўлган пул маблагига эга бўлиши зарур.

Бусиз унинг жавобгарлиги ҳакикий ва бозор шароитида иш юритувчи тадбиркор-сохибкор даражасида бўлмайди.

Тадбиркорлик кобилияти моддий омиллар билан бирикмайди, балки шу омиллар билан ишчи кучининг самарали бирекишини, иктисодий фаолиятдан максадга мувофиқ натижни олишни таъминлайди. Шунинг учун тадбиркор ишчи кучи ва моддий омиллар хусусиятларини, уларнинг бозор нархларини хисобга олиши лозим. Бу эса тадбиркорда бошқарувчилик фазилати мавжуд бўлишини такоза этади.

6.3. Замонавий иктиносидчи фаолиятини харакатга келтирувчи куч

Замонавий иктиносидчи фаолиятини харакатга келтирувчи асосий куч – фойда ёки тадбиркорлик даромадини олишдир. Шу максадга эришиш учун иктиносидчи-тадбиркор ўз қўл остидаги ишлаб чиқариш воситарадан, ёлланган ишчи кучларидан умумий фойдаланиб, ўз фаолиятини бозор талабларига мослаштиради, зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, харид килишга, сотишга, ракобатлашувда фаол катнашишга харакат килади.

Замонавий иктиносидчи ўз иши устида астойдил меҳнат килар экан ҳам ўзи фойда олади, ҳам жамият фаровонлигига ўз хиссасини қўшади.

Замонавий иктиносидчидан ўз мулкига эгалик килиш ҳисси юкори бўлиб, у бундай туйгунинг кадрига етади, уни кўз корагичидай асрайди, ривожлантиради. Ўз маҳсулотини бозор талабларига тўла жавоб берадиган даражада сифатли қилиб чиқаришга харакат килади.

Тадбиркорлик деганда, аввало, янгича ишлаш, янги маҳсулот, янгича хизмат хилларини яратиш, янги технология ва уларни қўллаш тушунилади. Тадбиркорлик самарадорлиги янги ишлаб чиқариш фан янгиликлари ва янги технологияни жорий килиш даражаси билан белгиланади.

Демак: Тадбиркорлик, аввало янгилик билан, янги технология билан боғлиқдир, яъни у инновацион тадбиркорликдир.

Янгиликнинг даражалари сифатида. Улар қўйидаги уч кўриннишда бўлади:

- оддий янгилик;
- технологик янгилик;
- инқилобий кашфиёт.

Оддий янгилик – товардаги тўхтовсиз ўзгаришлар, уларнинг такомиллашиб боришидан иборатдир. Мода, товарлар хусусиятларининг

янгиланиб бориши, истеъмол қулайликларини кенгайтириб боришлар шулар жумласидандир.

Технологик янгилик – хом ашёларни, материаллар, энергетика хилларини ўзгартириш, ишлаб чикаришнинг янги усулларини кўллашни ўз ичига олади. Бунда автоматлаштириш, кимёвий усуллар жуда кўл келади.

Инқиlobий кашфиёт – янги хил товарлар ва уларнинг мажмуаси, ишлаб чикаришнинг туб ўзгариши билан боғлиқдир. Бунда янги тармоқлар юзага келади. Масалан, компьютер тизими, электроника, видеотехника, янги алоқа воситалари, косметика кабилар шулар жумласидандир.

Технология иктисадчи-тадбиркорларга нимагадир эришиш, янгиликни синаб кўриш, ўз ўрнини топиш ва ўз мустакиллигига эга бўлиш каби майларни харакатга келтириб турадиган шахс сифатида карайди. У факат ўз бойлигигина эмас, миллий бойликни ҳам кўпайтиради, ишлаб чикариш омилларини яхширок ишга солиш ва бирлаштириш усулларини излаб топади, янги иш жойларини вужудга келтиради, янгиликларни амалга оширади.

Шу сабабли замонавий тадбиркорликни, ҳозирги пайтда мавжуд ресурслардан катъий назар, технологияга, бозорга доир имкониятларни излаш ва ишлаб чикариш сифатида таърифласа бўлади.

6.4. Замонавий иктисадчи фаолиятининг таҳлили

Бизнинг таҳлилларимизча, бозор иктисадиёти муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошкаруви идоралари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва бошка кўплаб мулчилик шакллари ўз фаолиятларин янги иктисадий бозор ўзгаришларига мослаштиришлари учун уларда фаолият кўрсатувчи бошкарув ходимлари замонавий иктисадиёт фанларидан ва уларни ривожланиш жараёнларидан хабардор бўлишлари ҳамда ушбу фанларнинг ютукларидан ўз фаолиятларида ишлата олишлари зарур. Масалан, бозорни, талаб ва таклифни ўрганмай туриб бирор маҳсулотни ишлаб чикариш, тижорат ва воситачилик ишлари билан шуғулланишни йўлга кўйиш, иш юритиш борасидаги тўла саводсизликдан далолат беради. Бу ҳолат ҳар бир иктисадчи учун ойдек равшандир.

Бизнинг назаримизда, кўп ҳолларда иктисадий фанлардан хабардор, уларни маълум даражада кенг ўрганаётган мутахассислар ҳам ҳар тарафларга эътибор бермай турли ҳавф ҳатарларга, йўқотишларга йўл кўядилар. Умуман олганда, иктисадий фанлардан тўғри фойдаланмай, иктисадий конунларни бузганимизда турли хил йўқотишларга дуч келамиз. Фикримизнинг далили

сифатида минглаб олим ва мутахассисларнинг изланишлари асосида бошқарилган маъмурӣ буйруқбозлиқ тизими муваффакиятсизликка учраганини кўрсатишими мумкин. Бундай муваффакиятсизликнинг асосий сабабларидан бири раҳбар ходимлар ва амалдорларнинг иқтисодий конунларга бўлган эътиборсизлигидир.

Шу сабабли, мамлакатимизда Президентимиз И.Каримовнинг шахсий ташаббуслари билан иқтисодий фанларни ҳар томонлама чукур ўрганиш ва шу фанлар асосида иш юритишни ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Шу нұктаи-назардан олиб қараганда, университетимизда ҳар йили ўтказилиб келинаётган «Иқтисодий таълим» мавзусидаги халқаро илмий анжуман жуда мухим ахамият касб этади.

Иқтисодий таълимнинг назарий услубий асослари тўғрисида фикр юритилиши ва иқтисодий фанларни ўрганишда бошқа фанлар тараккиётида яратилган илгор илмий асосланган услублардан керакли ўринда фойдаланиш зарурити ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Масалан, дастурларни ўрганишда таълим техникасини йўналтириш учун мутахассислар математика, кибернетика, ва бошқа илмларнинг ютукларидан кенг фойдаланган ҳолда иш юритадилар. Ёки тиббиёт ходимлари инсон саломатлиги ҳақида жон кўйдирганида, унга мураккаб тизим сифатида эътибор берадилар. Ёки жарроҳ ўз операциясини бошлишдан олдин касални ҳар томонлама ўрганиб, унга муносиб келадиган даволаш услубларини аниклади, сўнгра жарроҳлик конун-коидаларига риоя этган ҳолда иш бошлайди. Юкорида келтирилган мисолларда мутахассисларнинг бундай иш юритишига сабаб, улар ишининг киска фурсатда натижага беришидир. Аммо иқтисодий нұктаи-назардан олиб қараганда, иқтисодий амалиётларнинг натижаси киска муддатда сезилмай, катта талофатларни юзага келтириши мумкин. Бу эса иқтисодий конуннятларни ёш мутахассисларга ҳар томонлама пухта ва тўлиқ ўргатиш заруритини юзага келтиради.

Аниқрок килиб айтганда, бизнинг дастуримизда математика фанининг иқтисодчиларга ўргатиладиган кисмлари: алгебра, математик таҳлил, эҳтимоллар назарияси, математик статистика, иқтисодни моделлаштириш, иқтисодий ахборотлар тизими, компьютер технологияси, иқтисодий-микдорий таҳлил ва карор кабул килишнинг математик моделлари, иқтисодий статистика ва шу каби аник фанларни иқтисодчи мутахассисларга ўргатишни замонавий услуг ва усувларини ишлаб чикиш ва амалиётда татбик этиш зарурдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, иқтисодиётни таркибий такомиллаштиришда компаниячиликка йўл кўйиб бўлмайди, у бирданига

такомилига етиб ҳам қолмайди. Бу ўзгаришлар мунтазам даъват этадиган ижтимоий иқтисодий жараён бўлиб, улар давр талаби ва иқтисодий сиёсатдан келиб чикиб, тармоклараро ҳамда тармоклар ичida тўхтовсиз давом этаверади. Шунинг учун бозор иқтисодиёти ва фан-техника тараққиёти тан оладиган тармоклар ривожланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда уларнинг хиссаси ошиб бораверади.

Мониторинг мақсади таълим муассасалари ва таълимни бошқариш органларининг таълим соҳасида кабул килинган ҳуқумат карорларини амалга ошириш, таълим ва тарбия мазмунини такомиллаштириш, талабалар билим сифатини ошириш билан боғлик фаолиятларни ўрганиш ва тахлил этиш, аникланган камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш ҳамда муассасалар жамоаларига моддий ёрдам беришдан иборатdir. Бунда куйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади, яъни:

Биринчидан – ислохотлар билан боғлик хужжатлар, янгиликларнинг мазмуни, қанчалик кабул килиниши идрок этилса ва албатта мазкур жараёнларга қанча тез киришилса, якуний натижалар ҳам шунчалик салмокли бўлади.

Иккинчидан - ташкилий педагогик ишларнинг тўғри ташкил этилиши, яъни замонавий талабларга жавоб берувчи, узлуксиз иқтисодий таълимнинг ривожланишига самарали таъсир этувчи, такомиллаштиришга ижобий йўл очувчи фаолиятнинг тегишли дастурини белгилаш, иш услуби ва йўналишини кайта кўриб чикиш, макбул кўринишларнинг механизmlарини кўриб чикиш.

Учинчидан - кадрларнинг малакасини ошириш ва кайта тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар жараёнида мутахассисларга фан бўйича мониторинг хизмати тизимининг сир-асрорларини ўргатиш.

Туртинчидан – мониторинг жараёнида янги информацион технологиялардан кенг фойдаланиш, маълумотларни халкаро таълим андозалари асосида унификация килиш, олинган билимларнинг натижасини амалга ошириш.

Юкоридаги босқичларни амалга ошириш механизmlарини ташкил этишда талabalарга узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия беришнинг мониторингини олиб бориш учун:

- узлуксиз иқтисодий таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурларини жорий этиш механизми акс этган услубий қўлланма ва тавсиялар;

- «Иқтисодиёт асослари», «Касб иқтисоди асослари» «Мутахассисликка кириш» фанлари бўйича дарсларни режалаштириш ва дарслклардан фойдаланиш юзасидан услубий тавсиялар;

- иқтисодиёт фани бўйича талабаларнинг билим, кўнкма ва малакаларига кўйиладиган минимал талаблар хамда намунавий назорат материаллари (тест топшириклари, ёзма ишлар, кроссвордлар, муаммоли вазиятлар ва бошқалар) ва унга тааллукли манбалар;

- мониторинг таҳлиллари ва натижаларини мужассамлаштириш, аникланган илғор тажрибаларни тарғибот килиш максадида мониторинг; муаммолар, изланишлар, ечимлар тенгламаси асосида ютуклар, муаммолар ва навбатдаги вазифаларни белгилаш зарур бўлади.

Бизнинг назаримизда, узлускис иқтисодий таълим-тарбияни талабаларга бериш жараённида мавжуд тасдикланган ўкув режаларининг ўзлаштирилиши ва доимий мониторинг олиб бориш, фан бўйича сифат ва ўзлаштириш даражасини аниклаш ва замин таъминлаш учун пойдевор бўлади. Бу даражалар ҳам шартли равишда учга бўлинади, яъни;

1. Минимал даража – иқтисодий билим асослари фани бўйича ҳар бир талаба ўзлаштириши зарур бўлган таянч мазмундир. Бу даража билимларни кенгайтириш ва чукурлаштириш учун пойдевор вазифасини ўтайди ва у барча учун мажбурий хисобланади.

2. Асосий даража – олий таълим доирасида минимал даражага нисбатан тўликрок ва чукурроқ маълумот беришни назарда тутадиган билимлар хажми.

3. Ихтисослаштирилган даража – иқтисодий билим асослари фанидан бериладиган билимларга кизикадиган, бу билимларни муваффакиятли тарзда чукур ўзлаштиришга -кодир бўлган ўкувчи ва талабаларга мўлжалланган маҳсус билимлар хажми.

Олий таълим муассасаларида иқтисодий таълим мониторингини олиб бориш механизми қуйидаги тартибда амалга оширилиши таклиф этилади:

- иқтисодий таълим давлат стандартлари асосида яратилган ўкув дастурларини ўрганиб чикиб, таҳлил килиш назоратини олиб бориш, шунингдек муассаса маъмурияти томонидан талабалар, уларнинг отоналарининг ДТС билан танишиб чикишлари учун шароит яратади;

- муассаса раҳбарияти иқтисодий таълим узлускизлигини таъминлаш максадида давлат таълим стандартларини ўкув дастурлари билан биргаликда боскичма-боскич белгиланган тартибда жорий этилишини таъминлайди ва назорат килади, бу фаолият доимий равишда керак бўлади;

- мониторинг олиб бориш натижасида таълим муассасаси ўқитувчилари, талабаларнинг ДТС ва ўкув дастурлари асосида тайёрланган дарслик, услубий кўлланмалар, услубий тавсиялар ва бошқа ўкув методик материаллар билан таъминланганини доимий назорат килиш имконини беради;
- ташки назорат ишлари учун мониторинг ўтказишга шароит яратилади;
- пировард натижада талабаларнинг белгиланган билим, кўникма ва малакаларга эришишлари натижалари мониторингини ўтказиш таъминланади;
- ўқитувчилар томонидан дарсларни самараали ўтказилишида ДТС ва ўкув дастурлари узлуксизлиги асосида тайёрланган иш материаллари, дидактик материаллар ва бошқа ўкув услубий материаллардан, ўзининг ижодий ишларидан кенг фойдаланиш учун шароит яратилади;
- ўқитувчилар ва ташки назоратчилар томонидан ҳар ярим йиллик якунлар бўйича ўтказилган мониторинг натижалари оркали талабаларнинг иқтисодиёт фанига оид тегишли ўкув дастурини ўзлаштиришдаги сифат кўрсаткичини аниқлашга каратилади;
- иқтисодиёт фани бўйича ўқитувчилардан олинган мониторинг тахлиллари асосида гурухлар кесимида тахлилнома жадвали тайёрланади ва ўзлаштирилиши паст бўлган талабалар билимини ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилашга имкон яратилади;
- таълим муассасалари раҳбарияти ва ташки назоратчилар томонидан ўтказилган мониторинг натижасида юкори кўрсаткичга эришган ёшларни, ўқитувчиларни рагбатлантиришга тавсия этишга шароит яратилади;
- таълим муассасаси ўқитувчи педагогларнинг ДТСни жорий этиш юзасидан илғор тажрибалари ва янги педагогик технологиялари бўйича кўрик-танлов ўтказилиб, муносиб ишлар олиб борилади ва оммалаштирилади;
- мунтазам равишда ДТМни жорий килиш ва мониторинг олиб бориш, мониторинг натижалари юзасидан талабаларга хамда уларнинг ота-оналарига мунтазам равишда маълумот бериб борилади.

Иқтисодиёт ҳар бир киши, оила ва умуман жамият хаётида мухим ўрин тутади. Иқтисодий ахволга караб ижтимоий хаёт шаклланади. Халқимизда «Олдин иқтисод, сўнгра сиёсат» деган ибора бежиз ишлатилмайди. Иқтисодиёт бизнинг нафакат бугунги, балки эртанди кунимиз, хозирги ва келажакдаги фаровонлигимиздир.

Биз бозор иқтисодиёти томон илк қадамларимизни қўйдик. Ҳали аралаш иқтисодиёт, моддий тўқинчилик, такчиллик деган нарсалар бўлмаган, ишлаб чиқариш ривожланиб гуркираган энг илғор жамият томон боришимизга канча вакт бор, бундай жамиятта ўтиш даврининг босқичлари ва канча давом

этишини олдиндан айтиш кийин. Шундай экан, хозирги куннинг асосий талаби – жамиятимиз ёшларидан, колаверса ҳар бир фукародан унинг бозор иктисодиёти қонунларини, уларнинг Ўзбекистон Республикасида қандай амалга оширилаётганини, бу конуниятларни ишлаб чикишга татбик этишини, пировард натижада талаб даражасида хизмат кўрсатиш ва товар ишлаб чиқаришни йўлга кўйишининг сир асрорларини билиш каби вазифаларни шарт килиб кўяди.

Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида юкори малакали иктиносиди мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш учун қуйидагиларга эътибор берилса мақсадга мувофик бўлар эди:

- иктисодий йўналишдаги олий ўкув юртларига ўкишга кириш учун имтихон топширадиганabituriyentlar учун тузиладиган тест саволларига кўпроқ иктисодий муаммолар нуктаи назаридан ёндашилса, мақсадга мувофик бўлар эди. Маълумки, республикамиз олий ўкув юртларида иктисодий йўналиш бўйича тест топширувчилар математика, она-тили адабиёт ва чет тилидан имтихон топширадилар. Айникса, чет тилидан барча йўналишларга бир хил саволлар тушади. Бизнингча, иктисодий йўналиш учун чет тилидан тузиладиган саволлар асосан, бозор иктисодиёти асослари, жамият тараққиётининг иктисодий муаммолари хусусида бўлиши керак. Бу икки томонлама афзалликка эга. *Биринчидан*, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган иктисодиёт ва бизнес асослари дарсига бўлган эътибор янада кучаяди. *Иккинчидан*, олий ўкув юртларига кабул килинадиган талabalarning кўпчилиги иктисодиётнинг асослари бўйича дастлабки зарурый билимларга эга бўлганликлари туфайли барча дарсларни юкори даражада ўзлаштириш кобилиятига эга бўладилар.

Бугунги кунда олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида «Иктисодиётнинг асослари» фани бўйича юкори сифатли ўзбек тилидаги дарслкларнинг нихоятда камлигини олдини олиш керак. Шунинг учун ўкув муассасаларида бир гурух етакчи профессор-ўқитувчилар ва иктидорли талabalardan тузилган шундай бир марказ фаолият кўрсатиши керакки, бу марказда асосий иктисодий дарслкларни тезда таржима килиниши йўлга кўйилиши керак. Ана шундагина тайёрланаётган иктисодчи мутахассислар янада юкори малакага эга бўлиши мумкин.

Олий ўкув юртлари мутахассислар тайёрлаш борасида буюртмалар портфелини шакллантиради. Шу портфелга асосан, кабул килинадиган талabalар миқдори белгиланади. Афсуски, хозирги кунга келиб, олий ўкув юртларини тамомлаётган кўплаб иктисодчи мутахассислар ўз иш

фаолиятларини эгаллаган ихтисосликлари бўйича давом эттирма яптилар, шунингдек улардан айримлари иш топиш масаласида кийинчиликларга дуч келишмокда. Бунинг асосий сабаби буюртмалар портфелини шакллантиришда маркетинг тадқикотларига етарлича эътибор бермаслиkdir.

Ҳар бир олий ўкув юрти шу жумладан, иқтисодчи мутахассисларни тайёрлайдиган олий ўкув юртлари хам ўзларининг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишини йўлга кўйиншлари керак. Бунда улар ўз истеъмолчилари ва буюртмачилари билан мавжуд муносабатларни кайтадан тадқик этишлари, келажакдаги бўлиши мумкин бўлган истеъмолчиларни излаб топишлари, SWOT таҳлилини амалга оширишлари керак. Бундай стратегиянинг афзаллик томони шундаки, биринчидан, олий таълим муассасаси ташки бозорни ўрганиш натижасида қандай янги иқтисодий мутахассисликларга талаб мавжудлигини билиб олади ва шу асосда кейинчалик имконият доирасидан келиб чиқиб шу мутахассислик бўйича иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашни йўлга кўйиши мумкин. Иккинчидан, мавжуд иқтисодий мутахассисликлар бўйича тайёрлананаётган мутахассисларга нисбатан истеъмолчи ва буюртмачилар томонидан кўйиладиган янгидан-янги талаблар хусусида зарур маълумотларга эга бўлиши мумкин ва шу асосда тайёрлаш тизимини такомиллаштириб бориш имкониятига эга бўлади. Учинчидан, истеъмолчининг айнан қайси мутахассисликларга асосий эҳтиёжлари мавжудлигини хисобга олган ҳолда иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиради.

Яна шунингдек, молиявий ва иқтисодий ҳавф-хатарларни бошкариш ва лойиҳавий молиялаштириш соҳаларида иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашни йўлга кўйиш керак. Чунки, ҳар қандай ривожланаётган тизимда ҳавф-хатарларни тўғри хисобга олиб, қарор қабул килиш муҳим аҳамият касб этади ҳамда иқтисодий манфаат келтирувчи турли хил лойиҳаларни ўз вактида тўлиқ молиялаштириш манбаларини излаб топиш хам долзарб муаммо хисобланади.

Шундай қилиб, бугунги иқтисодиётни эркинлаштириш шароити юкори малакали иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириб бориш заруритини устувор даражага кўтаради.

Қисса хулоса

Бугунги кунда замонавий иқтисодчига хос хусусиятлар жамият тараққиётига мувофик равишда боскичма-боскич бойиб, такомиллашиб борди. Замонавий иқтисодчи тараққиётининг илк боскичида, масалан, таваккалчилик

хал килювчи рол ўйнаган бўлса, кейинчалик иктиносидчининг бошка хусусиятлари тадрижий равишда олдинга чиқа бошлади. Бу хусусиятларга, энг аввало, бозор имкониятларини излаб топиш ва тадқик килиш, улардан фойдаланиш, новаторлик ғояларини амалга ошириш киради. Колаверса, энди изланувчанлик, юзага келган янги имкониятлардан мақсадга мувофик фойдаланиш, сифатли товарлар ишлаб чиқариш, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, янгиликлардан хабардор бўлиш, истеъмолчига хизмат кўрсатишнинг янги усусларини излаб топиш, инвестиция киритишига янги соҳалар ахтариш муҳим амалиёт касб этади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, ушбу бобда замонавий иктиносидчига хос хусусиятлар, тадбиркор – иктиносидий ресурсларни бирлаштирувчи, замонавий иктиносидчи фаолиятининг таҳлили, иктиносидчи фаолиятини харакатга келтирувчи куч кабилар хусусида атрофлича фикр билдирилган ҳамда керакли маълумотлар асосида мавзу бўйича етарли маълумотлар берилган ва энг асосийси талабаларга ишонарли тарзда баён этилган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Замонавий иктиносидчига хос хусусиятларни таърифлаб беринг?
2. Тадбиркор – иктиносидий ресурсларни бирлаштирувчи деганда нимани тушунасиз?
3. Замонавий иктиносидчи фаолиятини харакатга келтирувчи кучни таърифлаб беринг?
4. Замонавий иктиносидчи фаолиятини таҳлил қилиб беринг?
5. Бизнес ва бизнесмен деганда нимани тушунасиз?
6. Тадбиркорликни ҳуқук ва мажбуриятларини кўрсатиб беринг?
7. Сизнингча, замонавий иктиносидчи қандай фазилатларга эга бўлиши керак?
8. «Олдин иктиносод сўнгра сиёsat» иборасига Сизнинг муносабатингиз?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иктиносидий педагогика (Ўқув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2002.
2. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. Олий таълим менежменти ва иктиносидиёти. – Тошкент: Молия, 2002.

3. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси – Т.: фан ва технология, 2007.
4. Хўжаев Э., Юнусова Р., Ражабов Э. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. – Самарканд, 1997.
5. Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.
6. [www. bilimdon. uz](http://www.bilimdon.uz). - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосий веб сайти.

VII боб. ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДЧИ ВА УНИНГ КАСБИЙ ҲАМДА АХЛОҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Замонавий иқтисодчининг касбий маҳоратига қўйиладиган талаблар.
2. Замонавий иқтисодчининг ахлоқий, маънавий хусусияти.
3. Замонавий иқтисодчида ахлоқ меъёрлари ва бизнесменнинг ахлоқ кодекси.

7.1. Замонавий иқтисодчининг касбий маҳоратига қўйиладиган талаблар

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида» ги қонун, Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» китоби, Олий мажлиснинг биринчи сессиясида килган маърузасидан келиб чиқиб, республикамиизда касблар йўналиши бўйича замонавий иқтисодчи кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Иқтисодчилар тайёрлашда иқтисодиётга оид фанларни ўрганиш алоҳида ўрин тутади. Чунки мутахассисликка оид фанларни чуқур ўзлаштирмай туриб, бошка фанларни ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун хам замонавий иқтисодчилар ўзлари бу фанларни яхши ўзлаштиришга харакат киласидилар.

Маълумки, жамиятнинг ўз олдига кўйган максадини келажакда амалга оширадиганлар ёшлар, яъни бугунги куннинг замонавий иқтисодчилари. Демак, жамиятнинг келажаги кандай бўлиши кўп жихатдан уларнинг интеллектуал ва ахлоқий жихатдан кай даражада камол топишларига боғлик.

Жамиятнинг тараққиёт даражаси, ахборотларни хаддан ташкари кўплиги, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, умуман олганда хаёт тажрибаси шуни кўрсатдики, ёшларни етук, вазиятни тезда баҳолай оладиган, айни шу вазият учун тўғри карор қабул кила оладиган малакали мутахассислар қилиб тайёрлаш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Ҳар кандай иқтисодчи бирор ишни бошлашдан олдин, энг аввало, у икки мухим омилни, яъни:

- мазкур вактдаги шарт-шароитни;
- ўзининг тутган ўрни ва имкониятини аниклаб олиши зарур.

Биринчи омил бўйича замонавий иқтисодчи ўзининг иш фаолиятини фирма ёки корхонанинг ташки мухитга нисбатан куввати ва камчилиги, шунингдек, ташки мухитдан келиб чиқадиган имкониятлар ва таҳлилларни инобатга олиб белгилаши лозим.

Бошқача килиб айтганда, бирорта жиддий иш бошлашдан олдин иктиносидчи:

- кайси ишлаб чиқариш соҳасида иш юритиш;
- канча пул сарфлаш;
- хозирги шароитда қандай соҳалар бошқалардан маълум устунликка эгалиги;
- талаб ва унинг кондирилишини;
- ўзининг имкониятларини эринмай ўрганиб чикмоғи лозим.

Бундай тахлил фирма фаолиятининг холати ва бизнес ривожланишининг йўналишларини, келажакдаги истикబолини баҳолашга имкон беради.

Ишни бошлашнинг *иккинчи омили* – бу замонавий иктиносидчининг салоҳияти ва унинг кайси бир турдаги фаолиятни тўғри танлаб олиш масаласидир. АҚШдаги фаолият йўналишини танлашдаги хато кишига моддий жиҳатдан хам, маънавий жиҳатдан хам биздагига караганда анча кимматга тушади.

Бугунги кунда иктиносидётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик ва бизнес ривожланиб, куйидаги ижобий натижаларга эришишга сабаб бўлади:

- ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни турли ахоли катламлари ўртасида хақконий меъёrlар устунлигига таксимлаш;
- ишсизлик даражасини камайтириш, меҳнатга қобилиятыслар ёки бегараз сабабларга кўра унумсиз ишловчи аъзоларга маблағ ажратиб, уларнинг етарлича кун кечириш даражасини таъминлаш;
- паст даромадли шахслар сотиб олиш қобилиятининг турғунлигини таъминлаш;

- инсоннинг асосий хукукларининг, айниқса шахснинг эркин тараккий топиши ва уни иктисадий таракқиёти учун тенг имконияти билан таъминланиш хукукларининг жорий килинишини таъминлаш;

- иктисадий ва ижтимоий тоифадаги гурухий манфаатларга риоя килиш ва уларни тараккий топтириш, якка шахс ва жамият, иш берувчи ва ишловчилар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар манфаатларининг ўзаро мослашувини таъминлаш.

Бозор иктиносидётни шароитида тадбиркорлик ва бизнес хулк-атворга, фаол йўл-йўриклар, коидалар ва бошка ҳатти-харакатни тартибга солиш қурилмалари билан узвий боғлиқдир. Унда эркин танланган хаётий позиция (холат), шахс олдида мустакил ахлоқий танловнинг мавжудлигини назарда тутувчи эркин танлаб олинган хаётий вазият гавдаланади.

7.2. Замонавий иқтисодчининг ахлоқий, маънавий хусусияти

Шахс, миллат, инсоният маънавиятининг ҳолати ва даражаси жамият тараккиётига турлича таъсир этиши мумкинлиги кадим-кадим замонлардан бери маълум. Тарихий шахслар, буюк алломалар, сиёсий кучлар хаёт сабоклари, тарих тажрибаси ва ўз олдига кўйган мақсадларини эътиборга олиб маънавиятни кучайтириш, ривожлантириш ёки маънавий бухронни чукурлаштириш оркали жамият, миллат тараккиётига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишга харакат килгандар.¹

Жамият ҳаётидаги барча юксалишлар, тараккиёт имкониятлари, комил инсон шахсининг шаклланиши муайян маънавий мухит ва итмокониятлар билан боғлик бўлган. Барча тушкунликлар, тургунлик ҳолатлари, иқтисодий, сиёсий инкиrozлар эса маънавий бухроннинг натижаси бўлган. Шунинг учун жамият тараккиётидаги тушкунликлар ва юксалишларнинг сабабини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омиллардангина эмас, балки кишиларнинг онги, эътироки, дунёкараши, ахлоқий камолоти даражасидан ҳам излаш керак.

Маънавиятнинг жамият тараккиёти, инсон камолотидаги катта ахамиятини эътироф этиш унинг моҳияти ва мазмунини ҳам илмий таҳлил килишни талаб киласи. Шу вактга кадар ижтимоий фанларда бу категориянинг моҳияти ва мазмуни тўла ёритиб берилган эмас.

Маънавият тушунчаси моҳияти ва мазмуни жиҳатидан мураккаб ва серкиррадир.

Инсон онгли фаолияти, тафаккур салоҳиятининг ҳар қандай шакли маънавият бўла олмайди. Шу сабабли ҳам онгли тафаккур соҳиби бўлган кишиларда, иқтисодчиларда маънавиятлилик билан бир каторда, маънавий қашшоқлик, колоклик ҳоллари ҳам кўзга ташланади. Агар жамият ҳаётида маънавий колоклик, маънавий тубанлашиш бўлмаганда, маънавият учун курашишга зарурият ҳам бўлмас эди.

Маънавият – инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъоди, кобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътироки, дунёкараши, мафкуравий карашларнинг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараккиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимиdir.

Илғор ғоялар ва янгиликларнинг тарғиботчиси бўлган замонавий иқтисодчи-педагоглар энг маданиятли, маънавияти ўта бой инсонлар бўлиб, бу фазилат уларнинг юриш-туришида, феъл-авторида, кийинишида, оилада, иш жойида, одамлар билан маданий муомала кила билишида, жамоат жойларида

¹ Э.Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: «Университет», 1998.

ўзини тута билиши, нутқ маданияти, маънавияти, инсоний фазилатларида ўз аксини топади. Бу фазилатлар ҳар бир замонавий иқтисодчининг гўзал ички дунёсининг ташки ифодасидир.

Замонавий иқтисодчининг маънавияти деганда одоб ва иктидор ўртасидаги диалектик боғланиш тушунилади. Бу боғланиш куйидаги фазилатлар мажмуасида ўз аксини топади:

АДАБ – аклнинг суюнчиғи, барча фазилатларнинг мезони. Адаб – яхшилик билан ёмонликнинг фаркини билиш, фойда билан зарап орасидаги тафовутни англашдир. Адаб воситасида киши ўз жонини ёмон хислатлардан даволайди, ёқимсиз айблардан поклайди, чиройли фазилатлардан безайди.

Адаб замонавий иқтисодчини энг чиройли хулқ билан қуроллантиради. Натижада акл эгалари бундай тадбиркордан ҳар ишда рози бўлишади. Адабли тадбиркор эса кундан кунга обрў топади, нуфузи ошади, ишлари равнақ топади.

Жамият тараққиёти ва инсон камолоти жараёнида маънавиятнинг барча кирралари ўзаро боғлик ҳолда шаклланади ва ривожланади. Ахлок ва одоб инсон хаётга кадам кўяётган дастлабки даврданок шаклланиб, унинг камолотига замин яратувчи ички руҳий омил бўлади. Демак, ҳар бир инсон тарбия кўриб, муайян одоб ва ахлок нормаларини, билим ва илмларни эгаллайди, меҳнат қилиб тажриба орттиради, ҳунар-касб сохиби бўлади, малака орттиради, ўз кобилияти ва истеъодини бирор ёки бир неча соҳада тўла намоён этиш имконига эга бўлади. Ахлок, одоб, билим, истеъод заминида эътиқод, ихлос, виждон, иймон шаклланади.

Умуман олганда, маънавиятнинг бу жихатлари биргаликда инсонда ижтимоий, моддий ҳаётнинг моҳияти ва мақсадлари ҳакида муайян дунёкараш, мафкуравий эътиқодлар тизими шаклланишига олиб келади.

7.3. Замонавий иқтисодчида ахлок меъёрлари ва бизнесменнинг ахлок кодекси

Ўзбекистон Республикаси сиёсий, маънавий, ижтимоий ҳамда иқтисодий ҳаётнинг ҳозирги боскичида ривожланиш, янгиланиш ва демократик жамият қуриш сари шахдам кадамлар билан одимлаб бормокда. Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, маънавий соҳада ҳам чукур ўзгаришлар рўй бермокда.

Ахлокий тарбия маънавиятнинг асоси, маънавият эса ҳар қандай давлатнинг асосидир. Ана шу асоснинг бўш бўлиши давлатни инкиrozга олиб келиши мумкин. Шунинг учун Президентимиз И.А.Каримов «Юксак

маънавиятсиз келажак йўқ» деган сўзларни кайта-кайта тақрорламокдалар. Миллий истиклол мафкураси, маънавиятимизни юксалтириш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, уни ёшлар қалби ва онгига сингдириш таълим-тарбиянинг турли шаклларида амалга оширилиши керак.

Ахлок инсониятнинг маънавий маданиятнинг кўринишларидан, ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, у кишиларнинг тарихан таркиб топган хулк-атвори ва юриш-туришини ифодалайдиган, уларнинг бир-бирига ва жамиятга бўлган муносабатларини акс эттирадиган муайян коидалар йигиндисидир. Шунинг учун ҳам ахлок мураккаб кўп киррали жамият ходисаси бўлиб, у ўз ичига инсоннинг жамият, жамоа ва бошқа кишилар билан ўзаро алоқаларини белгиловчи тамойиллар, меъёрлар ва коидаларни қамраб олади.

Иктисадий, ижтимоий-сиёсий муносабатлари орқали бир-бири билан боғланган кишилар ўзаро муайян ахлок нормаларига асосланиб муомала киладилар. Бир инсон учунгина хос бўлган ахлок бўлмайди. Ахлокий фазилатлар ва ахлокий меъёрлар асосан кўпчилик ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади. Ахлок нормалари узок тарихий тажриба асосида шаклланиб, кишилар ўртасидаги муносабатларни муштараклаштириб туради.

Ахлокий маданиятни юкорироқ бир погонага кўтарилиши ҳам сиёсий, ҳам иктисадий соҳаларга бевосита таъсир этади ва уларнинг янада ривожланиши учун асос бўлиб хизмат килади. Шунинг учун ҳам ҳамма даврларда ахлокий тарбияни ривожлантириш, ахлокий маданиятни янада юкорироқ даражада кўтариш муаммоси энг муҳим масалалар каторидан жой олган ва маърифатчилар, педагогларларнинг диккат марказида турган.

Ахлокий тарбиянинг асосий мақсади – замонавий иктисадчиларда ахлокий эътиодни, ахлокий онглиликни ва ахлокий хис-туйгуларни тарбиялаш, улар асосида ахлокий хулк-атворни одатлантириш, ахлокий малака ҳамда ахлокий кўникмаларни хосил килишдир.

Бугунги кунда тадбиркор фаолияти факат тадбиркорликнинг ҳукукий ва ташкилий асосларига боғлиқ бўлмасдан, у инсонлар, ўзининг кўл остида хизмат килувчи мутахассислар ва ишчилар, айниқса, чет эллик ҳамкаслари – бизнесменлар доирасида умумахлокий меъёрларга риоя килиши билан ҳам баҳоланади. Ишдаги муваффақиятнинг ярмидан кўпроғи унинг одобига, маданиятига, дунёкарашига, ишбилармонлик коидаларини қай даражада бўлишига бевосита боғлиқдир.

Умуман, тадбиркорлик – бу маданият. Айтишларига караганда: Маданиятли одам тадбиркор бўлиши шарт эмас, аммо тадбиркор инсон маданиятли бўлиши лозим.

Арасту ўз замонасида биринчи бўлиб ахлок тўғрисида гапириб, *Ахлоқ* - нимани килишимиз ва нимадан ўзимизни тийишимиз кераклигини аниклашимизга ёрдам беради деган эди. Президентимиз И.А.Каримов ахлок тушунчасига қуйидагича таъриф берди: *Ахлоқ* - маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоки шунчалик салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлок бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани.

Демак, ахлок биз учун – аввало, инсоний муносабатларни, шунингдек, инсонларнинг феъл-атворларини, уларнинг қанчалик мақбул нуктаи-назардан кўриб чикишга ва баҳолашга имкон берувчи билим соҳасидир. Тараккий этган давлатларда, айникса, Япония ва АҚШда фирмаларнинг «Этика кодекси» ва бизнесменларнинг алоҳида касб усталари гурухларининг «Ишбилармонлик кодекси» кенг қўлланилади. «Бизнесменнинг ахлок кодекси» биринчи марта АҚШда 1913 йили ишлаб чиқилган бўлиб, унда тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг асосий коидалари қабул қилинган. Бу коидалар ягона асосга жамланган бўлиб, улар бизнес соҳасидаги усул ва сиёсатни баҳолашда, ҳақиқат ва адолатлилик тушунчалари билан уйғунлашиши белгиланган.

Қиска хулоса

Жамият тараккиёти ва инсон камолоти жараёнида маънавиятнинг барча кирралари ўзаро боғлик холда шаклланади ва ривожланади. Ахлок ва одоб инсон ҳаётга қадам кўяётган дастлабки даврданок шаклланиб, унинг камолотига замин яратувчи ички руҳий омил бўлади. Демак, ҳар бир инсон тарбия кўриб, муайян одоб ва ахлок нормаларини, билим ва илмларни эгаллайди, меҳнат килиб тажриба орттиради, хунар-касб соҳиби бўлади, малака орттиради, ўз кобилияти ва истеъодони бирор ёки бир неча соҳада тўла намоён этиш имконига эга бўлади. Ахлок, одоб, билим, истеъод заминида эътиқод, ихлос, виждон, иймон шаклланади.

Шу нуктаи назардан келиб чикиб, ушбу бобда замонавий иктисадчининг касбий маҳоратига кўйиладиган талаблар, иктисадчининг фан, маданият ва хозирги замон технология ютуклари билан қуролланган бўлиши, унинг ахлокий, маънавий хусусияти, иктисадчидаги ахлок мөъёрлари кабилар бўйича керакли маълумотлар берилган.

Ўз-ўзини назорат ва мухокама қилиш учун саволлар:

1. Замонавий иктисадчининг касбий маҳоратига қўйиладиган талабларни санаб беринг?
2. Замонавий иктисадчи фан, маданият ва ҳозирги замон технология ютуклари билан қандай куролланган бўлиши керак?
3. Иктисадчининг ахлоки деганда нимани тушунасиз?
4. Замонавий иктисадчининг маънавий хусусиятини таърифлаб беринг?
5. Замонавий иктисадчига хос ахлок меъёрларини кўрсатинг?
6. Бизнесменнинг ахлок кодексини санаб беринг?
7. Замонавий иктисадчи қандай талабларга жавоб бериши зарур?
8. Иктисадчига хос ҳалоллик ва ростгўйлик фазилатларини таърифлаб беринг?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: «Шарқ», 2002.
2. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иктисадиёт назарияси. - Т.: «Молия», 2002.
3. Янчевский В.Г. Менеджмент, маркетинг, бизнес. Деловым людям о предпринимательстве. – М.: 1992.
4. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: «Университет», 1998.
5. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иктисадий педагогика (Ўқув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2002.
6. Хўжаев Э., Юнусова Р., Ражабов Э. ва бошкалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. – Самарқанд, 1997.
7. Чжен В.А. Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-куватлаш тизими. – Т.: 1995.
8. Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. Иктисадиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.

VIII боб. ЗАМОНАВИЙ ИҚТІСОДЧИННИҢ ЭТИКАСИ

1. Замонавий иқтисодчи одобининг ўзига хос томонлари.
2. Иқтисодчининг асосий ахлоқий қоидалари.
3. Замонавий иқтисодчининг этикаси.
4. Замонавий иқтисодчининг нуфузи.

8.1. Замонавий иқтисодчи одобининг ўзига хос томонлари

Инсонлар қанчалик тажрибали ва билимдон бўлсалар уларни одоб масалалари шунчалик кизиктира бошлайди. Ходимларнинг ахлоқий юксаклиги замонавий раҳбарнинг бошқарув фаолиятининг мухим сифат кўрсатгичи хисобланади. Бунга эришиш учун, аввало раҳбарнинг ижтимоий-одобий тайёргарлиги (назарий ва амалий) зарур. Ана шу максадда бошқарув одоби тузилади. Унинг моҳияти ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг барча иштирокчиларининг хулқ-атвори тамойил ва меъёрларини асослашдадир, хизмат хукук ва мажбуриятига касб бурчи сифатида муносабатда бўлиш зарурлигидадир.

Замонавий иқтисодчининг одоби маъмурий ва хўжалик фаолиятини сифатли адо этишга йўналтирилган назарий-амалий этика билимлари ва амалий тавсиялар тизимидан иборатдир. Ижтимоий адолат, шахс эркинлиги, касбий покизалик, масъулиятни хис этиш, табиатни асраб-авайлаш унинг асосий тамойиллари хисобланади. Замонавий иқтисодчининг одобида ахлоқий тавсифдаги, шахс хулқ-атворини ўрганиш билан боғлик меъёрий хужжатлар, бошқарув фаолиятига бўлган ахлоқий талаблар, ишга алоқадор этика коидалари ишланмалари ва иқтисодчининг хизматдан ташкири хулки, муомала одоби бўйича маслаҳатлар тўпламлари мухим ўрин эгаллади.

Кўйидагилар замонавий иқтисодчининг асосий ахлоқий қоидалари хисобланади:

- одамларга кенг кўламда ўз фойдалиларини намоён этиш учун ҳокимиятга интилиш;
- бошқарув фаолиятида катнашиш учун ходимларни фаол жалб этиш;
- фойдали танқидни самимий кабул килиш ва жамоат фикрини хурматлаш;
- бўйсунувчиларга ишонган холда муносабатга мойиллик, уларни ўз ҳамфирлари деб билиш.

8.2. Иктисадчининг асосий ахлоқий қоидалари

Ахлоқий хис-туйгулар, ахлоқий кадриятлар ва ахлоқий онг инсонда ахлоқий хисларни вужудга келишига олиб келади., буларга гуур, виждон, иймон, адолат, меҳр-муҳаббат, ишонч кабиларни киритиш мумкин. Ахлоқий хис-түёгулар инсоннинг ўзига, бошқа одамларга, хаётта бўлган муносабатини ўзида акс эттиради. Ахлоқий хиссиётлар ахлоқий кадриятларнинг инсоннинг ички кадриятига айланишида мухим ўрин тутади ва ахлоқий онглиликнинг ривожланишига ёрдам беради. Бугунги кунда ахлоқий тарбиянинг мазмуни куйидаги асосларда курилади:¹

1. Умуминсоний кадриятлар.
2. Миллий кадриятлар.
3. Шарқ мутафаккирларининг ахлоқий карашлари ва ҳалқ педагогикаси.
4. Бугунги куннинг ахлоқийликка бўлган ижтимоий талаблари.

Бу асосларнинг ҳар бири ўз ўрнига эга ва алоқий тарбия жараённида мухим аҳамият касб этади.

Ахлоқий тарбия инсоннинг бутун хаёти давомида ривожланиб боради, чунки ахлоқийликнинг ўзи инсон ҳәётининг узлуксиз ривожланувчи кисмидир. Ахлоқий тарбия инсоннинг, жумладан замонавий иктисадчининг бутун хаёти давомида ривожланиб боради, чунки ахлоқийликнинг ўзи инсон ҳәётининг узлуксиз ривожланувчи кисмидир.

Умумий ахлоқий талаблар ёки ахлоқий тамойиллар инсонга аник вазиятда аник ахлоқий хатти-харакат шаклларини кўрсатиб бера олмайди. У энг юкори тамойил сифатида мавжуд бўлади. Шахсдан эса маълум вазиятда муаммони ечимини ахлоқий тамойилларга таянган ҳолда энг тўғри ечимни топиш талаб этилади. Ахлоқийлик маданияти эзгулик килишнинг бегараз истагидан келиб чиккан ҳолда карор қабул килишда намоён бўлади.

Замонавий иктисадчининг ахлоқий тарбияланганлиги ахлоқий хис-туйгуларнинг ҳам қай даражада ривожланганлигида ўз аксини топади. Ўзига хос ҳамдардлик, бирорнинг ютуигига чин дилдан хурсанд бўла олиш хусусиятлари, одамларни кадрлаш ва меҳр-муҳаббатли бўлиш кабилар ахлоқий хис-туйгуларнинг ривожланиш мезонлари бўла олади.

Бу борада И.Кантнинг ахлоқий тарбиянинг икки даражасини ажратишини эслаб ўтиш ўринли. Унинг фикрича, ахлоқий қоидаларни расмий равишда бажарувчи ва бу қоидаларнинг чукур мазмунини фарқлай олмайдиган одамлар – маданийлашган одамлардир. Улар ахлоқий онглилик даражасига хали

¹ М.Хошимова. Ахлоқий тарбиянинг биологик асослари. – Т.: «Ўқитувчи», 2004.

кўтарила олганлари ва ахлокий хисснётларни етарли даражада, ўзларида ривожлантира олганлари йўқ.

Ахлок койдаларининг моҳиятини англаган ва ахлокий хис-туйғулар билан мустахкамланган, ахлокий қарашларга эга бўлган одамларни энг ахлокий маданиятга эга одамлар деб хисоблайди.

8.3. Замонавий иқтисодчининг этикаси

Замонавий иқтисодчи фаолияти факат тадбиркорликнинг ҳукукий ва ташкилий асосларига боғлик бўлмасдан у инсонлар, ўзининг кўл остида хизмат килувчи мутахассислар ва ишчи-ходимлар, хорижий бизнесменлар доирасида умумахлокий меъёрларга риоя килиши билан ҳам белгиланади.

Замонавий иқтисодчи фаолиятининг муваффакияти унинг дунёкарашига боғлик. Буларнинг барчаси «Замонавий иқтисодчи этикаси» тушунчасида ўз аксини топади.

Иқтисодчи этикаси бизнес оламида ўзини тутиш тамоиллари йигиндисидан иборат бўлиб, очикликка, ростгўйликка, сўзида туришда, конунларни хурмат килишда, бизнесни юрита олишда асосланади.

Этика атамаси қадимги юононларнинг «ethos» сўзидан олинган бўлиб, «уй», «яшаш жойи» деган маъно билдиради. Гомер ҳам ўз асарларида этика тушунчасидан худди шу маънода фойдаланган. Кейинрок бориб этика сўзи «йирик мавжудотларнинг яшаш койдалари» деган маънони англатган. Фалсафада эса бу сўз кишиларнинг турмуш тарзи, характерини ифодалаш учун кўлланилган. Аристотель бу сўздан инсонга хос фазилатларнинг ижобий томонларини ифодалаш учун фойдаланган.

Этика тушунчаси иккита жиҳатни ўз ичига олади:

- этика – бу маълум жамият, кишилар гурухи, касб-корлар учун қўлланадиган руҳий ва ахлокий меъёрлар тизимири;

- этикавий меъёрлар ҳукук билан, яъни давлат томонидан белгиланган ёки санкцияланган умуммажбурий ўзини тутиш койдалари ва меъёрлари мажмуаси билан боғлиқдир.

Демак, инсоннинг ҳар кандай фаолияти, шу жумладан ишбилармонлик ҳам этика ва ҳукукий ўлчовлари билан баҳоланади. Амалдаги қонунчилик жамиятга ўз хоҳиш-иродасини бизнеснинг ахлокий-ҳукукий ўлчовлари асосида ифодалаш учун имкон яратади. Ишбилармон қонунни бузгандилиги учун маълум жазо белгиланса, унинг бизнесда этика ва ахлокий-ҳукукий меъёрларни

бузганлиги учун у жамиятнинг каҳр-ғазабига дучор бўлади. Бунинг учун жамиятда юкори этикавий меъёрларга амал килиниши керак.

Замонавий иқтисодчи энг аввало ҳалол ва ростгўй бўлиши лозим. Бу кишилар билан яхши муносабатлар ўрнатишнинг энг мухим шартларидан биридир. Ҳакниий иқтисодчининг яна бир мухим белгиси унинг берилган ваъдані сўзсиз бажаришидир. У ўз сўзининг устидан чика олса, ваъдасида турса ва зиммасига олган топширикларини ўз вактида бажарсагина бу соҳада муваффакиятларга эриша олади. Бу шартномада кўрсатилган шартларни ўз вактида бажаришини тақоза қиласди.

Замонавий иқтисодчи бошқалар билан ўзаро ҳурмат, ишонч асосида хушмуомала муносабатда бўлиши лозим. Унинг бошқаларга нисбатан муомаласи уларнинг иқтисодчига нисбатан муомаласини белгилаб беради. Шунингдек замонавий иқтисодчи қонун ва бошка ҳукукий ҳужжатларга итоат килиши, уларни оғишмай бажариши шарт.

Ўз ишини қонун бўйича олиб бориш этик ва руҳий-ахлоқий ўлчовларга риоя килиш билан бир хил эмас. Иқтисодиётда деярли тез-тез шундай вазиятлар яратилади, унда қонунни бузмай туриб этикавий меъёр ва коидалардан оғиш кузатилади. Бу эса иқтисодчининг нафакат ўзи учун, балки жамият учун ҳам салбий натижалар келтириши мумкин.

Замонавий иқтисодчи фаолиятининг муваффакияти унинг вазмин ва сабрли бўлишига у ёки бу қарорларни эҳтиросга берилмасдан, совукконлик билан кабул килишига боғлик.

Бозор иқтисодиёти шароитида факат ўз қасбини пухта билган, маҳоратли мутахассисларгина обрў-эътибор қозонади. Шу сабабли у ёки бу соҳада иш бошламокчи бўлган иқтисодчи ўз соҳасини пухта эгаллаши, бозор иқтисодиёти қонун-коидаларини атрофлича ўрганиши зарур.

8.4. Замонавий иқтисодчининг иуфузи

Замонавий иқтисодчи ўз фаолиятини амалга оширад экан, энг аввало кишилар билан муносабатда бўлади. Замонавий иқтисодчининг обрў-эътибори, колаверса, амалга ошираётган ишининг муваффакияти кўп жиҳатдан унинг кишилар билан қандай муомалада бўлиши билан белгиланади. Шу сабабли ҳар бир иқтисодчи ёки тадбиркор атрофдагиларда ижобий таассурот колдиришга характеристикини килиши лозим.

Иқтисодчи нуфузи (имиджи) деганда атрофдагилар онгига замонавий иқтисодчи ҳақида шаклланган ишбилармон киши сиймоси, у түғрисидаги тасаввурлар тушунилади.

Фирма ёки корхона нуфузи эса унинг бозордаги холатини таъминловчи фирма сиймоси, харидорнинг фирма белгисига содиклигидир.

Хар қандай иқтисодчи ёки тадбиркор юкори нуфузга эга бўлишга харакат килар экан шуни назарда тутиши лозимки, у факт мөхнат эвазига ортирилиши мумкин, холос. Юкори нуфузга эга бўлиш деганда иқтисодчи ва унинг иш жойининг кўпчилик томонидан тан олиниши ва уларга нисбатан илик муносабатнинг шаклланиши тушунилади. Одатда юкори нуфузга эга бўлган иқтисодчига нисбатан мижозлар алоҳида муносабатда бўладилар ва улар түғрисида ижобий фикр билдирадилар.

Хар бир иқтисодчи ўзининг нуфузини оширишга харакат килади. Бирок кишилар ўзларини-ўзлари объектив баҳолашлари анча кийин кечади. Шу муносабат билан бу холат инсон муносабатларининг алоҳида соҳаси – имижеологиянинг вужудга келишига олиб келди. Имижеология гарб мамлакатларида «паблик рилейшнс» деб аталади.

Паблик рилейшнс оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик фикрига таъсир ўtkазиш бўлиб, фирмалар томонидан уларнинг обрў-эътиборини, нуфузини ошириш учун кўлланилади.

Ҳалол мөхнат, ташаббускорлик ва ўз вазифасига масъулият билан муносабатда бўлиш, жамоа аъзоларига талабчанлик ва ғамхўрлик қилиш, ўз ишини чуқур билиш замонавий иқтисодчи нуфузининг ошишига ижобий таъсир кўрсатса, коғозбозлик, маҳаллийчилик, ҳадиссираш, баландпарвозлик, худбинлик, мақтанчоқлик каби хусусиятлар унга салбий таъсир кўрсатади.

Қиска хулоса

Бугунги кунда замонавий иқтисодчи фаолияти факат тадбиркорликнинг хукукий ва ташкилий асосларига боғлик бўлмасдан у инсонлар, ўзининг кўл остида хизмат килувчи мутахассислар ва ишчи-ходимлар, хорижий бизнесменлар доирасида умумахлокий меъёрларга риоя килиши билан ҳам белгиланади.

Шунга асосланган холда ушбу бобда замонавий иқтисодчи одобининг ўзига хос томонлари, иқтисодчининг асосий ахлоқий қоидалари, иқтисодчининг этикаси, бугунги кун замонавий иқтисодчисининг нуфузи, обрўси хусусида

атрофлича фикр билдирилган ва бу мавзу талабаларга ишонарли тарзда баён килинган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Замонавий иқтисодчи одобининг ўзига хос томонларини санаб беринг?
2. Иқтисодчининг асосий ахлоқий қоидаларига нималар киради?
3. Замонавий иқтисодчининг этикаси нима?
4. Замонавий иқтисодчининг обрўси ва нуфузини таърифлаб беринг?
5. Замонавий иқтисодчи кандай талабларга жавоб бериши керак?
6. Хизмат этикасига риоя қилиш деганда нимани тушунасиз?
7. Иқтисодчи кандай ахлоқий қоидаларга риоя қилиши керак?
8. Бугунги кунда ахлоқий тарбиянинг мазмуни кандай асосда курилади?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: «Мехнат», 2000.
2. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика (Ўқув кўлланма). – Т.: ТДИУ, 2002.
3. Янчевский В.Г. Менеджмент, маркетинг, бизнес. Деловым людям о предпринимательстве. – М.: 1992.
4. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: «Университет», 1998.
5. Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.
6. Иномов И. Иқтисодий тарбия назарияси. – Т.: ТДИУ, 2005.

IX боб. ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРНИ ЎҚИТИШ. ЎҚИТИШНИНГ ҚОИДА ВА УСЛУБЛАРИ

1. *Ишчи-хизматчиларни ўқитиши шакли ва турлари.*
2. *Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш услуги.*
3. *Ўқитиши дастурлари ва уларнинг таҳлили.*
4. *Иқтисодчи кадрлар касб бўйича ўсишининг ўзаро боғлиқлиги.*

9.1. Ишчи-хизматчиларни ўқитиши шакли ва турлари

Ўқитиши ва кадрларни тайёрлашда - иқтисодиёти ривожланган давлатларда катта аҳамият берилади. Бу омил иқтисодий ўсиш ва ишлаб чикаришни ривожлантириш омилидир. Ривожланган давлатларда инсоний ресурслар 80% гача товар ишлаб чикаришни таъминлайди.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда уч босқичли ўкув тизими йўлга кўйилган:

1. Олий ўкув юртларида ўкиш;
2. Малака ошириш институтлари ва факультетларда ўкиш;
3. Ўз билимини мустакил равишда ошириш.

Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи ишчилар доимо ўкиш, ўрганиш жараёнида бўлади. Улар тез-тез ўз фаолият йўналишини ўзгартириб туришади, янги технологиялар ишлаб чикишади, мавжудлари ривожлантирилади. Буларнинг барчаси ўзагарувчан меҳнат фаолиятида инсонни ўкишга мажбур киласди. Ҳар бир янги ҳолатда, ўз ишини бажариш учун ходим ёки менежер ўкишга киришади. Ҳар бир тадбиркорлик ташкилотида кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тадбирлари ривожланиш режасига киритилади. Бу куйидаги шароитларга боғлик:

- етарли квалификацияли иш кучи етишмаслиги;
- ракобат курашида меҳнат ресурсидан самарали фойдаланиш;
- янги билимларни эгаллаш;
- янги ишлаб чикариш жараёнларининг пайдо бўлиши;
- ишчилар потенциалини ривожлантириш.

Ходимларнинг ривожланиши фирма учун ҳам, ходимлар учун ҳам фойдалидир. Инсоннинг ақлий ва жисмоний имкониятлари чекланган, аммо шу имкониятлардан ҳам максимал даражада фойдаланилса иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкин. Лекин, кишилар меҳнатини имконият

чегараларидан оширишга интилиш хатоларни кўпайтиради. Фирма ёки корхона куйидаги омилларга кўра самарали бўлиши мумкин:

1. Мехнат кишиларнинг жисмоний ва аклий имкониятлари чегарасида етмаслиги ва ундан ўтмаслиги керак, шунда ишда хатолик кам бўлади. Мехнатга бўлган иштиёқ сакланади.
2. Ўзгарувчан меҳнат шароитларида инсоннинг мослашиш имкониятлари яхшиланади, кенгаяди, шу билан бирга, кадрларнинг ишдан кетиши камаяди.
3. Ходимлар малакаси ошади.

Ишчи-ходимларни ўқитиш турли шаклларда амалга ошади. Уларни танлаш бир неча омилга боғлиқ. Буларга ўқишнинг йўналиши, ўқиш предмети, ўқиш шароитлари ва даъвогарнинг имкониятлари киради.

Куйидаги ўқиш турлари мавжуд:

- янги ходимлар билан бошлангич ўқиш;
- ишлаб чиқариш ўқиши;
- бошқарув ўқиши;
- кузатув ўқиши (билимни ошириш учун);
- ротация йўли билан ўқиш;
- мустакил дастур бўйича ўқиш ва бошқалар.

Корхона ва фирмаларнинг кўпчилиги янги мутахассислар билан машғулотлар ўтказади. Бундай машғулотлар 2-4 хафтада маҳсус ўкув марказларида ўтказилади. Бошлангич ўқиш янги ходимлар учун малака ошириш кўринишига эга бўлиши мумкин. Бундай ўқишлиар семинар шаклида ўтказилади.

Ишчи-ходимлар учун ишлаб чиқариш ўқиши биринчи навбатдаги ўқиш хисобланади. Бунда иш юзасидан энг асосий маълумотлар берилади. Ишнинг хусусияти, касб сир-асрорлари ўргатилади. Бошқарув ўқиши масъул бошқарув лавозимларига кўтарилаётган ёки кабул килинаётган ходимлар учун ўтказилади.

9.2. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиilar малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш услуби

Бугунги кунда, мамлакатимиз олий таълим тизимида иктисадчи мутахассисларни тайёрлаш тизимини замон талаблари даражасида қайта ташкил этиш максадида иктисадий таълимнинг ҳалкаро андозаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб эмокда. Чунки, дунёning



ривожланган ва бозор иктисодиёти амал килаётган мамлакатларнинг деярли барчаси янги механизмнинг кескин ўзгаришларига мослаша оладиган ва ҳар кандай шароитда ракобатлаша оладиган иктисодчи мутахассисларни тайёрлаш борасида замонавий иктисодий таълим тизимига эгадирлар.

Ривожланган мамлакатларда иктисодий таълимнинг асосан қуидаги иккита модели асосида мутахассислар тайёрлаш йўлга кўйилган:¹

1.Инглиз – Америкача иктисодий таълим тизими. Бундай таълим мутахассисликни эгаллашнинг кўп даражалигига ва хилма – хиллигига асослангандир. Бу тизимда ҳам ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизими таклиф этадиган таълим мауассасаларининг кенг тармоғи мавжуд. Ҳозирги кунда, Америка Кўшма Штатлари ва Ғарбий Европанинг бир катор ривожланган давлатларида фаолият кўрсатा�ётган олий бизнес мактаблари, университетлар, колледжлар ва бошқа бир катор мутахассислар тайёрлаш марказларининг турли – туманлиги фикримизнинг яккол исботидир.

2. Олмонча – Русча иктисодий таълим тизими. Бу тизим олий иктисодий таълимни бир даражада эгаллашга асосланади. Унда ўкув режалари ва бозор иктисодиёти учун мутахассислар тайёрлаш дастурларига жиддийрок талаблар кўйилди.

Иктисодчи мутахассисларни тайёрлашнинг Японча тизими ҳам ўз хусусиятларига эгадир. Технология ва менежмент соҳасида чукур билимлар бериш бу тизимнинг ўзига хослигини белгилайди.

Ҳозирги кунда ҳалқаро микёсда иктисодий таълимнинг Инглизча-Америкача тизими бошқаларга қараганда, кўпроқ оммалашган. Унинг хусусиятлари асосан қуидагилардан иборат:

- бозорга тайёргарлиги ва малакаси, илмий даражаси ва дипломи турлича бўлган мутахассисларни таклиф этиш. Бундай мутахассислар иктисодчи мутахассиснинг ёрдамчисидан тортиб, фан доктори илмий даражасига эга бўлган йирик бизнес менежерларини намоён этади;

- талабага йўнилишни, мутахассисликни, ихтиносликни ва буларга мос курс ва дастурлар модулларини эркин танлаш имкониятини бериш;

- ўзаро фарқланувчи бакалавриат (қасб бакалаври, фан бакалаври, бизнес бошқарув бакалаври) ҳамда магистратура (қасб магистри, фан магистри, бизнес бошқарув магистри) нинг ўзаро фарқланувчи дастурлари оркали ижтимоий – иктисодий эҳтиёжга мослашган иктисодий таълимнинг турли вариантларини таклиф этиш.

¹ Тожибоева Д. Иктисодиёт назарияси. – Т.: «Ўқитувчи», 2002.

Юкорида келтирилган ана шу уч дастурнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Жамият тарақкиёти даражаси, ахборотларни ҳаддан ташкари кўплиги, иктисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, умуман олганда хаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, ёшларни етук, вазиятни тезда англай оладиган, айни шу вазият учун тўгри карор кабул кила оладиган малакали мутахассислар килиб тайёрлаш учун факат анъанавий услубларга таяниб дарс ўтиш етарли эмас.

Хозирги пайтда тайёр билимни ўзлаштириш асосий мақсад бўлмай, энг асосийси талабаларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, мустакил танлаш ва қарор кабул килиш кўникмасини хосил килиш объектив зарурията айланди.

Маълумки иктисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ўз навбатида мутахассислар малакаси ва маҳоратини юкори бўлишини, мутахассисларга бўлган талабнинг ўзгаришига мослашувчан, ўз малакасини оширишга интигурувчан бўлишни талаб эди. Бунинг учун иктисадчи мутахассисларни мустакил изланиш, фикрлаш, турли қарашларни таққослаш, таҳлил килиш, хуроса чиқаришга ўргатиш лозим. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримов қуидаги фикрни билдирган эдилар: «Биз хаётимизнинг турли жабхаларида, ҳалк хўжалигининг барча соҳаларида туб ислоҳотларни амалга ошириб, янгиланиш сари борар эканмиз, ушбу ислоҳотларнинг турмуш тарзимизни ижобий томонга ўзгаририши, маънавий юксалишимизга кўмак бериши ҳамда миллий ғуур ва ифтихоримизни кучайтириши кўп жихатдан ҳар томонлама етук кадрларга боғлик эканини унутмаслигимиз лозим. Республикамизнинг иктисодий, сиёсий ва маънавий жихатдан равнак топишида, бу соҳалардаги муаммоларни ҳал килишимизда ҳам миллий кадрлар бош омиллардан бири бўлади».¹

Факультетларда, курсларда, мактабларда малака ошириш ўқишилари маҳсус ишлаб чиқилган дастур ва зарур қўлланмалар асосида олиб борилади.

Ходимлар малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳам фирма ичida ва ташкарисида бўлиши мумкин. Уларни тайёрлаш услуби қуидагича амалга оширилади:

- бошқарув масалалари бўйича маҳсус семинарлар ўтказиш;
- ходимларнинг сифат тўгараги деб номланувчи ўқишиларда иштироки;
- янги мутахассисларнинг ишини кузатиш йўли билан ўқитиш;
- кадрлар ротацияси.

¹ Каримов И.А. «Замонавий кадрлар тайёрланиши – ислоҳотлар мувоффакиятининг асоси» нутқидан «Маърифат» газетаси. 1998 йил 28 январь.

Кадрлар ротацияси мутахассис ёки менежер тарбиялаш ва шакллантиришда кенг тарқалган услубдир. Уни фирманинг раҳбарлари ишчини киска вакт ичидан бир ишдан бошқа ишга ўтказиш йўли билан амалга оширади.

Малака ошириш ходимнинг илгор корхоналарда, шу жумладан, чет элларда иш ўрганиши (стажировка килиши) шаклида ҳам ўтказилиши мумкин. Кадрлар ишида асосий масалалардан бири, кадрлар резервини тайёрлаш ва ўқитиш ташкил этишдир. Кадрлар резервига келажакда катта лавозимларни эгалловчи шахслар киради.

9.3. Ўқитиш дастурлари ва уларнинг таҳлили

Ўқитиш – инсониятнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси муайян жихатларининг маҳсус тайёрланган шахс (ўқитувчи, тарбиячи, профессор, инструктор) раҳбарлигига талабалар томонидан ўзлаштириш жараёни, маърифий, тарбиявий ва ривожлантирувчи функцияларини узвий бирликда адо этувчи жараёндир.

Ҳар бир ўкув фани учун ўкув дастури тузилади. Ўкув дастури ўкув режаси асосида ишлаб чикилади. Ўкув дастури ҳар бир ўкув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми, тизими ва гоявий-сиёсий йўналишини аниклаб берадиган давлат хужжатидир.

Ўкув дастурида ўкув йили давомида ҳар кайси гурухда алоҳида фанлар бўйича талабаларга бериладиган илмий билим, кўнікма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Дастурда ҳар кайси ўкув фанларининг мазмуни изчиллик билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади.

Ўкув дастури кўйидаги бир катор коидаларга амал қилган ҳолда тузилади:

1. Дастурнинг катъийлиги. Ўқитиш дастурлари жамиятимиз тараққиётининг ҳар бир боскичида фан, техника, ишлаб чикириш ҳамда ижтимоий муносабатлар соҳасида эришилган даражани акс эттириши лозим.
2. Ўқитиш дастурида илмийлик коидаси. Дастурга борликни аник, хакконий акс эттирган, илмий жихатдан текширилган ишончли материаллар киритилади.
3. Ўкув материаллари мазмунини тўғри танлаш, фан материалларини танлашда унда исботлар, мисоллар, мантиқий умумлашма ва хуносаларнинг тўғри уйгунлашувига алоҳида эътибор берилади.
4. Назариянинг амалиёт билан бирлиги коидаси.

5. Ўқув дастурларида тарихийлик коидаси.

Бугунги кунда тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолияти билан шуғулланувчи кишиларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун маҳсус дастурлар ишлаб чикилади. Чет элларда уларни ташкил килишда маҳсус ўргатувчи ташкилотлар иштирок этади (масалан, бизнес мактаби, малака ошириш факультети, бошқарув университети). Хозирги кунда чет эл ва мамлакатимиз олим ва мутахассислари ёрдамида ишлаб чикилган тадбиркорлик бўйича янги ўқув дастурлари кенг кўлланилмоқда.

Йўналиш бўйича ўқув дастурлари куйидагиларга бўлинади:

- бошлангич ўкиш дастурлари;

- тадбиркорлик ишини комплекс ўзишини таъминлаб берувчи дастурлар ва унинг алоҳида томонларини ўргатувчи дастурлар (масалан, маркетинг, банк иши, кимматбаҳо коғозлар);

- бошқарув фаолиятини ўрганиш дастурлари ва мутахассисни ўқитувчи дастурлар ўкиш дастурини вактинчалик омили бўйича қиска ва узок муддатга бўлинади.

Ўзишининг кўламига караб куйидаги дастурлардан фойдаланилади:

1. Доимий тавсифга эга дастурлар, кўпинча тўғри ёки қисман ўкиш дастури хисобланади. Уларга тадбиркорларни ўқитиш дастурлари киради.

2. Малакани ошириш дастурлари чет элларда кенг тарқалгандек, бизнинг республикамизда хам кенг тарқалмоқда.

9.4. Иктисадчи кадрлар қасб бўйича ўзишининг ўзаро боғлиқлиги

Кичик бизнес хам бошқа фаолият каби, доимо ишчиларни ўқитишни талақ килади. Бу жараён кадрларни сифатини ва ривожланишини таъминлайди.

Ўқииш – бу одамнинг фундаментал билим олиш жараёнидир. Аслида, у мактабларда, коллежларда, институтларда, университетларда ёки бошқа жойларда амалга ошади. Ислоҳотлар ўзишининг турларига таъсир килади. Олий маълумот очик, демократик бўлади. Олий маълумотни ривожлантиришнинг бошқа кўриниши – бу олий ва ўрта маҳсус ўкишни интеграция килишдир.

Олий маълумот ислоҳоти ўз ичига куйидаги йўналишларни олади:

1. Янги такомиллашган ўқув дастурларини ишлаб чикиш, замонавий мутахассисларни тайёрлашда халкаро ўкиш жараёнини ташкил килиш.
2. Аудитория дарслари ва мустакил ишлар орасидаги ўқув вактини энг кулагай тарзда таксимлаш ва бошқалар.

Бизнингча, жамиятда аҳолининг турмуш даражаси, ижтимоий ва касб йўналиши бўйича ижтимоий қатламланишининг янги турини шакллантириш жараёни бошланганлиги боис, бунинг оқибати сифатида, хўжалик харакатларининг бозор шаклларига мослашишининг турли имкониятлари юз беради.

Олий таълим муассасаси, тижоратлаштириш шароитидаги эндотизим сифатида, ўз манфаатлари тизимини шаклини ўзгартиради. Шахсий маблаглари хисобидан пулли билим олиш шароитида ўкиш шакли ва муддатларига нисбатан қўйидаги ҳолатларда муаммоли оқибатлар келиб чиқиши мумкин, качонки олий таълим муассасаси:

- ўкиш муддатларини узайтириш ва шу асосда катта маблағлар олишдан манфаатдор бўлса;
- билим олувчилар зиммасига ўз харажатларининг катта кисмини юклашга интилса;
- ўқитишнинг кам меҳнат талаб қиласиган ва тежамли шаклларини афзал кўрса.

Бу аспектда ўқитишни тижоратлаштиришнинг ижобий томонлари қўйидагилар бўлиши мумкин: касбни баҳолаш бўйича олий таълим муассасининг фаолиятида иктисадий томонларни ривожлантириш (маркетинг тадқикотлари); иктисадий нуктаи назардан олий таълим муассасалари фаолиятининг самарали стратегиясининг танлаш; олий таълим муассасасининг ракобатбардошлигини баҳолаш, унинг баркарорлиги даражасини ошириш ва бошқалар.


Пулли ўкиш олий таълим муассасаси ҳамда ўкиш пулинни тўловчи шахс нуктаи назаридан энг тежамли шакл сифатида *масофадан туриб ўқитиш* шаклларига кизикишни орттиради. Бу ўқитишнинг кечки, сирки, экстрант, индивидуал режалар бўйича ўқитиш каби шакллариdir. Барча ушбу шакллар таълим жаёнининг амалий йўналтирилишини кучайтириши билан тавсифланади.

Бизнинг назаримизда, шахсий шаклда пулли ўқитишни оммавий тарзда жорий этишни қўллаб бўлмайди: ўкиш учун пул тўлашнинг институционал шакллари иктисадиёт ва жамиятнинг баркарорлашуви шароитида ривожланиши мумкин. Бу ўқитиш шакли юзага келган кулагайликни пасайтирган холда, таълим хизматлари соҳасини кенгайтиришга йўналтирилиши лозим.

Таълим ижтимоий ёки жамият бойлигини ўзида намоён килади, у жамиятнинг барча аъзолари учун юқори даражада аҳамиятга эга. Кадрлар

тайёрлаш кўплаб иқтисодий-ижтимоий хусусиятдаги вазифаларни ҳал этиш воситаси сифатида кабул килиниши мумкин. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, таълим даражаси ва сифати, пировардида, фан-техника тараккётининг жорий этилиши ва мамлакат фаровошлигининг ошии суръатларини белгилаб беради.

Буюк хорижий эксперталар ва олимларнинг баҳолашларича, иқтисодий ўсиш омиллари уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этиши даражасига кўра кўйидаги холатларни назарда тутади (4-расмга қаранг).



Давлатнинг зиммасига таълим хизматларининг бозори йўналтириладиган меҳнат бозорининг бўлажак таркибий тузилишининг башоратини ишлаб чиқиши функцияси колади. Интеллектуал меҳнат бозорини башорат килиш илмий жиҳатдан асосланиши керак, республикамизда тайёрланаётган мутахассислар талаби ва таклифини ўрганиш, иш ўринларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларнинг автоматлаштирилган банкларини барпо килиш, яъни интеллектуал меҳнат бозори соҳасида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш лозим. Бунинг учун эса кўйидагилар зарур:¹

1. Ахборот ва кадрлар хисобининг йўлга қўйилган тизими;
2. Баландликдаги таркибий силжишларга таъсир кўрсатувчи омилларини таҳлил килиш;

¹ Тожиева Д. Иқтисодиёт назарияси – Т. «Ўқитувчи», 2002.119-бет.

3. Интеллектуал меҳнат бозорини шакллантирувчи фан-техника маҳсулоти бозорини ўзгаришини таҳлил қилиш.

Ҳозирги босқичда менежмент тизими бошқарувнинг тўртта даражасини ўз ичига олади: умумдавлат, минтақавий, маҳаллий, институционал.

Бошқарувнинг умумдавлат даражаси олий таълим тизимини бошқаришни марказлаштиришнинг юкори поғонаси сифатида, бизнингча, куйидаги вазифаларнинг ҳал этилишининг таъминлашга каратилган:

- таълим соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, уни меъёрий-хукукий ва молиявий-иктисодий жиҳатдан тартибга солиш;
- ягона, буткул таълим худудини сақлаш ва ривожлантириш;
- узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чикиш, унинг устувор йўналишларини белгилаш;
- таълим соҳасига доир қонун ҳужжатларини ривожлантириш;
- ушбу стратегияни умуммиллий дастурлар, йирик ижтимоий-педагогик ва инновацион лойихалар орқали амалга ошириш;
- жамият (педагогик ҳамжамият) ва таълимни бошқаришнинг минтақавий дараажси билан бирга давлат таълим стандартларини ишлаб чикиш ва қабул қилиш;
- таълим сифатини, унинг таълим стандартларига мос келишини баҳолаш ва назорат килишнинг давлат тизимини барпо этиш;
- таълимни бошқаришнинг минтақавий органлари, фаолиятини мувофикалаштириш.

Таълимнинг асосий мақсади - замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустакил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни шакллантиришдир. Жамият ривожланар экан, хаётий талабларнинг даражаси ҳам ортиб боради. Демак, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чукурлашиб борар экан, мантикий фикрлаш ва муаммоларни тезда ҳал этишга бўлган талаб янада кучайиб боради. Бу фикрдан келиб чиқкан ҳолда таълим тизими бугунги кун талабини ҳисобга олган ҳолда эмас, балки келажак талабларини аниқлаган ва ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориши керак деган хulosага келамиз. Чунки, бугунги кун талаблари келажакда жамиятнинг асосий ўзагига айланади. Демак, таълим тизими талабаларни бугунги кундаги ҳаётга эмас, балки келажакдаги ҳаётга тайёрлаши лозим. Бу ҳам таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.¹

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни- Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 1997.

Таълим олувчилар ишлаб чиқаришдага техник ва технологик жараёнлар, курилма ва мосламалар ҳакида билим олиб амалда кўллай билишлари керак. Ўқитиш жараёнида ўқитувчи устанинг ишлаб чиқариш жараёнига ўқитиша кўйидагиларга эришмоғи лозим:

- Таълим олувчини хозирги замон техника жараёни методлари ва замонавий методлар ҳамда курилмаларда ишлашни ўргатиш;
- Мехнатни ташкил этиш методи ҳам таълим олувчини зарур бўлган билим, кўнікма ва малакаларига, касбий малакасига караб турли иш операцияларини бажаришни замонавий технология талабига жавоб берувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- Таълим олувчини иш меъерини бажаришга ёндошишга ўргатиш;
- Корхонадаги иш чизмаларини тўғри ўқишга, технологик ҳужжатлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш;
- Корхона жамоасида таълим олувчи ишидан муҳим тарбия сифатида фойдаланиш;
- Таълим олувчини мехнат хавфсизлиги, ишлаб чиқаришдаги ва ёнгин хавфсизлиги талабларига амал килишга ўргатиш;
- Таълим олувчининг онгига иш ўрни ва мехнат куролларига нисбатан жавобгарлик ва кадрлаш хиссини сингдириш;
- Таълим олувчига иш маданияти ҳакида таассурот бериш, иш жойини тўғри ташкил килишни ўргатиш.

Шундай килиб, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги конунида белгиланганидек, олий таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг тамойилларидан бири сифатида бошқарувнинг демократик давлат-ижтимоий хусусияти тасдиқланган. Ушбу тамойил фактат таълим сиёсатини шакллантириш таълим жараёни субъектларининг манфаатлари мос келишига, олий таълим тизимининг ўзини ўзи ташкил этишида юзага келадиган янги ғоялардан самарали фойдаланишига асослангандағина самарали бўлади.

Қисқа хулоса

Ўқитиш – инсониятнинг ижтимоий-тариҳий тажрибаси муйайн жиҳатларининг маҳсус тайёрланган шахс (ўқитувчи, тарбиячи, профессор, инструктор) раҳбарлигига талабалар томонидан ўзлаштириш жараёни, маърифий, тарбиявий ва ривожлантирувчи функцияларини узвий бирликлар адо этувчи жараёндир

Ушбу бобда ишчи-хизматчиларни ўқитиш ва унинг шакли, турлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, ўқитиш дастурлари, уларнинг таҳлили, иктиносидчи ходимлар касб бўйича ўсиши кабилар бўйича фикрлар баён килинган ва энг асосийси талабаларга ишонарли тарзда берилган.

Ўз-ўзинни назорат ва мухокама қилиш учун саволлар:

1. Ишчи-хизматчиларни ўқитиш шакли ва турларини гапириб беринг?
2. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш услуги ҳакида фикр билдиринг?
3. Ўқитиш дастурларини таҳлил килиб беринг?
4. Иктиносидчи кадрлар касб бўйича ўсишини кўрсатинг?
5. Тадбиркорлик омилларига нималар киради?
6. Тадбиркорлик фаолиятининг умумий ва хукукий асослари нималарни кўзда тутади?
7. Ўкув дастурида қандай кондайларга амал килинади?
8. Таълим хизматлари бозори деганда нимани тушунасиз?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Педагогика профессионального образования. Подред.В.А.Сластенина.-Москва. «Академия», 2004.
2. Е.Н.Пронина, В.В.Лукашевич. «Психология и педагогика». Учебник для студентов ВУЗов-М.:«Элит», 2004 .
3. Ў. Толигов, М.Баракаев, Ш.Шарипов. Касбий педагогика.-Т.:ТДИУ, 2001.
4. Н.Хўжаев, Ж.Ҳасанбоев. Иктиносидий педагогика.-Т.:ТДИУ, 2002.
5. www.inter-pedagogika.ru.

X боб. ИҚТИСОДЧИ КАДРЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

1. *Иқтисодчи кадрларни танлашдаги ички ва ташқи чегара.*
2. *Иқтисодчи кадрларни иш билан таъминлаш ва меҳнат шартномасини тузуши.*
3. *Вазифаларнинг мансабга кўра тақсимланиши.*
4. *Иқтисодчи кадрлар кўнимсизлигини камайтириши усуслари.*

10.1. Иқтисодчи кадрларни танлашдаги ички ва ташки чегара

Мамлакатимиз халқ хўжалигини янада юксалтириш, республиканинг ақл зakovat салоҳиятини ўстириш, давлатимиз қудратини ошириш, унинг мустакиллигини мустаҳкамлаш учун хизмат киладиган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари ва дастурлари ишлаб чикилди. Таълим тизимининг молиявий ва моддий таъминоти конуний йўл билан ижобий ҳал этилди.

Факат ўтиш даврининг ўзида бу дастур учун 65 млрд. сўм ажратиш кўзда тутилган. 1999 йилда бу максадлар учун 34 млрд. сўмдан ортик маблаг сарфланди. Ҳозирги вактда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 8-10 фоизга тенг кисми маърифат, таълим ва тарбияга ажратилмокда – бу катта микдордаги маблағдир. Масалан, республикамида «Кадрлар тайёрлш миллий дастури» доирасидаги таълим харажатлари 1999 йили 159,2 млрд. сўм, 2000 йили 248,8 млрд. сўмни ташкил килган бўлса, 2001 йили 336,1 млрд. сўм сарфланган.

1997 йилда ташкил топган «Умид» ва бошка жамғармалар орқали иктидорли ёшлар ривожланган Давлатлардаги энг нуфузли ўкув марказларида тахсил олмоқдалар. Ёшлар хориж хаётини кўриб, халкаро хаётий тажриба орттириб, чет тилларини мукаммал эгаллаб, замонавий бакалаврлик ва магистрлик даражасига республикамизнинг турли босқичдаги кадрлар хорижий таълим марказларида тажриба ва малака орттириб келмоқдалар. Бундай ёндашувлар ҳам Ўзбекистон таълим тизимининг ёрқин истиқболига ва унинг мавкеини оширишга хизмат килади.

Бугунги кунда келажаги буюк давлатни куриш тафаккури, дунёкараши замон талаблариiga мос равиша ўзгарган мутахассисларимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Янгича фикрлайдиган, янги бозор шароитларида муваффақиятли

хўжалик юритадиган юксак малакали, чукур билимли мутахассисларни тайёрлаш давр талаби ва ҳакикат такозосидир.

Бутун иктиносидий сиёsat ва иктиносидий ислоҳотларнинг таркибий кисми бўлган узлуксиз иктиносидий таълим тизимининг асосий тамойиллари ана шу максадларга таянади. Мамлакатимизда 1996 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузурида иктиносидий таълим ва бозор иктиносидиёти асослари бўйича мувофикаштирувчи кенгаш фаолият кўrsатмокда. Ушбу кенгаш ишида БМТнинг, Европа Иттифоқининг, Жаҳон банкининг, Халқаро валюта фондининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, Кондрад Аденауэр номидаги фонднинг Тошкентдаги ваколатхонаси каби фоят нуғузли халқаро ташкилотлар иштирок этмоқда. Мувофикаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари бўлиб, кўйидагилар хисобланади:

- умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар колледжлари, академик лицейлар ва олий ўкув юртларида иктиносидий таълим тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чикиш ва уни амалга ошириш ишларини мувофикаштириб туриш;

- иктиносидий таълим соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чикиш ва амалга ошириш ишларини мувофикаштириб туриш;

- бозор иктиносидиёти бўйича дастурлар, ўкув-услубий материаллар, дарслеклар, ўкув кўлланмаларни яратиш, шунингдек етакчи хорижий иктиносидчиларнинг ўкув адабиётлари ҳамда монографияларини таржима килиш ва уларни республикада нашр этиш ишларини мувофикаштириб туриш;

- хорижий мамлакатларнинг иктиносидий таълим соҳасидаги университетлари, ўкув марказлари, таълим ва бошка тизимлари билан халқаро ҳамкорликни йўлга кўйиш ишларини мувофикаштириб туришдан иборат.

Бугунги кунда иктиносидиётни эркинлаштириш шароитида иктиносидчи мутахассислар тайёрлашнинг умумий мазмуни ва ўзига хос хусусияти шундан иборатки: - у бозор иктиносидиётининг фундаментал асоси;

- замонавий таълим тизимини ислоҳ килишнинг устувор йўналишларидан бири;

- аҳоли касб таълимининг обрўли соҳаси;

- узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғинларидан бири бўлиб хисобланади.

Мамлакатимизда иктиносидчи мутахассисларни тайёрлаш тизимини барпо этиш ва ривожлантириш тажрибаси катта илмий ва амалий қизиқиши уйготади, чунки у замонавий иктиносидий таълимнинг ахволини таҳлил килиш ва назарий жиҳатдан изоҳлаш, унинг узлуксиз касб таълими тизими билан уйғунлаштириш

ва самарали дидактик ривожланишни башорат килиш вазифаларини ҳал этиш имконини беради.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, - «Иктиносидиёт, сиёсат соҳасидаги барча ислоҳотларимизнинг асосий мақсади инсонга қаратилган. Мана шунинг учун ҳам миллый уйғони тоғасини амалга оширишга қобил янги авлодни тарбиялаш иши давлат иши, унинг устивор вазифаларидан бири бўлиб колади».¹

Бозор иктиносидиёти шароитида инсон меҳнати машина, материал ва капиталга ўхшаб ишлаб чиқарувчи омил ҳисобланади.

Кичик ишбилармонликда тасодифий ишчиларни ишга олиш жуда ҳам хавфли бўлиб, бу корхона учун зарар келтириши мумкин. Ишчиларни тўғри танлаш учун икки хил ички ва ташки чегара мавжуд.

Ички чегара – бу корхона ёки муассаса томонидан қабул килинган ва тадбик килинган меъёрdir.

Ташки чегара – бу ўз ичига конунлашган меъёрларни олган, регламентланган хужжатлардир, масалан, меҳнат ва меҳнатнинг санитария нормалари. Кадрлар бўлими ишининг мазмуни ишчиларни ишга ёллаш ва корхонанинг меҳнат резервларини саклаш ва ривожлантиришдан иборат.

У қуйидаги боскичларни ўз ичига олади:

- мутахассисларни масъулиятли мансабга танлаш;
- ишчиларни мансабга ёллаш;
- ишчиларни ишдан бўшатиш;
- мутахассисларни саклаш умумий режасини бажариш тизими.

Биринчи боскич қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Мансабга номзод бўлган шахслар ҳакида маълумот тўплаш;
2. Мутахассисларни ўз ишини бажара олишини текшириш;
3. Мансабга ҳар хил номзодларни кўйиб, солиштириш тахлилини ўтказиш;
4. Мансабга мос келадиган номзодни танлаш;
5. Мансабга тайёрлаш;
6. Ишининг ишбилармонлик ва шахсий сифатини текшириш учун синов ўтказиш муддатини аниклаш.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иктиносидий ислоҳотларни чукурлаш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995 йил.

² Гуломов С.С. Таъбиқорлик ва кичик бизнес. – Т.: Шарқ, 2002. 139-бет.

10.2. Иқтисодчи кадрларни иш билан таъминлаш ва меҳнат шартномасини тузиш

Ўзбекистон Республикасида чукур кенг кўламли ислоҳотлар амалиётга оширилаётган бир пайтда, замон талабларига жавоб берадиган олий маълумотли иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашга ихтисослаштирилган узлуксиз иқтисодий таълим тизимини шакллантиришга биринчи даражали ахамият берилмоқда. Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Биз кийин шароитда келажагимиз пойдеворини куриб олдик. Бунга ўрнимизга ёш авлод кандай баҳо беради, лойихаларимиз, ишларимизни тарозига солиб кўриб нима дейди, хар биримиз мана шу савонни дилга туғиб меҳнат килишимиз лозим. Менинг ишончим комилки, Ўзбекистон халки фаровон турмуш кечирадиган буюк давлат бўлади».

Келажаги буюк давлатни куриш тафаккури, дунёраши замон талабларига мос равиша ўзгарган мутахассисларимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир, хозирги кунда янгича фикрлайдиган, янги бозор шароитларида муваффакиятли хўжалик юритадиган юксак малакали, чукур билимли мутахассисларни тайёрлаш давр талаби ҳакиқат такозасидир.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашда улардаги бизнес ва тадбиркорлик талабларига етарли даражада кўникмалар хосил килиш максадга мувофиқдир. Бунинг учун хозирги кунда мамлакатимизда иқтисодий ихтисосликларнинг кенг турларини таклиф этадиган олий бизнес мактабларининг фаолият кўрсатаётганлиги алоҳида ахамиятга эгадир.

Ўзбекистон иқтисодиёгининг кўп укладлилиги кенг камровли иқтисодий муаммолар бўйича чукур билимга эга бўлган иқтисодчи мутахассисларга талабнинг кун сайин ортиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Шундай экан, макроиқтисодиёт ва давлат бошқаруви бўйича иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизими сифат жиҳатдан қайта ташкил этилиши зарур. Шунингдек, йирик тадбиркорлик ва бошқарув бўғини мутахассислари малакасини ошириш тизими ҳам ривожлантирилиши лозим.

Меҳнат Кодексида белгиланган конунлардан муҳими меҳнат шартномаси хисобланади.

Меҳнат шартномаси – бу корхона билан ишга олинадиган инсон ўртасидаги розилик бўлиб, бунда ишга олинган одам корхонанинг меҳнат тартибларига риоя килган ҳолда ўз вазифаларини бажариши керак. Корхона эса

унга мөхнат конунига биноан иш ҳаки тўлайди ва мөхнат шароитини таъминлаб беради.

Мөхнат шартномаси оғзаки ва ёзма ҳолда тузилиши мумкин. Битим ва конкурс асосида ишга олинишга караб мөхнат шартномалари хам турли хил бўлади.

Иш кучини таксимлашнинг учинчи босқичи – бу ишдан бўшатишдир. Бу мөхнат конунлари ва корхонанинг ички шартларини хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Агар мөхнат шартномасида ишчи билан корхона ўртасида келишилган муддат тугаган бўлса, унда ишчи конун асосида ишдан бўшатилади.

Узрли сабабларга кўра ишдан бўшатиш ўзига хос яқинлашувни талаб килади, бунда маъмурий бошқарув аппарати ишчи ариза бермагунча, уни ишдан бўшатишга ҳакли эмас. Мөхнат шартномасида шундай шартлар борки, агар, улар бажарилмаса, маъмурий бошқарув органи ишчини бўшатишга ҳаклидир.

10.3. Вазифаларни мансабга кўра таксимланиши

Мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар, шу жумладан, иктисадчи мутахассисларни тайёрлашни ўз олдига максад килиб кўйган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ўзининг бир катор афзалликлари билан мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий тараккиётiga сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Кескин ўзгаришлар билан характерланадиган бозор иктисадиёти шароитида ҳар жихатдан ракобатбардош мутахассисларни тайёрлаш учун асос бўла оладиган мукаммал стратегияни ривожлантириш муаммоси долзарб аҳамиятга эга. Мутахассислар тайёрлашни ривожлантириш стратегияси ҳар кандай ўзгарувчан вазиятга мослаша оладиган ва самарали фаолият кўрсата оладиган етук малакали мутахассисларни тайёрлашни ўз олдига асосий максад килиб кўяди. Бу максадга эришиш учун амалга ошириладиган барча турдаги тадбирлар хам ушбу стратегияда ўз ифодасини топади ва улар стратегиянинг асосий бўлинмалари хисобланади.

Фирма ёки корхонани ташкил килишдан аввал менежерлар, ишчилар ва хизматчиларнинг иш фаолиятига тегишли бўлган вазифаларни кандай таҳсилашни ўйлаб чиқиш зарур. Умумий фаолият юритувчи бўлимлар вазифалари бўйича гурухларга бўлинади. Бунга кўра, ишлаб чиқариш, сотиш, пул билан таъминлаш ва бошқариш бўлимлари амалда бўлиши мумкин. Бу

бўлимлар бир-бири билан узвий боғлик бўлиб улардаги ишчилар ҳамкорликда фаолият юритишади.

Вазифаларни тақсимлашнинг моҳияти шундаки, раҳбар ўз кўл остидагиларга баъзи бир масалаларни ечишда тўла харакат эркинлигини бериб кўяди, яъни, ўзининг хукуқ ваа мажбуриятининг бир кисмини уларга ишониб топширади, аммо тўла жавобгарликни раҳбарнинг ўзи олиб боради.

Вазифаларни таксимлашнинг фойдали томони шундаки, у жамоада ижодий меҳнат вазиятини вужудга келтиради. Вазифанинг маълум кисмини олган ишловчи мустакил бир бўлим бўйича масъулиятни ўзига олади ва раҳбар олдида унинг учун жавоб беради, бу эса, ўз-ўзидан ходимларни меҳнатга ижодий ёндошишга сафарбар килувчи омилдир.

10.4. Иктисадчи кадрлар кўнимсизлигини камайтириш усуллари

Маълумки, мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида мутахассисларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш муаммолари хал этилмоқда. Шу нуктаи назардан келиб чиқкан ҳолда, биз мутахассисларни тайёрлашни ривожлантириш стратегиясини икки кўринишига бўлиб ўрганамиз. Биринчиси, давлат даражасидаги мутахассисларни тайёрлашни ривожлантириш стратегияси бўлиб, бу бевосита юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» кўринишида намоён бўлмоқда. Иккинчиси эса, алоҳида тармоқ, корхона ёки ташкилот даражасидаги мутахассисларни тайёрлашни ривожлантириш стратегиясидир.

Кадрлар кўнимсизлиги деб – маълум вакт оралиғида ўз хошишлари ва маъмурият қарори билан ишдан бўшаган ишчи-хизматчилар сонининг текширилаётган вакт оралиғида корхонадаги ишловчиларнинг ўртача умумий сонидаги салмоғига айтилади. Кўпинча кадрлар кўнимсизлиги ишчи ва хизматчиларни мутахассислиги бўйича ишдан бўшатиш билан боғлик бўлади. Бу эса ўз навбатида баъзи бир салбий оқибатларга олиб келади – жумладан, янги ишловчини қабул килиш ва ўқитиш билан боғлик кўшимча харажатлар килиш зарурати келиб чиқади.

Хозирги замон меҳнат амалиётида кадрлар кўнимсизлигини камайтиришнинг қуйидаги усуллари кўлланилмоқда:

- ишчилар иш жойларини кенгайтириш;
- меҳнатни сифат жиҳатидан бойитиш;
- иш вактини мослашувчан шаклда ташкил этиш;
- меҳнат гигиенасини яхшилаш;

- юкори сифатли ва унумли меҳнат учун меҳнатга ҳак тўлашнинг илгор усуllibарини кўллаш ва бошка рағбатлантириш тадбирларини амалга ошириш;
- ишловчилар ўртасидаги меҳнат можароларини ҳал этишда оддий усуllibардан фойдаланиш.

Шундай килиб, корхона раҳбарларининг ишловчиларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб қилиши, жамоада яхши руҳий икlim ўрнатиш ва меҳнатдан манфаатдорликни ошириш кадрлар кўнимсизлигига карши курашнинг усуllibаридан деб каралади.

Қисса холоса

Мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар, шу жумладан, иктисадчи мутахассисларни тайёрлашни ўз олдига мақсад килиб кўйган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ўзининг бир катор афзалликлари билан мамлакатимиз ижтимоий-иктисадий тараккиётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Шу нуктаи назардан келиб чикиб, ушбу бобда иктисадчи кадрларни танлашдаги ички ва ташки чегара, корхона ва фирма ва унинг меҳнат резервлари, иктисадчи кадрларни иш билан таъминлаш, меҳнат шартномасини тузиш, вазифаларнинг мансабга кўра таксимланиши, кадрлар кўнимсизлигини камайтириш ва унинг усуllibари бўйича материаллар берилган ва энг асосийси талabalарга ишонарли тарзда баён қилинган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Иктисадчи кадрларни танлашдаги ички ва ташки чегара қандай бўлиши керак?
2. Корхона ва фирманинг меҳнат резервлари ҳакида гапиринг?
3. Иктисадчи кадрларни иш билан таъминлаш қандай амалга оширилади?
4. Меҳнат шартномаси деганда нимани тушунасиз?
5. Вазифаларни мансабга кўра таксимланиши Сизнингча қандай бўлади?
6. Иктисадчи кадрлар кўнимсизлигини камайтириш усуllibарини гапиринг?

7. Тадбиркорлик муносабатларини тартибга солувчи қандай конунларни биласиз?
8. Корхона деганда нимани тушунасиз?
9. Корхоналаларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: «Шарқ», 2002.
2. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иктисодиёт назарияси. - Т.: «Молия», 2002.
3. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: «Мехнат», 2000.
4. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иктисодий педагогика (Ўқув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2002.
5. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: «Университет», 1998.
6. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
7. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. - Москва. Академия, 2004 .
8. Н.Хўжаев ва бошкалар. Педагогика асослари. - Т.: ТДИУ, 2003 .
9. www.school.edu.ru.
10. [www. bilimdon. uz](http://www.bilimdon.uz). - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг асосий веб сайти.

XI боб. ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДЧИННИНГ АХЛОҚИЙ ҚОИДАЛАРИ ВА АХЛОҚИЙ МЕЬЁРЛАРИ

1. *Бизнесменнинг ахлоқ кодекси.*
2. *Замонавий иқтисодчининг ўн сифати.*
3. *Замонавий иқтисодчининг одоб ва ахлоқий меъёрлари.*

11.1. Бизнесменнинг ахлоқ кодекси

Тадбиркор фаолияти факат тадбиркорликнинг хукукий ва ташкилий асосларига боғлиқ бўлмасдан, у инсонлар, ўзининг кўл остида хизмат килувчи мутахассислар ва ишчилар, айниқса, чет эллик ҳамкаслари – бизнесменлар доирасида умумахлоқий меъёрларга риоя килиши билан ҳам баҳоланади. Ишдаги муваффакиятнинг ярмидан кўпроғи унинг одобига, маданиятига, дунёкарашига, ишбилармонлик қоидаларини кай даражада билишига бевосита боғлиқдир.

Умуман, тадбиркорлик – бу маданият. Айтишларига караганда:

Маданиятни одам тадбиркор бўлиши шарт эмас, аммо тадбиркор инсон маданиятни бўлиши лозим.

Арасту ўз замонасида биринчи бўлиб ахлок тўғрисида галириб:

Ахлоқ - нимани қилишимиз ва нимадан ўзимизни тийишшимиз кераклигини аниқлашимизга ёрдам беради деган эди. Президентимиз И.Каримов ахлок тушунчасига куйидагича таъриф берди:

Ахлок маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчалик салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлок бу, аввало, инсоф ва адолат туйгуси, иймон, ҳалоллик дегани.

Дарҳакиқат, ахлок биз учун – аввало, инсоний муносабатларни, шунингдек, инсонларнинг феъл-атворларини, уларнинг қанчалик макбул нуқтаи-назардан кўриб чикишга ва баҳолашга имкон берувчи билим соҳасидир.

11.2. Замонавий иқтисодчининг ўн сифати

Тадбиркор бўлиш учун туғма қобилиятта эга бўлиш керак, деган фикр кўп вактлардан бери хукм суриб келди. Аммо эндиликда, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар ким ҳам тадбиркор бўлиши мумкинлигини кўплар тан олмокда. Хўш, бунинг учун нима қилмоқ керак?

Бу саволга тўла-тўқис жавоб бериш кийин. Аммо фикримизча, ҳозирги замон тадбиркори қуйида келтирилган ўн фазилатга эга бўлиши керак.

1. Ҳалоллик ва ростгўйлик.

Бу тушунчалар тадбиркорликнинг асоси бўлиб, ҳалол фойда олиш ва ишда яхши муносабатлар ўрнатишнинг бирдан бир шартидир.

Тадбиркор биринчи галда ишнинг кўзини биладиган, ҳалол ва харомнинг фаркига борадиган шахс бўлишлари керак. Сабаби, тадбиркор канчалик ҳалол ишласа, маҳсулотлари сифатли бўлса, бозорда унинг мавкеи баланд, маҳсулотлари шунча харидоргир бўлади.

2. Мажбурийлик, сўзсиз бажаришилик.

Тадбиркор қачон ўз сўзининг устидан чикса, ваъдасида турса ва берилган топширикларни бажарсагина иши ўнгидан келади. Сўзининг устидан чикиш, келишилган шартномада кўрсатилган мураккаб ва оддий оғзаки вазифаларнинг бажарилишини ўз ичига олади. Ҳакикий тадбиркор ўз мижозини алдамаслиги керак.

3. Масъулиятли бўлиш.

Ҳакикий тадбиркор қилмиши учун ўз пули ёки маблаги билан жавоб беради. Агар у айбдор бўлса, йўл кўйган хатосини тузатиши, кўрилган зарарни коплаши лозим.

4. Бошқалар билан муносабат чогида уларга нисбатан ҳурматда бўлиши.

Хушмуомалали, одобли бўлиш ва кишилар билан сўзлаша билиш – бу санъат. Тадбиркор бошқаларга шундай муносабатда бўлиши керакки, унга бошқалар ҳам худди шундай муносабат билан жавоб қайтаришсин.

5. Конунга итоат қилиши.

Тадбиркор бўлиш истагида юрган ҳар бир киши конун ва бошқа хукукий хужжатларга итоат килиши, уларни лгишмай бажариши шарт. Конун талабларидан чекиниш қонунчиликни бузиш хукук-тартиботга, пировардида эса давлат томонидан кўрикланадиган манфаатлар ва ўзаро муносабатларга тажовуз килиш демакдир.

6. Сахий, хайр-эҳсонли бўлиши.

Халқка хайр-эҳсон килиш энг улуғ фазилат. Саховатли, сахий тадбиркор шундай кишики, бирор нарса сўрамай туриб, олдиндан ҳадя қилиб улашади. Саховатнинг асли – бу очик кўллилиkdir.

7. Инсофли бўлиши.

Инсоф – бу адолат ва виждан амри билан иш тутиш туйгуси ва кобилияти, ишда, кишилар билан муносабатда. Ўзгани ўз ўрнига ёки ўз ўрнига ўзгани хаёлан кўриш ҳам инсофга киради.

8. Вазмин ва сабрли бўлиш, эҳтиросларга берилмаслик.

Баъзи шошма-шошар тадбиркорлар шошқалоклик ёки шумлигидан пушаймонлик чуқурига йикиласдилар, ўйламасдан шошилиб иш бошлаганлар бало гирдобига фарқ бўладилар.

Аклли, тажрибали ва вазмин тадбиркорлар эса тадбир ва сабрни ўзларига йўлдош килиб оладилар, енгилтаклиқ ва эҳтирослардан хазар киласдилар.

9. Хизмат этикасига риоя қилиши.

Энг аввало, ҳукуматга хурмат билан каранг. Давлатнинг иктиносидий, сиёсий ва ижтимоий сиёсатини ўзингизнин асосий қуролингиз килиб олинг ва уларга риоя килинг.

10. Ўз ишининг мутахассиси бўлиш.

Биз шундай даврда яшайпмизки, бунда факат мутахассисгина факат ўз ишининг устасигина обрў-эътибор топади. Шунинг учун мутахассис бўлинг. Бугунги кун учун ушбу сўзлар долзарбдири: каерда аниқ максад бўлса, ўша ерда йўл ҳам бор. Янги гоя кетидан кувиб келаётган ишни қолдириш беъманилик, факат тинимсиз меҳнат натижасидагина яхши гоя юзага келади.

Шундай килиб, тадбиркор бўлишга аҳд қилган ҳар бир киши, ўзининг имкониятлари, қобилияtlари, шу жумладан, ўз изланувчанлик қобилиятини хамда юкорида қайд килинган сифатларнинг ўзида мавжудлигини аниқ ўлчай билиши керак.

11.3. Замонавий иктиносичининг одоб ва ахлоқий меъёрлари

Бугунги кунда Ўзбекистон буюк бурилиш ва тараккиёт даврини ўз бошидан кечирмоқда. Бундай сифат ўзгаришлар даври ахлоқий тарбиянинг мазмuni, максади ва вазифаларини янада бойитишни, бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиккан ҳолда ўрганишни талаб этади. Ахлоқий тарбиянинг бош максади – мустакиллик гояси асосида бўлажак иктиносич-педагогларни тарбиялаш боришидир. Албатта, миллий истиқлол мағкураси ҳалқимизнинг азалий анъаналрига, удумларига, дилига, рухиятига асосланган ҳолда ҳар бир талабага меҳр-оқибат, инсоф, адолат, ҳакиқат, виждонийлик каби ахлоқий хис-туйғуларни сингдириб боришга каратилган. Бу фазилатлар ахлоқий тарбия мазмунига қадим-қадимдан киритилган бўлсада, бугунги кунда уларни янада ривожлантириш талаб этилмоқда.

Ҳамма замонларда ҳам жамиятда яшаган одамлар ўртасида юриш-туриш, ўзини тутиш, муомала килиш, ўзаро муносабатда бўлиш билан, хаёт максади ва манфаатлари билан боғланган маънавий коидалар мавжуд бўлган. Бу маънавий

коидалар, одоб ва ахлок меъёрлари одамлар калбидан хаёт тажрибаси, зарурияти ва эҳтиёжлари асосида шаклланиб, уларнинг фаолияти, хатти-харакатида кўзга ташланадиган ахлок нормасига айланган. Ахлок инсон маънавиятининг ўзаги, энг олий белгисидир.

Ахлок кишиларнинг бир-бирига, оиласга, жамиятга, ватанга, табиатга нисбатан бўлган, маънавий асосланган, адолат мезонларига таянган муносабатларининг муайян тизимини ифодалайди. Кишилар ўзининг тарихий тарақкиёти жараённида ахлок нормалари тизимини яратибгина колмаган, балки уларни илмий асослашга, ривожлантиришга харакат килиб келганлар.

Мутафаккирларнинг фикрича, ахлок одамлар ўртасидаги муносабатларнинг бирлик, бирдамлик, ахиллик, ҳамкорлик, ҳамдардлик сингари маънавий омиллар билан боғланган шаклларидир. Шу сабабли хам ахлок ва одоб нормаларининг шаклланиши ва ривожланиши жамият тарақкиётининг асосий шартларидан бири бўлган.

Тадбиркорликда хам ахлок ва одоб меъёрлари мавжуд. Тадбиркор фаолияти факат тадбиркорликнинг ҳуқукий ва ташкилий асосларига боғлик бўлмасдан, балки у инсонлар, бизнесменлар, хизмат кибувчи мутахассислар доирасида хам ахлок меъёрларига риоя килиши билан хам белгиланади.

Бугунги кунда бозор иктисодиёти шароитида факат ўз касбини пухта билган, маданиятли, одобли тадбиркорларгина обрў-эътибор козонади хамда тадбиркорликнинг конун-коидаларини атрофлича билиши талаб этилади.

Қисса хулоса

Бугунги кунда Ўзбекистон буюк бурилиш ва тарақкиёт даврини ўз бошидан кечирмоқда. Бундай сифат ўзгаришлар даври ахлокий тарбиянинг мазмуни, максади ва вазифаларини янада бойитишни, бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиккан ҳолда ўрганишни талаб этади. Ахлокий тарбиянинг бош максади – мустакиллик ғояси асосида бўлажак иктисадчи-педагогларни тарбиялаш боришидир. Албатта, миллий истиқлол мафкураси ҳалқимизнинг азалий анъаналрига, удумларига, дилига, руҳиятига асосланган ҳолда ҳар бир талабага меҳр-оқибат, инсоф, адолат, ҳакикат, вижданнийлик каби ахлокий хис-туйғуларни сингдириб боришга каратилган. Ушбу бобда бизнесменнинг ахлок кодекси, замонавий иктисадчининг ўн сифати, иктисадчининг ахлокий коидалари, иктисадчидаги ахлокий баркамоллик, иктисадчининг одоб ва ахлокий меъёрлари хусусида фикр билдирилган ва бу мавзу бўйича талабаларга ишонарли тарзда маълумотлар берилган.

Ўз-ўзини назорат ва мухокама килиш учун саволлар:

1. Бизнесменнинг ахлок кодекси нима?
2. Замонавий иктисодчининг ўн сифатини гапиринг?
3. Замонавий иктисодчининг ахлокий қоидаларига нималар киради?
4. Иқтисодчидаги ахлокий баркамоллик деганда нимани тушунасиз?
5. Замонавий иктисодчининг одоб ва ахлокий меъёрларини кўрсатинг?
6. Тадбиркорнинг ўн сифати нималардан иборат?
7. Вазмин ва сабрли бўлиш, эҳтиосларга берилмаслик тушунчасини таърифлаб беринг?
8. Тадбиркорлик фаолиятига оид гоя топинг?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Тожибоева Д. Иктисолиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси (Ўкув кўлланма). – Т.: Молия, 2003.
2. Эгамбердиев Э., Хўжамкулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик.-Т.: Маънавият, 2003.
3. Янчевский В.Г. Менеджмент, маркетинг, бизнес. Деловым людям о предпринимательстве. – М.: 1992.
4. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: «Университет», 1998.
5. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
6. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. - Москва. Академия, 2004 .
7. Н.Хўжаев ва бошжалар. Педагогика асослари. - Т.: ТДИУ, 2003 .
8. www.school.edu.ru.

XII боб. ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДЧИННИГ ШАХСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

1. Замонавий иқтисодчининг шахсий фазилати.
2. Иқтисодчининг шериклари билан ўзаро алоқаси.
3. Замонавий иқтисодчининг умумижтимоий сифатлари.
4. Замонавий иқтисодчида шахсий хусусиятларни шакллантириш йўллари.

12.1 Замонавий иқтисодчининг шахсий фазилати

Замонавий иқтисодчи шахсий сифатларининг структуравий моделини икки хил тизим кўринишида намойиш килиш мумкин. Биринчи модельда иқтисодиётнинг умумижтимоий сифатлари келтирилади. Иккинчи модельда эса қасб сифатлари йигиндиси келтирилган. Биринчи модель доимо муваффакиятга эришаётганларнинг шахсий тавсифини ажратиб кўрсатишига ёрдам беради, булар:

- а) доимо имконият кидириш ва ташаббускорлик;
- б) кўйилган максадларга эришишда сабот ва матонат;
- в) самарадорлик ва сифатта томон тинмай харакат килиш;
- г) максадга қараб интилиш, киска муддатли масалалар ечимини олдиндан кўра билиш;
- д) замонавий иқтисодчи нафакат ўз соҳасини, балки мумкин кадар бошқа соҳаларни ҳам узлуксиз таҳлил килиш ва олдиндан кўра билиш.

Замонавий иқтисодчи мижозлари билан алока ўрнатишида қуйидагиларни бажариши зарур:

- ишонтириш ва алока боғлаш кобилияти;
- мустакиллик ва ўзига ишониш;
- дарров илғаб олишлик ва аввал тўпланган билимларни янги ўзлаштирилгани билан боғлаш;
- фаолиятнинг танланган соҳасида мураккаб ишни шахсар бажара олишликка тайёр бўлишлик.

Умуман олганда, иқтисодчи бўлишга аҳд килган киши, ўзининг имкониятлари, кобилиятлари, шу жумладан ўз изланувчанлик қобилиятини аник ўлчай билиши керак.

12.2. Иқтисодчининг шериклари билан ўзаро алоқаси

Ишдаги муваффакият маълум даражада иқтисодчининг шериклари билан алоқаси канчалик тўғри тузилганлигига боғлик. Шерик деб, бирор бир биргалиқдаги фаолиятнинг иштирокчисига айтилади. Бир ёки бир неча иқтисодиётга оид лойихаларини ҳамкорликда амалга ошираётган корхона ва ташкилотлар ҳам шерик бўлишлари мумкин.

Иқтисодчининг шериклари билан алоқаларини мустахкамлашда қуйидагилар катта аҳамиятга эга:

- умумий ғояга кизиккан ва уларни амалга оширишга тайёр бўлган шериклар билан алоқа ўрнатиш. Шерикларни маънавий кўллаб-куватлашлари учун эмас, балки, биргалиқда унумли ишлаш учун танлаш керак.
- қариндош ва дўстлар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор бериш керак;
- бошлиқ билан тузилган келишув шартларига каттиқ риоя килиниши керак;
- ҳақ тўлаш шартлари;
- ижтимоий имтиёзлар (берилган бўлса);
- ишдан ўз хоҳиши билан ёки турли хилдаги ножӯяликлар оқибатида бўшагандан ўз улушини олиш ва хоказолар таъминланади.

12.3. Замонавий иқтисодчининг умумижтимоий сифатлари

Замонавий иқтисодчининг умумижтимоий сифатларига: маънавий сифатлар, ижтимоий, рухий ва табиий-генетик сифатлар киради.

Маънавий сифатлар – бу иқтисодчи фаолиятида зарур бўлган сифатлардан бўлиб, унга тадбиркорнинг дунёкараши, тарбияси, эътиқоди кабилар киради.

Ижтимоий-руҳий сифатлар – бу иқтисодчининг жамиятга фойдали бўлишини таъминловчи, унга табиат томонидан берилган сифатлардир.

Замонавий иқтисодчининг қасб сифатларига қуйидагилар киради: ишни миридан-сиригача билиш, интеллектуал-иродавий, ташкилотчилик сифатлари.

Ишни миридан-сиригача билиш – бу кишини лавозимга сайлашда энг мухим бўлган сифатdir.

Компетентлик – дегани иқтисодчининг бирор масалани ечиш юзасидан ва тажрибанинг етарлилиги ва ҳукукий жиҳатдан асосланиши, яъни масалани ҳал қилишга ҳакки борлигини билдиради. Шунинг учун иқтисодчи ҳукук,

тадбиркорлик, менежмент, маркетинг асослари соҳасида маҳсус билимларга эга бўлиши керак.

Интеллектуал иродавий сифатлар – бу замонавий иктиносодчининг акли, иродаси, сабот ва матонати каби сифатларни ўз ичига олади. Ташкилотчилик сифатларига эса иктиносидиётни бошқариш, ишчи-хизматчиларни ишга ёллаш, уларни ишонтира олиш ва илҳомлантириш каби сифатлар киради.

Замонавий иктиносодчининг шахсий сифатлари таркибини яна қуидаги сифатлар билан тўлдириш мумкин: одамлар билан ишлай олиш тажрибаси, олий маълумот хажмидаги маҳсус билимлар, ижодий фаоллик, вазиятга баҳо бера олиш, келажакни кўра олиш ва бошқалар. Аммо юкорида кайд килинган ҳамма сифатларга эга бўлган тўқис бир иктиносидини топиш кийин, чунки, одатда, бир кишида бундай хислатларнинг ҳамма жамул-жам бўлиши мумкин эмас.

12.4. Замонавий иктиносодчида шахсий ҳусусиятларни шакллантириш йўллари

Тадбиркорлик ва бизнесга нисбатан минглаб ватандошларимизнинг майший онг даражасидаги салбий муносабатларига бир неча ўн йиллар хукмронлик қилган ғоявий, сиёсий, маънавий қоидаларнинг бизнесни ярамас, уятли машғулот даражасига тушириб қўйиши бўлди. Тадбиркорлик ва бизнесга бу каби муносабат, шунингдек, бизнеснинг коронги томонлари: олибсатарлик, истеъмолчиларни алдаш, очикдан-очик ноҳақ битимларни амалга ошириш ва қоказолар оқибатидир.

Шунга қарамай, тадбиркорлик ва бизнес фаолиятининг ҳозирги тараққиёт даврида тадбиркорлик ва бизнесга нисбатан жамоат фикрининг ўзгараётганини кузатиш мумкин. Тадбиркорлик ва бизнес барча жамият тизимларида юксалиб борувчи коникмаслик хиссининг ифодаланиши сифатида каралади. У барча ижтимоий катламлар орасида муросачиликни таъминлайди, чунки у ижтимоий маҳсулотни кўпайтириш ва уни турли ижтимоий катламлар ўртасида тўғри таксимлаш имконини беради.

Бугунги кунда иктиносидиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик ва бизнес ривожланиб, қуидаги ижобий натижаларга эришишга сабаб бўлади:

- ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни турли ахоли катламлари ўртасида ҳакконий меъёрлар устунлигига таксимлаш;

- ишсизлик даражасини камайтириш, меҳнатга кобилиятсизлар ёки бегараз сабабларга кўра унумсиз ишловчи аъзоларга маблағ ажратиб, уларнинг етарлича кун кечириш даражасини таъминлаш;
- паст даромадли шахслар сотиб олиш кобилиятининг турғунилигини таъминлаш;
- инсоннинг асосий хукукларининг, айниқса шахснинг эркин тараккӣ топиши ва уни иктисодий тараккиёти учун тенг имконияти билан таъминланиш хукукларининг жорий килинишини таъминлаш;
- иктисодий ва ижтимоий тоифадаги гурухий манфаатларга риоя килиш ва уларни тараккӣ топтириш, якка шахс ва жамият, иш берувчи ва ишловчилар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар манфаатларининг ўзаро мослашувини таъминлаш.

Бозор иктисодиёти шароитида тадбиркорлик ва бизнес хулк-авторга, фаол йўл-йўриклар, коидалар ва бошқа хатти-харакатни тартибига солиш курилмалари билан узвий боғлиқдир. Унда эркин танланган ҳаётий позиция (холат), шахс олдида мустакил ахлоқий танловнинг мавжудлигини назарда тутувчи эркин танлаб олинган ҳаётий вазият гавдаланади.

Бизнингча, жамиятнинг ўз олдига кўйган мақсадини келажакда амалга оширадиганлар ёшлар, яъни бугунги куннинг замонавий иктисодчилариdir. Демак, жамиятнинг келажаги кандай бўлиши кўп жихатдан уларнинг интеллектуал ва ахлоқий жихатдан қай даражада камол топишларига ҳамда шахсий хусусиятларига бевосита боғлиқдир.

Хозирги даврда бозор иктисодиёти дунёнинг кўпчилик мамлакатлари учун хос бўлиб, у турли мамлакатларда хар хил даражада ва ўзига хос хусусиятлар билан амал қилмоқда ва ривожланмоқда. Бу иктисодиётнинг амал қилиш механизми кўплаб асрлар давомида таркиб топиб, шаклланиб, хозирги даврда маданийлашган шаклни касб этди ва кўпгина мамлакатларда хукмон иктисодий тизимга айланди.

Бозор иктисодиёти – бу товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи конун-коидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иктисодий тизимдир.¹

Бугунги кунда бозор иктисодиёти шароитида тадбиркорликнинг ривожланиши, ўз навбатида бир катор шароитларининг мавжуд бўлишини такоза этади, улар асосида умуман товар ишлаб чиқаришнинг умумий ижтимоий-иктисодий шарт-шароитлари ётади.

¹ Тожибовса Д. Иктисодиёт назарияси. – Т.: «Ўқитувчи», 2002. 64-бет.

Биринчидан, тадбиркор хўжалик юритишда унинг бирор турини танлаш, ишлаб чикариш жараёнини амалга ошириш, уни ўзгаришларга мослаштириш, манбаларни танлаш, ресурс топиш, маҳсулот сотиш, уларга баҳо белгилаш, фойдани тасарруф килиш ва шу кабилар бўйича маълум хуқук ва эркинликлар мавжуд бўлишини такоза этади.

Иккинчидан, тадбиркор ишлаб чикариш воситаларига, ишлаб чикарилган, маҳсулот ва олинган даромадга мулкчилик хукукига эга бўлиши керак. Тадбиркорлик фаолияти мулкдорнинг ўзи томонидан ҳам, унинг мол-мулки асосида иш юритувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Шунингдек, тадбиркорлик хулк-атворга, фаол йўл-йўриклар, коидалар ва бошқа хатти-харакатни тартибга солиш қурилмалари билан ҳам узвий боғлиқларидир.

Тадбиркорлик юкоридан белгиланувчи катъий рухсат – таъкиклар билан боғлиқ эмас. Бу ўз шахсини кўрсатишга харакат килиш билан боғлиқ ижодий фаолиятдир. У иш манфаати учун ўзини-ўзи тарбиялаш ва чеклашга, бурч хисси ва шахсий ахлоқий жавобгарликка асосланган бўлади.

Демак, тадбиркорлик фаолияти ахлоқий бурч, танлаш ва унинг учун шахсий жавобгарлик каби тадбиркорнинг ҳаёт тарзи ва ҳаётнинг мазмунига айланган тушунчалар билан узвий боғланган. Тадбиркорнинг бурчи – фақат «вексель бўйича яъни ҳақдорлар олдида «тўғрилик», ўзининг шартномавий мажбуриятларига содик қолиш бўлмасдан, балки инсоннинг ўз олдида эркин шахс сифатида хис килиши ҳамдир.

Қисса хулоса

Бозор иктисодиёти шароитида тадбиркорлик ва бизнес хулк-атворга, фаол йўл-йўриклар, коидалар ва бошқа хатти-харакатни тартибга солиш қурилмалари билан узвий боғлиқларидир. Унда эркин танланган ҳаётий позиция (холат), шахс олдида мустақил ахлоқий танловнинг мавжудлигини назарда тутувчи эркин танлаб олинган ҳаётий вазият гавдаланади.

Ушбу бобда замонавий иктисодчи ва унинг шахси фазилати, иктисодчининг шериклар билан ўзаро алоқаси, замонавий иктисодчининг умунижтимоий сифатлари, иктисодчидаги шахсий хусусиятларни шакллантириш хусусида атрофлича фикрлар баён қилинган.

Ўз-ўзини назорат ва мухокама қилиш учун саволлар:

1. Замонавий иктиносидчининг шахсий фазилатини таърифлаб беринг?
2. Иктиносидчининг шериклари билан ўзаро алокаси қандай бўлиши керак?
3. Замонавий иктиносидчининг умумижтимоий сифатларига нималар киради?
4. Замонавий иктиносидчидаги шахсий хусусиятларни шакллантириш қандай амалга оширилади?
5. Замонавий иктиносидчи қандай талабларга жавоб бериши керак?
6. Музокараларда тадбиркор нималарга кўпроқ эътибор бериши керак?
7. Замонавий иктиносидчининг маданияти деганда нимани тушунасиз?
8. Мехнат шартномасини таърифлаб беринг?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. Олий таълим менежменти ва иктиносидиёти. – Т.: Молия, 2002.
2. Тожибоева Д. Иктиносидиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси (Ўқув кўлланма). – Т.: Молия, 2003.
3. Хўжаев Э., Юнусова Р., Ражабов Э. ва бошкалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. – Самарканд, 1997.
4. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Х. Кичик бизнес ва тадбиркорлик.-Т.: Маънавият, 2003.
5. Педагогика профессионального образования. Подред. В.А. Сластенина.-Москва. «Академия», 2004.
6. Е.Н.Пронина, В.В.Лукашевич. «Психология и педагогика». Учебник для студентов ВУЗов.-М.: «Элит», 2004.
7. Ў. Толиков, М.Баракаев, Ш.Шарипов. Кафбий педагогика.-Т.: ТДИУ, 2001.
8. Н.Хўжаев, Ж.Хасанбоев. Иктиносидий педагогика.-Т.: ТДИУ, 2002.
9. www.inter-pedagogika.ru.

XIII боб. МЕҲНАТИНГ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

1. Замонавий иқтисодчи меҳнатига қўйиладиган талаблар.
2. Иқтисодчини моддий ва маънавий рагбатлантириши тартиби.
3. Замонавий иқтисодчи меҳнатига ҳак тўлашнинг изжтимоий, маънавий ва моддий асоси.
4. Замонавий иқтисодчи меҳнатини рагбатлантиришининг педагогик-психологик асослари.

13.1. Замонавий иқтисодчи меҳнатига қўйиладиган талаблар

Республикамизда демократик ва бозор ислоҳотлари талабларидан келиб чиқкан ҳолда, кадрлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини камраб оладиган маҳсус миллий дастур ишлаб чиқилаётганлиги алоҳида эътиборга сазовардир.

Ҳозирги мураккаб ўтиш даврида, мамлакатимизнинг ҳар жиҳатдан ривожланиши ва мавжуд қийинчиликларни енгиг ўтиши самарали иқтисодий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва амал қилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Президентимизнинг бевосита ташабbusлари билан олиб борилаётган иқтисодий сиёсат ўзининг бир катор ўзига хос ҳусусиятлари ва устувор жиҳатлари билан мамлакатимизда мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан имкон кадар самарали фойдаланиш, уни жаҳон мамлакатларининг илғор тажрибаларидан келиб чиқкан ҳолда тежамкорлик ва ракобатбардошлиқ тамоилларига таянган ҳолда қайта такомиллаштириш, шунингдек мамлакат иқтисодиётини чукур интеграциялашув асосида ривожлантириш кабилар учун етарлича имкон яратмоқда. Бирок, мамлакатда замонавий шароитларда самарали фаолият кўрсата оладиган ҳамда тадбиркорлик билан ҳар кандай иқтисодий фаолиятни муваффакиятли ташкил эта оладиган мутахассисларнинг етарли даражада эмаслиги иқтисодий ривожланиш моделини самарали амал қилишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бу эса, иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш тизимини янги тамоиллар асосида ривожлантиришни нихоятда долзарблигидан далолат бермоқда.

13.2. Иктиисодчини моддий ва маънавий рағбатлантириш тартиби

Бошқарув фаолиятининг муваффакияти кўп жихатдан раҳбар ходимларни меҳнатга манфаатдорона муносабатини уйгота билишига боғлик. Меҳнатга кизиктириш тизими ходимда ўз касбий фаолияти натижасидан фаҳрланишини уйғотадиган бўлиши керак.

Меҳнатни рағбатлантириши тартиби қандай? Бу – мужассама ижтимоий-иктиисодий, этик, педагогик-психологик шартлар, кишилар онгида меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, юқори натижаларга эришишга интилишни шакллантириш максадида йўналтирилган шакл ва усулдир.

Демак, биринчи ўринда кишилар онгига таъсир, яъни меҳнатга кизиктиришнинг психологик усуслари туради. Куйидагилар шундай усуслар хисобланади:

- асосий эҳтиёж ва манфаатларни кондириш усули;
- рағбат ва асослар биргаликда таъсир этиш усули.

Эҳтиёжлар ва манфаатлар иктиисодчиларни харакатга ундаиди, хатти-харакатини асослайди ва муайян йўналиш бағишлайди. Лекин фаолиятга тайёргарлик аник кўринишга эга бўлиши учун рағбат ва асослар биргаликда харакатланиш усули амалга ошиши керак.

Куйидагилар иктиисодчи-тадбиркорлар меҳнат фаолиятида энг барқарор асослар бўлиши мумкин: пул топиш иштиёқи, шахснинг ўзини кўрсатиши, Ватанини юксакка кўтариш, хукукий ёки ахлоқий жихатдан кораланишдан кўркиш.

Замонавий иктиисодчининг меҳнатга онгли муносабатда бўлишининг психологик асоси – шахсий манфаатдорлик бўлиб, эҳтиёж ва манфаатларга тааллукли максадларни амалга оширишdir. Шахсий манфаатдорликни уч бурчак тарзила тасаввур килиш мумкин. Унинг бир томони – ижтимоий манфаат (меҳнатга ҳак тўлаш), иккинчиси – маънавий манфаатлар. Ҳар бир томон қанчалик узун бўлса уч бурчак эгаллаган майдон шунча катта, десак инсон шахсий манфаатдорлиги ҳам, яъни;

- моддий ва маънавий рағбатлантириш бирлигини таъминлаш лозим;
- рағбатлантириш ва жазолаш кишиларни моддий ва маънавий моҳиятлашнинг аниқ чораси бўлиши лозим.

Мазкур холда куйидаги тамойилларга амал килиш мақсадга мувофиқdir: ўз вактидалик (рағбатлантириш ёки жазолашнинг ўз маврудидалиги); ошкоралик(кенг хабардорлик ва рағбатлантириш чораси ҳамда меҳнат

натижаларининг таққосланарлиги); кўргазмалилик (рагбатлантириш чорасининг якъол кўринарли бўлиши).

13.3. Замонавий иқтисодчи меҳнатига ҳак тўлашнинг ижтимоий, маънавий ва моддий асоси

Иш ҳакининг мазмунини тушуниб олиш учун энг аввало, яратилган миллий маҳсулотнинг тақсимланиш тартиби тўғрисида тасаввурга эга бўлиш лозим. Мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (товар ва хизматларнинг) тақсимлаш тамойиллари бўйича турлича назариялар мавжуд (Ж.Б.Сей, Ж.Б.Кларк).¹

Яратилган ички миллий маҳсулотнинг унинг ишлаб чиқарувчилари ўртасида меҳнатнинг микдори, сифати ва унумдорлигига караб тақсимланадиган кисми иш ҳаки фонди деб юритилади. Иш ҳаки хозирги даврда ҳамма мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам иқтисодчи олимлар иш ҳакининг мазмунига катта эътибор берадилар. Иш ҳакининг мазмунини аниқлашда турли иқтисодчилар турли томондан ёндашиб, унга ҳар хил таъриф берадилар.

Масалан, «Яашаш учун восита минимуми» (Д.Рикардо ва Т.Малтусларнинг) концепциясида иш ҳакини яашаш учун зарур воситаларнинг физиологик минимуми билан бир хил деб хисоблайди. Лекин иш ҳакини яашаш учун зарур воситаларнинг физиологик минимуми билан бир хил деб караш мумкин эмас. Бу минимум ўз ичига ишчи кучи шаклланадиган иқтисодий, ижтимоий ва маданий шарт-шароитлар туғдирган эктиёжларни ҳам олади. Иқтисодий жихатдан ривожланган мамлакатларнинг хўжалик амалиётидаги иш ҳакининг даражасини кузатиш шуни кўрсатадики, ишчи кучи бозорида реал иш ҳакининг ўртача даражаси яашаш учун зарур жисмоний воситалар минимумига караганда анча юкори даражада ўрнатилган.

Иш ҳаки – ишчи ва хизматчилар, иқтисодчилар меҳнатининг микдори, сифати ва унумдорлигига караб, миллий маҳсулотдан оладиган улушининг пулдаги ифодасидир.

Иш ҳакининг асосий вазифаси ишчи ва хизматчилар, иқтисодчиларнинг хаёт ва меҳнат шароитини яхшилаш, бошкача килиб айтганда, меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри ўртасидаги боғликларни таъминлашдан иборатдир.

Бугунги кунда ишчи кучини тақрор ҳосил килишда иш ҳакидан ташкари фоиз, рента, фойда, девидент, турли имтиёзлар ва нафакаларнинг ҳам роли бор.

¹ Ш.Шодмонов., Р.Алимов., Т.Жўраев. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2002.

Ишлаб чиқаришнинг техник асосларидаги, иқтисодчилар меҳнатининг мазмунидаги, уларга билим бериш ва қасб-корликк ўргатиш борасидаги ўзгаришлар муносабати билан иш ҳаки шакли ва тизимлари хам ўзгари боради. Иш ҳакини ташкил этишда унинг иккита асосий шакли: вактбай ва ишбай шакллари фарқланади.

Вактбай иш ҳаки ходимнинг малакаси, сифати ва ишдаги вактига қараб тўланадиган иш ҳакидир. У одатда меҳнатнинг натижаларини аниқ хисоблаб бўлмайдиган, балки улар аниқ вазифалар доирасини бажариш билан белгиланадиган вактда ёки маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнининг бориши билан белгиланадиган ва бевосита ишчига боғлик бўлмаган пайтларда кўлланилади. Ишбай иш ҳаки ходимнинг ишлаб чиқарган маҳсулот микдори ёки бажарган ишининг ҳажмига қараб бериладиган иш ҳакидир.

Ходимларнинг иш ҳакини табакалаштириш энг аввало давлат тариф тизими ёрдамида амалга оширилади. Тариф тизими ёрдамида тармоклар ва мамлакат минтақаси бўйича, улар ичида эса ишлаб чиқариш турлари, турли тоифадаги ходимлар малакаси ва меҳнат шароитларига қараб ишчи-ходимларнинг иш ҳаки даражаси тартибга солиб турилади.

13.4. Замонавий иқтисодчи меҳнатини рағбатлантиришнинг педагогик-психологик асослари

Илмий-техникавий тараккиёт шу қадар жадал суръатлар билан ривожланмоқдаки, мутахассисларнинг касбий билимлари хар иили маълум даражада кадрсизланмоқда ҳамда уларни тез-тез янилаш эҳтиёжи сезилмокда. Бозор иқтисодиёти, ракобат шароитида, техника ва технологиялар жадал ўзгараётган шароитда мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш катта ахамият касб этади.

Меҳнат шароитини инсонга мослаштириш хисобига кадрларни саклаб колиш масаласи – бу ўзига хос катта ҳажмдаги ва кенг камровли масаладир. У шундай шароитларни яратиш билан боғлиқки, улар хисобига ишловчи ишдан коникиш олиши ва ушбу корхонада ишлашни хоҳлаши лозим.

Бугунги кунда ҳар бир иқтисодчи одатда ўз ишидан қачонки, килаётган иши ўзининг хизмат вазифаси (эгаллаган лавозими), оладиган маоши уни каноатлантирса ва жамоада ўзини кулагай сезагина мамнун бўлади.

Инсоннинг ўз ишидан коникишининг мухим омили унинг кобилияти, тажрибаси ва масъулияти хисобига юкори маош билан таъминланишидир.

Кадрлар баркарорлигини таъминлашда бошка корхоналарга караганда маъкулрок хизмат ва имтиёзлар ўрнатилиши катта рол ўйнайди.

Қисса хулоса

Ушбу бобда замонавий иктисадчи меҳнатига қўйиладиган талаблар, замонавий иктисадчини моддий ва маънавий рағбатлантириш тартиби, иктисадчи меҳнатига ҳак тўлашнинг ижтимоий, маънавий ва моддий асоси, замонавий иктисадчи меҳнатини рағбатлантиришнинг педагогик-психологик асослари каби мавзулар ўрин олган ва талабаларга ишонарли тарзда баён килинган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Замонавий иктисадчи меҳнатига қўйиладиган талабларга нималар киради?
2. Иктисадчини моддий рағбатлантириш тартибини кўрсатинг?
3. Замонавий иктисадчи меҳнатига ҳак тўлашнинг ижтимоий, маънавий ва моддий асосига нималар киради?
4. Замонавий иктисадчи меҳнатини рағбатлантиришнинг педагогик-психологик асослари ҳакида гаппринг?
5. Меҳнат шартномаси Сизнингча қандай бўлиши керак?
6. Маънавий рағбатлантиришга нималар киради?
7. Вактбай иш ҳаки даражаси қандай омиллар таъсири остида ўзгаради?
8. Иш ҳакининг асосий вазифаси нимадан иборат?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: «Шарқ», 2002.
2. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: «Меҳнат», 2000.
3. Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иктисадиёти. – Тошкент: Молия, 2002.
4. Эгамбердиев Э., Хўжамқулов Х. Кичик бизнес ва тадбиркорлик.-Т.: Маънавият, 2003.

XIV бөб. БОШҚАРУВ ОДОБИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

1. Тадбиркор-раҳбар фаолиятига қўйиладиган талаблар.
2. Бошқарув одоби ва замонавий иқтисодчининг асосий ахлоқий қоидалари.
3. Раҳбарлик услубидаги салбий қусурларни бартараф этиши.
4. Бошқарувнинг ижтимоий-иқтисодий асослари.

14.1. Тадбиркор-раҳбар фаолиятига қўйиладиган талаблар

Тадбиркор ўз навбатида раҳбар ҳамдир. Шу нуктаи назардан у бир катор талабларга жавоб бериши керак. «Раҳбарлик килиш» сўзига изоҳли луғатда бошқариш, маслаҳат бериш, кузатиш, йўналтириш, кўрсатма бериш каби таъриф берилган. Бундан кўриниб турибдики, хозирги даврда раҳбарлар кондириши зарур бўлган талаблар жуда кўпdir. Уларни қўйидаги беш йирик гурухга бўлиш мумкин.

1. Маънавий етуклик.

- сиёсий етуклик; хукукий етуклик; ахлоқий етуклик;
- маърифатлилик ва маданиятлилик;
- ходимларни ватанпарварлик рухида тарбиялашга қодирлик;
- топширилган иш учун шахсий жавобгарликни хис килиш, ҳалоллик, виждонлилик;
- ташаббус ва илфорликни кўллаб-қувватлаш қобилияти.

2. Интизом ва меҳнатга бўлган муносабати.

- меҳнатсеварлик; жамоа ўртасида интизомни йўлга қўя билиш;
- атрофдагиларда меҳнатсеварлкини тарбиялай билиш;
- ишни режали олиб бора билиш.

3. Билим даражаси.

- иқтисодиётни, техника ва технологияни билиши;
- бошқариш илмини, функциялари ва тузилишини билиши;
- истиқболни билишга қодирлиги.

4. Ташиқилотчилик қобилияти.

- ходимларни танлай билиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлай олишилиги;
- кўл остидагиларни меҳнатга ўргатиш ва тарбиялашни билиш;
- жипслашган жамоани вужудга келтира олиш;

5. Бошқарии самарадорлигини таъминлай олиши.

- бошқаришни коллегиал тарзда ташкил кила олиш қобилияти;
- иш хақида қиска ва аник гапириш қобилияти;
- турли манбалардан иш учун зарур ахборотларни олиш қобилияти;
- бошқарув органи карорларини бажариш устидан назоратни таъминлай билиш.

14.2. Бошқарув одоби ва замонавий иқтисодчининг асосий ахлоқий қондадари

Ҳар бир раҳбар психологияк билимлар билан бир каторда муайян педагогик билимларга ҳам эга бўлиши керак. Шулар ёрдамида у ходимларга уларни тарбиялаш ва мукаммаллашишларига таъсир этувчи шакл ҳамда усувларнинг янада самаралилигини топиш мумкин.

Раҳбар қўйидаги муаммоларни ҳал этиши керак:

- аклий ривожланиш (ходимларнинг умумий ва қасбий маълумоти);
- маънавий бойиш (маданий тадбирлар ташкил этиш, этик муаммоларни ечиш);
- муомалани дориломонлаштириш;

Бунда қўйидаги тамоилларга риоя килиш лозим:

- эзгу идеаллар билан машғул бўлиш;
- шахсий хислатларни такомиллаштириш.

Тарбиявий таъсир раҳбарнинг қўйидаги омилларни билишига боғлик:

- ходим маданияти ва маълумот даражаси, унинг ахлоқий қасбий ва ҳаёт тажрибаси қай даражада ривожланганлиги;
- жисмонан соғломлиги, маънавий баркамоллиги;
- индивидуал, ижтимоий-рухий сифатлари;
- меҳнат жамоасидаги ижтимоий-рухий мухит;
- ахлоқий-маъмурӣ чорага ходимнинг муносабати.

Табиийки, тарбиявий таъсир умумий ва котиб колган бўлмаслиги лозим, чунки юкорида қайд этилган омиллар ҳар бир муайян шахс учун фарклидир. Шунинг учун тарбиявий таъсир ҳар бир шахснинг ўзига каратилган бўлиши керак, бу раҳбар тарбиянинг турли-туман усувларидан ҳабардор бўлишини такоза этади.

Раҳбар тарбиявий таъсирни амалга оширишининг қўйидаги таъбир жоиз бўлса, «технологик тамоиллари» мавжуд:

1. Руҳий ўзига хослик, яъни шахсга тарбиявий таъсир ўтказишдан олдин унинг индивидуал, ижтимоий-рухий сифатларини англаш лозим;

2. Маянавий мотивлар – ўзига бўйсунувчилар олдида юкори даражадаги хулк-автор эгаси эканлигини шахсан намоён этиш;
3. Якка тартибда ёндошиш, бу – хар бир шахснинг ўзига хос бўлган «аъло» томонини излаш;
4. Мехнат фаолиятининг талабларига мослашиш, бу – ходим аклий имкониятини аниклаш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича муаммони ҳал этиш;
5. Шахсий мўлжал. Бу – ходимда ноёб кобилият куртакларини ўстириш ва уларни ривожлантириш.

Рахбар ходимга тарбиявий таъсир кўрсатар экан, Г.Сальенинг қуйидаги сўзларини ёдда тутиши фойдадан холи эмас: «Шуни унутмангки, ҳамма учун мос андоза йўқ. Биз, ҳаммамиз – турли тоифадамиз ва муаммоларимиз хам турлича».

14.3. Рахбарлик услубидаги салбий қусурларни бартараф этиш

Рахбарлик услубидаги салбий қусурларни бартараф этиш дегани – бу бошқаришнинг барча унсурларига эътиборни кучайтириш демакдир. Энг аввало, тадбиркор юкоридаги нуксонлардан холи бўлиши ва иш услубини қуйидаги ижобий фазилатлар замирида ташкил килиши лозим:

1. Тадбиркор ўз хукук ва ваколатидан умумдавлат манфаатларини жамоа ва ходимларнинг шахсий манфаатлари билан уйғун олиб борища мөхирона фойдаланиши зарур. Аммо давлат манфаатларига путур етказмасдан, шахсий манфаатлар умумманфаатларга бўйсуниши лозим.
2. Ишлаб чикаришни факат жамоада обрў-эътиборга эга бўлган тадбиркоргина яхши бошкара олади. Айни пайтда шуни унутмаслик керакки, обрў факат хизмат мавкеи билан эмас, балки билим, тажриба, ишга ва ходимларга муносабат билан орттирилади.
3. Рахбар вазмин, ҳар кандай вазиятда хам ўзини тута биладиган, одобли ва хушмуомала бўлиши зарур. Ўз хатти-харакатини назорат кила оладиган, кайфияти ваа сезгиларини тия биладиган, юриш-туришида бўйсунувчиларга ўрнак кўрсатадиган бўлишга мажбурдир.
4. Буйруқ ҳаммага хам ёкавермайди. Шу сабабли бўйсунувчи ходимларга бериладиган фармойиш факат бевосита буйруқ шаклида бўлмасдан, балки топширик ва вазифа, маслаҳат тарзида хам бўлиши керак.

Демак, тадбиркор инсонларда ўзига нисбатан иликлик, иззат-хурмат хиссини уйготмокчи бўлса, у салбий хислатлардан, яъни буюриш, кўрсатма бериш оҳангларидан воз кечиб, маслаҳат солиши, улардан фикр олиши керак. Шунда унинг умумий ишга кўпроқ нафи тегади. Раҳбар интизом ва тартибга риоя килишини катъий талаб килиши ва бўйсунувчиларнинг бирон ножӯя харакатини эътибордан четда колдирмаслиги керак. Талабчанлик тарбиянинг асоси ва онғли интизомнинг энг мустахкам заминидир.

14.4. Бошқарувнинг ижтимоий-иктисодий асослари

Бугунги кунда бозор иктисолиёт шароитида тадбиркор бошқарувчи раҳбар вазифасини ҳам бажаради. У бозор талабларидан келиб чиқкан холда фирманинг ҳар бир фаолият соҳаси бўйича бошқарув карорларини қабул киласди. Шу муносабатлар билан тадбиркор олдига бир қатор талаблар кўйилади.

Тадбиркор, энг аввало, иктисолиёт, техника ва технология, бошқариш ва унинг вазифалари тўғрисида чукур ва кенг билимга эга бўлиши, уни доимо тўлдириб, янгилаб бориши лозим. Шу билан бирга унинг ходимларни танлай билиш, улардан самарали фойдаланиш, жамоа ўртасида интизом ва ўзаро хурматга асосланган муносабатларни шакллантириш, жамоа аъзоларини ягона максад атрофида жисплаштириш қобилиятлари ҳам фирмани бошқариш тизимида муҳим ўрин эгаллади.

Таваккалчилик ва ноаниклик хукм сурган бозор муносабатлари шароитида тадбиркор томонидан бошқарышнинг бамаслаҳат тарзида ташкил килиниши унинг самаралироқ оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида кўл остидагилар фикрларини тинглаш ва улардан тегишли хуносалар чикара олишни тақоза киласди.

Ҳар кандай иктисолиёт фаолият асосида манфаатдорлик ётади. Шу сабабли бошқарувчи-раҳбар ходимларнинг моддий ва манъавий манфаатдорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Фирма ва ходимлар манфаатдорлигининг уйғунлашувига эришиш тадбиркорлик фаолияти мувваффакиятини таъминловчи муҳим омиллардан хисобланади.

Раҳбар бошқарув карорларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш ва бошқариш таркибини такомиллаштириб бориш қобилиятига ҳам эга бўлиши лозим. Бу эса кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вактида бажарилишига, юзага келган муаммоларни тезда ҳал этишга, бошқарув карорларига тузатишлар киритишга имкон яратади.

Қисқа хулоса

Таълим-тарбия ишларига янгича муносабат мустакиллик, маънавият негизи асосида ҳукумат қарорларида таълим ислохотларида олимлар ва ижодкор ўқитувчиларнинг изланишларида ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимидағи барча ўкув муассасалари ёш авлодга миллий истиклол мағқурасини шакллантиришида, маънавиятни миллий меросимиз билан бойитишида, ёш ватанпарварларни тарбиялашда янгича иш услублари асосида ижодий ёндошмоқдалар. Ўкув тарбиявий жараённи бошқариш педагогик жамоа фаолиятини ташкиллаштириш оркали амалга оширилади. Шу сабабли ўкув муассасасини бошқаришнинг асосий обьекти педагогик жамоа ҳисобланади.

Шу нұктаи назардан келиб чиқиб, ушбу бобда тадбиркор-рахбар фаолиятига кўйиладиган талаблар, бошқарув одоби, замонавий иқтисодчининг асосий ахлоқий коидалари, раҳбарлик услубидаги салбий қусурларни бартараф этиш, фирма ва ходимлар манфаатдорлигини таъминлашда раҳбар фаолиятининг муваффакияти, бошқарув ва унинг ижтимоий-иктисодий асослари кабилар хусусида маълумотлар келтирилган.

Ўз-ўзини назорат ва мухокама килиш учун саволлар:

1. Тадбиркор-рахбар фаолиятига кўйиладиган талабларни санаб кўрсатинг?
2. Бошқарув одоби деганда нимани тушунасиз?
3. Замонавий иқтисодчининг асосий ахлоқий коидаларига нималар киради?
4. Раҳбарлик услубидаги салбий қусурларни бартараф этиш йўлларини кўрсатинг?
5. Фирма ва ходимлар манфаатдорлигини таъминлашда раҳбар фаолиятининг муваффакияти нималарда намоён бўлади?
6. Бошқарувнинг ижтимоий-иктисодий асослари нималардан иборат?
7. Раҳбарлик услубидаги салбий қусурларни бартараф этишининг кандай усуулларини биласиз?
8. Қайси хислатлар тадбиркор раҳбарни эл назаридан колишига олиб келади?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. Олий таълим менежменти ва иктисадиёти. – Т.: Молия, 2002.
2. Тожибоева Д. Иктисадиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси (Ўкув кўлланма). – Т.: Молия, 2003.
3. Хўжаев Э., Юнусова Р., Ражабов Э. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. – Самарканд, 1997.
4. Эгамбердиев Э., Хўжамкулов X. Кичик бизнес ва тадбиркорлик.-Т.: Маънавият, 2003.
5. Е.Н.Пронина, В.В.Лукашевич. «Психология и педагогика». Учебник для студентов ВУЗов. - М.: Элит, 2004 г.
6. Ў. Талипов, М.Баракаев, Ш.Шарипов. Каобий педагогика. (Маърузалар матнин).– Т: ТДИУ, 2001 йил.
7. Н.Хўжаев ва бошқалар. Педагогика асослари .- Т.: ТДИУ, 2003 йил.
8. www.inter-pedagogika.ru.
9. [www. bilimdon. uz](http://www.bilimdon.uz). - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг асосий веб сайти.

XV - боб. КАДРЛАРНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ СИФАТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

- 15.1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва кадрлар тайёрлашдаги касбий-малакавий ўзгаришлар.
- 15.2. Замонавий иқтисодчи кадрларни касбий ўқитиш ва унинг шакли.
- 15.3. Кичик бизнесда кадрлар сиёсати (Бошқарши санъати, кадрлар стратегияси ва кадрлар сиёсати концепцияси).
- 15.4. Кадрларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир қилувчи омиллар.

15.1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва кадрлар тайёрлашдаги касбий-малакавий ўзгаришлар

Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг муҳим шарти сифатида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш муаммоси илгари сурилди. Миллий мерос ва умуминсоний қадриятлар, замонавий илм-фан, техника, технология ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида эришилган ютукларни таълим тизимига татбиқ этиш асосида малакали кадрларни тайёрлашнинг мукаммал тизимини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида қайд этиб ўтилган.¹ Кадрларни тайёрлаш тизимининг мазмуни – мутахассислик фанлари асосларини пухта ўзлаштирган, юкори даражадаги касбий кўнкіма ва малакларга эга мутахассис кадрларни тайёрлаш, уларни замонавий педагогик технологиялар билан таништириш, уларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларнинг шаклланишини таъминлашдан иборат. Бунга эса факатгина узлуксиз таълим тизимини доимий такомиллаштириб бориш орқалигина эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» малакали кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган. Мазкур тарихий хужжатда ўз ифодасини топган кадрлар тайёрлаш миллий модели баркамол шахс ва малакали мутахассисни шакллантириш жараёнининг мазмунини илмий жиҳатдан асослаш билан бирга унинг ижтимоий-иқтисодий, хукукий, психологик, педагогик ва бошёя асосларини ёритиб беради.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да мавжуд шароитда малакали мутахассисни тайёрлаш жараёнида ечими ижобий таъминланиши зарур бўлган

¹ Баркамол авлод -Ўзбекистон тараккянининг пойдсвори. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳрири. 1997.

вазифалар кўрсатиб берилган. Ушбу вазифалар сирасига қуидагилар киради: узлуксиз таълим тизимини барча боскичларида фаолият олиб бораётган таълим муассасаларини малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш, уларнинг мавқеини ошириш, ахлоқий-маънавий тарбиялашнинг самараали шакл, метод ва усууларини ишлаб чикиш, уларни амалиётга татбик этиш, таълим жараёнининг сифати ҳамда самарадорлигини таъминлаш, ўкув муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, хорижий мамлакатларнинг таълим тизимида қўлга киритилган ютук ва тажрибалари билан танишиш, уларнинг ижобий жиҳатларини ўзлаштириш, таълим сифатининг жаҳон таълими стандартларига тўла жавоб бера олишини таъминлашдан иборат.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш саналади. Шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида намоён бўлади. Узлуксиз таълим тизимида илгор педагогик ва инновацион технологияларнинг ишлаб чиқарувчиси бўлган Фан ҳамда шахс ўртасидаги муносабатлар бевосита кадрлар тайёрлаш тизими доирасида амалга оширилади.

Бўлажак мутахассислар киёфасида баркамол шахс ва малакали мутахассис кадрларга хос бўлган сифатлар ўз аксини топа олиши зарур. Мазкур сифатларнинг намоён бўлиши бўлажак мутахассиснинг касбий тайёргарлик даражасини тавсифлайди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да шаклланган шахс кўрсаткичлари қуидагилардан иборат эканлигига ургу берилади:¹

- Мустакил, эркин фикрловчи;
- Мустакиллик ва демократия гояларига содик, ватанпарвар;
- Юкори малакали мутахассис;
- Ижтимоий-сиёсий фаоликка эга шахс;
- Ижтимоий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи;
- Ижтимоий хаётда ўз ўрнини топа олганлиги;
- Фикрлаш ва мунозара юритиш маданиятига эгалик;
- Бой дунекарашга эга шахс.

Шу билан бирга бўлажак кадрлар Давлат таълим стандартларига киритилган талабларни бажаришлари шарт. Кадрлар малакасини ошириш тизимида эса шахс кадрлар малакасини ошириш ва кайта тайёрлашнинг

¹ Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасликлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 авгуустдаги 343-сонли карори // Маърифат газетаси. – 17.08.2001. – №121.

меъерий кўрсаткичларига асосланувчи ҳамда давлат аттестацияси талабларига жавоб бера олиши зарур.

Касбий фаолият (мехнат) тавсифи ҳам касбий фаолият мөхиятини ёритувчи муҳим меъерий хужжатларнинг бири саналиб, унда касбий фаолиятнинг ижтимоий ҳусусияти, аҳамияти, унинг оммавийлашганлик даражаси, мехнат шароитлари, ушнингдек, мазкур фаолиятни ташкил этишида кўлланилувчи мехнат куроллари тўғрисида ҳам сўз юритилади.

Касбий фаолият тавсифи мазмунида куйидаги ҳолатлар ифода этилади:

1. Касб (касбий фаолият)нинг ижтимоий йўналганлиги, вазифаси, унинг жамиятдаги ўрни ва роли (моддий ва маънавий маҳсулот (ғоя)лар ишлаб чиқариш, турли ижтимоий соҳаларда хизмат кўрсатиш, ахборотларни тўплаш, саклаш ва тарқатиш), унинг инсон эҳтиёжлари ва манфаатларини кондиришга йўналтирилганлиги.

2. Касб (касбий фаолият)нинг оммалашганлик даражаси.

3. Касбнинг мехнат предмети (мутахассис томонидан мехнатни ташкил этиш жараённида унинг шахси ҳамда меҳнати самарасига таъсир кўрсатувчи ижтимоий омилларнинг мавжудлиги.

4. Бўлажак мутахассисга касбий билимларни узатишнинг ижтимоий зарурияти.

5. Самарали натижага эришиш учун фаолият жараённида кўлланилувчи техника, технология, фаолият ҳамда уларнинг кўлами, умумлаштирилганлиги, автоматлаштирилганлиги.

6. Мехнат воситалари (зарур меҳнат маҳсулотини олиш йўлида ҳусусий мақсадни амалга ошириш, меҳнат предметига таъсир кўрсатиш мақсадида инсон томонидан фойдаланиладиган ижтимоий (моддий ва маънавий омиллар). Айни ўринда меҳнат воситалари сифатида эътироф этилувчи ашёлар (иш куроллари, асбоб-ускуналар, компьютерлар ҳамда мантикий фикрлаш, ахлоқий ва эстетик баҳолаш тизим ва кўрсаткичлари) ҳам саналиб ўтилади.

7. Мехнат шароитлари (мехнат ва дам олиш тартиби, уларни ўзгаришиш ва ўзаро мувофиқлаштириш имкониятлари, меҳнатнинг санитария-гигиеник омиллари; иш жойи, меҳнат суръати, ишнинг давомийлиги).

8. Мутахассис кадрнинг маънавий-ахлоқий киёфаси.

9. Мутахассислик мажбуриятлари (касбий малакани эгаллаш, касбий хулк-одоб коидаларининг мажбурийлигини билиш), меҳнатшари билан муносабатда самимий, ахлоқли бўлиш, хужжатларни тўғри юритиш ва хоказолар.

10. Касбнинг инсон хулк-атвори ва яшаш тарзига кўрсатувчи таъсири.

Олий ўкув юртларида тайёрланаётган кадрлар томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган билим, кўнишка ва малакалар малакавий тавсифномалар асосида аник ёритиб берилади. Малакавий тавсифнома меъёрий хужжат саналиб, унда муайян йўналишда тайёрланаётган мутахассис кадрнинг шахси ва улар томонидан амалга оширувчи фаолият мазмунига кўйиладиган умумий талабларни акс эттиради.

Олий ўкув юртларининг амалий фаолиятида асос сифатида фойдаланиб келинаётган малакавий тавсифномалар бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий тайёргарлигини аввалдан ташхислаш ҳамда у томонидан ўзлаштирилувчи назарий ва амалий билимлар даражасини башоратлаш имконини беради.

Шахснинг эркин ривожланишини таъминлаш таълимни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосида рўй беради. Таълим ижтимоий тизим сифатида, бўлажак мутахассисларнинг шахсий кизикишлари, хаётий максадларини ривожлантирувчи, эркин, индивидуал таълимни ташкил этиш учун шароит яратади. Бу холат зарур даражада талабаларга билимлар беришни йўлга кўйиш билан таъминланади. Ушбу жараёнда шахснинг индивидуаллиги ва такрорланмаслиги эътибордан четда колдириш мумкин эмас. Демак, шахсни, унинг ривожланишини ҳамма босқичларида кузатиб бориш зарур. Шахснинг ривожланиши – таълимнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, у индивидуал хусусиятлар негизида қарор топади. Ҳар бир талабанинг ўз ривожланиш, шахсий йўлини танлаш хукуқини тан олиш (ўқишнинг мослаштирилган ва вариатив шакли, метод ва воситалари билан) лозим.

Шундай қилиб, таълим тизимини ислоҳ қилиш жараённида янги кадриятлар шаклланади. Турли фаолият йўналишларида ўзини идрок этиш, ўзини намоён этиш учун зарур шароитларни яратиш масадга мувофик. Бу йўлда амалга оширилувчи тўғри йўл – бу педагогикада ҳамкорлик, ўзаро алокалар, ўз хиссасини кўшиш ва ўзаро ёрдамдан иборатдир. Хусусан, зарур вазиятлар яратишида ҳамкорликда фаолият юритиш тамойили – демократия, ишонч, бир-бирини тушунишга амал қилиб ва индивидуал кизикишларни қабул киласи.

15.2. Замонавий иқтисодчи кадрларни касбий ўқитиши ва унинг шакли

Бугунги кунда республикамизда иқтисодчи мутахассисларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Илгари Собиқ иттифок даврида иқтисодчилар факатгина Тошкент халқ хўжалиги институти ва унинг вилоятлардаги филиаллари, Самарқанд Кооператив институти каби саноқли олийгоҳларда тайёрланган бўлса, мустақиллик йилларида бундай олийгоҳларнинг сони бир неча баробарга кўпайди. Эндилиқда, Ўзбекистон олий ўкув юртларида нафакат ички иқтисодиётимиз учун мутахассислар, балки ташки иқтисодий фаолият ва халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида ҳам етук малакали иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизими амал килмоқда.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизимини замон талаблари даражасида кайта ташкил этиш максадида иқтисодий таълимнинг халқаро андозаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Чunksи, дунёнинг ривожланган ва бозор иқтисодиёти амал килаёиган мамлакатларининг деярли барчаси янги механизмнинг кескин ўзгаришларига мослаша оладиган ва ҳар қандай шароитда ракобатлаша оладиган замонавий иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш борасида замонавий иқтисодий таълим тизимига эгадирлар.

Ўзбекистон иқтисодиётининг кўп укладлилиги кенг камровли иқтисодий муаммолар бўйича чукур билимга эга бўлган иқтисодчи мутахассисларга талабнинг кун сайин ортиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Шундай экан, макроиктисодиёт ва давлат бошқаруви бўйича иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизими сифат жихатдан қайта ташкил этилиши зарур. Шунингдек, йирик тадбиркорлик ва бошқарув бўғини мутахассислари малакасини ошириш тизими ҳам ривожлантириши лозим.

Ташки иқтисодий фаолият соҳаси мутахассислар тайёрлашнинг нисбатан янги йўналиши хисобланади, бугунги кунда халқаро бизнес, халқаро маркетинг ва менежмент, халқаро молия ва банк иши, божхона иши, хорижий сармоялар ва бошка ихтисосликлар бўйича мутахассисларга талаб ортиб бораяпти. Шу боисдан ихтисослашган иқтисодиёт университетлари ва бизнес мактаблари учун ривожланиб бораётган ташки иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган мутахассисларни тайёрлаш устувор йўналишлардан бирига айланиб бормоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг коидаларига мувоғик ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги

ютуклар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва хал этишга қодир мутахасис кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир. Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, хукукий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини хис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.¹

Бу вазифани амалга оширишда таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш, фанларни ўқитишида ўқув-услубий комплекс ва унинг ўқув жараёнини ташкил этишида кўллаш мухим рол ўйнайди.

Биз энг аввало кимни, қандай кадрлар тайёрлашни аник тасаввур килишимиз керак. Бу мақсад давлат таълим стандартларида ўз аксини топади.

Стандарт (инглизча Standard-норма, намуна) маҳсулотни сифати, таркиби жиҳатидан катъий белгиланган параметрлардан ташкил топган маҳсулот, коида ва кўринишдир. Стандарт кенг маънода бир-бири билан таъкослаш мумкин бўлган обьектларни солиштириш учун кабул килинган намуна, моделдир. Стандартлар техник норматив хужжат сифатида ишлаб чиқилиб, кабул килинган маълум мезонлар, коидалар, талаблар комплексидан иборат. Улар ваколатли органлар томонидан тасдиқланади.

Таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг давлат таълим стандартларини ишлаб чиқилишидан максад тайёрланаётган кадрларимизни замон талаби даражасида бўлишини таъминлашдир.

Бу стандартларда таълим муассасасини битириб чиққаётган талабалар қандай билим, малака ва кўнималарга эга бўлиши, уларнинг кўлидан нима иш келишининг минимал даражаси белгилаб кўйилади.

Бизнинг таҳлилларимизча, таълимни стандартлаштириш бу бутун дунё микёсида таълимни ислоҳ қилишдаги энг асосий тенденциялардан биридир. Унга бозор иктисолиёти талабалари нуктаи назаридан ёндашилади. Жамият билан таълимнинг ўзаро мослашишини таъминлаш бугунги куннинг ниҳоятда жиддий масаласидир. Жамиятда содир бўладиган янгиликлар, иктисолий ўзгаришлар таълим тизимига янгича ёндашишни такоза этади.

¹ Кадрлар тайёрлаш миллий ластури. – Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий максади ва амалга ошириш лозим бўлган вазифалардан бири, таълим олувчиларнинг тайёргарлик сифати ва ихтисосига талабларини, уларнинг маданий ва маънавий руҳий даражаларини аниқлаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва уни тадбик этишдир.

Халкаро талабларга жавоб берувчи давлат таълим стандартларини ишлаб чикиш:¹

1. Ўзбекистон Республикаси ва ривожланган мамлакатларда таълим эквивалентлигини, тури таълим муассасалари дипломларини таккослаб, мамлакатимиз ишчи ва мутахассисларини халкаро меҳнат бозорида тўсикларсиз иштирок этишини таъминлайди.

2. Таълим хизматлари сифатига аник талабларни белгилаб қўйилиши кадрлар тайёрлаш сифатини оширади.

3. Таълим муассасалари иши самарадорлигини назорат килиш тизимини тартибга солади.

4. Иктисолидёт ва бизнес талабларини тезда илғаш ва хисобга олиш имкониятларини яратади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури кабул килинганидан сўнг унинг талабларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 1998 йил 5-январда «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартлари»ни ишлаб чикиш ва жорий этиш тўғрисида»ги Қарори кабул килинди ва шу карор асосида «Давлат таълим стандартлари тўғрисида»ги Низом ишлаб чикилди.

Низомнинг 1.1 бандида: Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» қонунининг 7-моддасида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофик республикада идоравий бўйсуниш ва мулкчилик шаклларидан катъий назар, таълим муассасаларининг барча турлари учун мажбурий бўлган давлат таълим стандартлари (ДТС) белгиланади.

Давлат таълим стандартида кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига нисбатан қўйиладиган талаблар, таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражаси ҳамда таълим муассасаларини битирувчиларга қўйиладиган малака талаблари, ўкув юкламасининг зарур ҳажмини, таълим муассасалари фаолиятини ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиби ва механизмини белгилаш кайд этилган.

¹ Ўрта маҳсус, касб ҳунар таълими тизими учун дарслклар ва ўкув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли қарори // Маърифат газетаси. - 17.08.2001. - №121.

Низомда давлат таълим стандартларининг максад ва вазифалари кўрсатилган. Давлат таълим стандартларининг жорий этилиши куйидаги максадлар амалга оширилишини назарда тутади:

- Таълимнинг юксак сифатини таъминлаш хамда мамлакатда амалга оширилабётган чукур иктисодий ва ижтимоий ислохотлар асосида ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёрланишини таъминлаш;
 - Мамлакатнинг ижтимоий ва иктиносидий тараққиёти истиқболларидан, жамият эктиёжларидан, фан, техника ва технологиянинг замонавий ютукларидан келиб чикиб кадрлар тайёрлаш мазмунини тартибга солиш;
 - Таълимнинг демократлашувига инсонпарварлашувига, ижтимоийлашувига кўра, таълим олувчиларнинг хукукий, иктиносидий билимлари даражасини, шунингдек таълим жараёни самарадорлигини ошириш;
 - Сифатли таълим хизматларини кўрсатиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида шахснинг жамият ва давлатнинг вазифаларини химоя килиш;
 - Кадрлар тайёрлаш сифатини ва таълим фаолияти мезонлари ва тартибини баҳолаш;
 - Таълим жараёни ва кадрлар тайёрлашнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлаш, таълимнинг барча турлари ва боскичларида ўқув-тарбия жараёнини мақбуллаштириш;
 - Мехнат ва таълим хизматлари бозорида ракобатбардошликни таъминлаш.
- Шу мақсадларни амалга ошириш учун давлат таълим стандартларининг вазифалари белгиланди, улар:
- Таълим сифатига ва кадрлар тайёрлашга нисбатан кўрсатиладиган таълим хизматлари номенклатурасига нисбатан кўйиладиган мақбул талабларни белгилаш;
 - Таълимга ва унинг пировард натижаларига, таълим олувчиларнинг билим ва малакаси даражасини вакти-вакти билан баҳолаш тартиби ва тартиботига, шунингдек, таълим фаолияти устидан назорат килишга нисбатан кўйиладиган тегишли талабларни белгиловчи меъёрий базани яратиш;
 - Халқнинг бой маънавий мероси ва умуминсоний кадриятлар асосида таълим олувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясининг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

- Таълимнинг барча турлари мазмунини ҳамда олиб бориладиган таълим ва тарбияни келишиб олиш, уларнинг ўзаро боғликлигини узлуксиз таълим тизимида ва кадрлар тайёрлашда изчилликни таъминлаш;
 - Ўқув-тарбия ва таълим жараёнига узлуксиз таълим тизимининг педагогик технологияларига ва ахборот билан таъминланишига, таълим даражасини назорат килишга, таълим муассасаларида таълим олувчиликни таъминлаш; битирувчиларнинг малакасига нисбатан меъёrlар ва талабларни белгилаш;
 - Таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатига баҳо беришнинг холис қисмини, таълим муассасаларининг аттестациядан ўтказиш ва аккредитация килишни жорий этиш;
 - Кадрларни максадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чикиришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;
 - Миллий стандартлар талаби билан таълим сифати ва кадрлар тайёрлашнинг ҳалкаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

Низомда таълимнинг барча турларини стандартлаштириш кўзда тутилган. Таълимнинг стандартлаштириш объектлари:

- Таълим фанларининг тузилмаси, мазмуни, ўкув юкламасининг ҳажми, таълим олувчилик ва битириувчиларнинг малака даражаси ва тайёрлаш сифати;
 - Талаблар меъёрлар ва коидалар, педагогик ва ахборот технологиялари, таълим усуллари ва воситалари, шунингдек, таълим тизимида фойдаланиладиган атамалар, тушунчалар ва категориялар;
 - Таълим олувчилик билим даражасига ва касбий малакасига ташхис кўйиш тартиби, битириувчилар сифатини, таълим фаолияти, педагог ва илмий педагог ходимлар сифатини баҳолшани ўз ичига олади.

Давлат таълим стандартига ўзгартиришлар киритиш республиканинг ижтимоий-иктисодий ривожланишиша мувофик равишда таълим даражаси ва кадрлар тайёрлашга кўйиладиган талаблар ўзгариши белгиланган тартибда Вазирлар Махкамаси томонидан амалга оширилади.

Умуман олганда бугунги кунда тайёрланаётган мутахассис кадрларга бўлган талаб, таълим мазмунидан келиб чиккан ҳолда куйидагилардан иборат, яъни;

- давлат таълим стандартлари;
 - асосий коидалари бўйича таянч ўкув режаси ишлаб чикилади;
 - таянч ўкув режалари таълим муассасаларининг ишчи-ўкув режаларини ишлаб чикиш учун асос хисобланади.

15.3. Кичик бизнесда кадрлар сиёсати

Кадрлар халк хўжалигининг турли соҳаларидаги мутахассислар, шунингдек, юкори малакали ишчилар – ўрта маҳсус ўқув юртлари, коллекцияларнинг битирувчилиридир.

Бошқарув кадрлари бу малакавий фаолияти тўла ёки асосан корхона фаолияти билан боғлик бўлган тижорат, молиявий ёки ишлаб чиқариш бошқарувчи билан шуғулланувчи ходимларга айтилади.

Кадрлар сиёсати ва бошқариш санъати бу халк хўжалигида энг яхши бошқарув кадрларини узок муддатга тайёрлашдир. Кадрлар сиёсати корхоналарда, фирмаларда, корпорацияларда мутахассисларни кайта тайёрлаш, узок муддатли дастурларда ишлаб чиқилади. Масалан, янги бизнес усусларида тадбиркорлик фаолияти соҳалари билан шуғулланувчи кадрлар керак, шунингдек менежмент, маркетинг, банк фаолияти соҳаларида ишлашни биладиган мутахассислар зарур.

Кадрлар стратегияси бу кадр билан ишлаш усусларининг асосий максадини аниклайди. Ишлаб чиқиш учун техник, маркетинг, ижтимоий-иктисодий масалаларни таҳлил килиш керак. Бу таҳлил асосида фирма кадрлар концепцияси шаклланади, ташкилот фаолиятини самарали бошқариш учун қандай кадр керак бўлиши аникланади. Бундай концепция қуидаги талабларга жавоб бериши керак:

- тармок ривожланишининг стратегик йўналишини хисобга олиш;
- ҳакконийлик;
- иктисадий ва сиёсий хаётнинг ўзгарувчан мухитига мўлжал олиш;
- корхонани юкори малакали кадрлар билан таъминлашга йўналтирилганлик.

Кадрлар сиёсати деганда, кадрлар билан жорий ишлаш усуслари тушунилади. У аниқ шароитларда кадрлар сиёсати принципларини амалга ошириш кетма-кетлигини назарда тутади. Унинг ахамиятлilари кадрларни тўгри танлаш, ўрнига кўйиш, ўқитиш, тарбиялаш, ишлатиш ва кайта тайёрлашдир.

Кадрлар ишининг асосий максади қуидагилар:

1. Кадрларга талабни режалаштириш.
2. Кадрларни танлаш ва баҳо бериш услубини ишлаб чиқиш.
3. Ёш кадрларни тарбиялашни режалаштириш.
4. Бошқарув услубини такомиллаштириш ва бошқалар.

15.4. Кадрларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир қилувчи омиллар

Республикамизда вужудга келган янги ижтимоий-иктисодий муносабатлар, миллий анъаналаримизнинг ўзига хос хусусиятлари, олий таълим тизимининг олдидағи давлат ва ижтимоий буюртмалар унинг максад ва вазифаларини хисобга олган холда мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, уларнинг маҳоратини юкори даражага кўтариш, кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш учун катор зарур шарт-шароитлар яратилди.

Узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва жорий этишнинг илмий-назарий асоси бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълимнинг барча бўғинлари ва даражаларида миллий ва умуминсоний кадриятларнинг устуворлигини таъминлаш асосида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлокий фазилатларини ривожлантириш, шунингдек, ёшлиарни маънавий, ахлокий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халкаро фонdlарнинг ролини кучайтириш зарурлиги кайд этилган.

Кадрлар малакасини ошириш тизимининг энг зарур вазифаларидан бири мутахассис кадрларнинг касбий билимлари ва кўнникмаларини янгилаш, уларда ўз фаолиятига ижодий ёндошишни шакллантиришdir. Бу иш албатта, замонавий иктисадчиларда ўз ишидаги ютуқ ва камчиликларини аниқлаш, кадрлар ишидаги муҳим асосий томонларни топиб, улардан иш жараёнida фойдаланишларида муҳим ўрин тутади.

Замонавий иктисадчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш кадрлар тайёрлаш тизими барча бўғинларининг ўзаро алокаси ва изчилигига боғлик. Ўқитишнинг самарали шакл ва методларини излаб топиш, иктисадчиларнинг касбий тайёргарлик фаолиятини кучайтириш, уларнинг маҳоратини ошириш шарт-шароитларини белгилаш бугунги кунда хал килиниши лозим бўлган ишлардандир.

Бугунги кунда кадрлар малакасини оширишни тингловчиларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ташкил қилиш лозим. Чунки иктисадчилар малака ошириш даврида маълум билим, кўнкма, малакалар ва янгиликларга эга бўладидар. Бу эса ўз иш жойларига боргандা ишни янги технологиялар асосида олиб боришлари учун замин хозирлайди.

Демак, иктисадчи кадрлар малакасини ошириш ишини ривожлантириш ва юкори даражага кўтариш долзарб вазифалардан бирига айланиши керак. Шу

сабабли ҳам замонавий иктиносодчиларнинг малакасини оширишнинг юкоридаги йўналишларини амалга ошириш орқали бу соҳадаги ишларнинг самарадорлигини орттириш мумкин.

Мамлакатимизда амалга ошираётган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ўзининг бир катор устувор йўналишлари ва афзалликлари билан иктиносодётни эркинлаштириш шароити талабларига жавоб берадиган замонавий юкори малакали иктиносодчи мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Дастурда кўзда тутилган тадбирларнинг барчаси тўлалигича амалга ошириб бўлинса, у ҳолда мамлакатимиз мавқеини кўтарилишига ўзининг муносиб хиссасини қўшадиган етук малакали мутахассислар, шу жумладан иктиносодчи мутахассислар етишиб чиқади.

Иктиносодётни эркинлаштириш шароитида мамлакатимизда иктиносодчи мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг бир катор муҳим омиллари мавжуд бўлиб, улар куйидагиларда ўз ифодасини топган:¹

1. Республиканинг демократик хукукий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;
2. Мамлакат иктиносодётида туб ўзгаришлар ва таркиби силжишларнинг амалга оширилиши, республика иктиносодёти, асосан ҳом-ашё йўналишидан ракобатбардош пировард махсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиётининг кенгаётганлиги;
3. Давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлигининг карор топганлиги;
4. Миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланганлиги, бой миллий, маданий, тарихий анъяналарга ва ҳалқимизнинг интеллектуал меросига бўлган хурмат эътиборнинг ошиб бораётганлиги;
5. Ўзбекистоннинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги ва бошкалар.

Шундай қилиб, бугунги кунда мамлакатимизда амал қилаётган мутахассислар тайёрлаш тизимининг асосий максади, дунё мамлакатларининг илғор тажрибаларидан келиб чиқкан ҳолда, шаклланиб келган таълим салоҳиятининг ижобий кирраларини такомиллаштириш асосида етук малакали иктиносодчи кадрлар тайёрлашдан иборатdir.

¹ Тожибосва Д., Хўжаев Н. Иктиносодий педагогика. Ўкув қўлланма. – Т.: «Фан ва технология», 2008. – 255 б.

Қисқа хулоса

Мамлакатимиз олий таълим тизимида иктиносидчи мутахассисларни тайёрлаш тизимини замон талаблари даражасида кайта ташкил этиш максадида иктиносидий таълимнинг халкаро андозаларидан самараали фойдаланиш долзарб ахамият касб этмоқда. Чунки, дунёнинг ривожланган ва бозор иктиносидиёти амал қилаётган мамлакатларининг деярли барчаси янги механизмнинг кескин ўзгаришларига мослаша оладиган ва ҳар кандай шароитда рақобатлаша оладиган замонавий иктиносидчи мутахассисларни тайёрлаш борасида замонавий иктиносидий таълим тизимиға эгадирлар.

Ушбу бобда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва кадрлар тайёрлашдаги касбий-малакавий ўзгаришлар, иктиносидчи кадрларни касбий ўқитиш ва унинг шакли, кичик бизнесда кадрлар сиёсати, кадрларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир килувчи омиллар бўйича маълумотлар келтирилган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва кадрлар тайёрлашдаги касбий-малакавий ўзгаришлар хақида фикр билдиринг?
2. Замонавий иктиносидчи кадрларни касбий ўқитиш ва унинг шакли хақида гапиринг?
3. Кичик бизнесда кадрлар сиёсати нималардан иборат?
4. Кадрларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир килувчи омилларга нималар киради?
5. Малака ошириш кандай амалга оширилади?
6. Ишчи-хизматчиларни касбий ўқитишнинг кандай шакллари мавжуд?
7. Кадрлар ишининг асосий максади нималардан иборат?
8. Иктиносидиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатимизда иктиносидчи мутахассислар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш омиллари нималарда ўз ифодасини топган?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: «Шарқ», 2002.
2. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иктиносидиёт назарияси. - Т.: «Молия», 2002.

3. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: «Мехнат», 2000.
4. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика (Ўқув кўлланма). – Т.: ТДИУ, 2002.
5. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. – Тошкент: Молия, 2002.
6. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси (Ўқув кўлланма). – Т.: Молия, 2003.
7. Янчевский В.Г. Менеджмент, маркетинг, бизнес. Деловым людям о предпринимательстве. – М.: 1992.
8. Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
9. Н.Хўжаев ва бошқалар. Педагогика асослари. - Т.: ТДИУ, 2003 .
10. www.school.edu.ru.
11. [www. bilimdon. uz](http://www.bilimdon.uz). - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосий веб сайти.

XVI боб. ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДЧИНИНГ МАҲНАВИЯТИ

1. Замонавий иқтисодчида адаб фазилатлари мажмуасининг мавжудлиги.
2. Иқтисодчининг ўзига, жамоага ва жамиятга нисбатан маданияти.
3. Иичи-ходимларни қабул қилиши, кенгаш ва мажлисларни олиб боришдаги маданият.

16.1. Замонавий иқтисодчида адаб фазилатлари мажмуасининг мавжудлиги

Замонавий иқтисодчининг маҳнавияти деганда, аввало одоб ва иктидор ўртасидаги диалектик боғланиш тушунилади. Бу боғланиш қўйидаги фазилатлар мажмуасида ўз аксини топади: яъни, ахлокий камолот - инсон ижтимоий такомиллашувининг таркибий кисмидир. Ахлок инсоннинг ижтимоий, маҳнавий такомиллашуви жараёнидаги ўзига ва бошқаларга муносабатини белгиловчи маҳнавий, амалий фазилатлар ва харакатлар тизимиdir.

Ахлокий онг билан боғлик бўлган бундай муносабатлар ибтидоий жамоа давридаёқ шакллана бошлаган. Бундай муносабатлар одам зотининг яшаш, овқат топиш, ўзини химоя килиш, хўжалик юритиш, насл колдириш, болаларни тарбиялаш сингари табиий, ижтимоий эҳтиёжлари билан белгиланган. Жамият ривожлангани сари одамларнинг бир-бири билан ахлокий муносабатда бўлиш эҳтиёжи ҳам ортиб, тобора каттарок ахамият касб этиб бораверган. Шу сабабли ҳам жамият одамларнинг микдорий йигиндиси эмас, балки мустаҳкам ижтимоий-маҳнавий бирлигидир.

Ахлокий тарбия жараёнида ахлокий қадриятлар ва ўзбек мутафаккирларининг ихлоқий карашларидан фойдаланиш билан бир каторда, бугунги кунда илм-фан эришгаен янги билимлардан фойдаланишни йўлга кўйиш ҳам мухим вазифалардан бири бўлиб хисобланади. Чунки фаннинг ривожит ахлокий билимларимизни бойитишига ва ахлоқийликнинг илмий асосларини англаб етишга ёрдам беради. Ушбу илмий-ахлокий билимлар замонавий иқтисодчи мутахассисларнинг ахлокий карашларини, эътиқодини тарбиялайди ва дунёкарашини янги бир погонага кўтаради.

Замонавий иқтисодчилар ўз дунёкарашидан келиб чиккан холда фаолият юритади ва бу дунёкараш унинг ўз шахсига, одамларга, ҳаётга бўлган муносабатини йўналтирувчи асос сифатида майдонга чиқади. Ҳаётий мақсадни

танлаш ва унга интилиш ҳам мълум ахлоқийликни талаб этади. Ахлоқий маданият даражаси шахснинг ўз олдига қўйган мақсадлари қанчалик ахлоқий эканлиги ва уларга эришиш учун фойдаланилаётган воситалар ахлоқий нуктаи назардан кандай эканлигини белгилайди.

Инсоннинг ахлоқий такомиллашганлиги унинг мотивациясида, инсонпарварликнинг эгоизмдан, умуминсонийликни хусусийдан устунилигига намоён бўлади. Аммо бундай мақсадга эришиш учун, авваломбор, ахлоқий тарбия жараёнини илмий-педагогик асосда режалаштириш ишини бажариш талаб этилади. Ахлоқий тарбия жараёнини режалаштириш учун замонавий иқтисодчиларнинг ахлоқий тарбия даражасини ўрганиш талаб этилади.

Бугунги кунда ахлоқий тарбия олдига қўйилаётган жамият талабларини ўрганиш ва бу талабларни бажариш йўлларини қидиришдек вазифа хам ахлоқий тарбиянинг вазифаларидан бири бўлиб хисобланади. Нафакат бугунги, балки эртанги кун талабларидан келиб чиккан холда иқтисодий таълим муассасаларида тарбиявий ишларни режалаштиришимиз ва ташкил этишимиз лозим.

16.2. Иқтисодчининг ўзига, жамоага ва жамиятга нисбатан маданияти

Амалиётда тадбиркор ёки раҳбар маданияти аник кўрсаткичларда ўз ифодасини топади. Уларни куйидаги З гурухга бўлиш мумкин.

1. Тадбиркорнинг ўзига нисбатан маданиятилиги.

- сўз билан ишнинг бирлиги;
- ўз касбий маҳоратини, иктидори-маънавий комиллигини ўстириш устидан қайғуриш;
- ўз-ўзини танқид асосида ўз камчиликларини бўйнига олмок;
- ўз малакасини оширишга бўлган интилиш ва унинг уддасидан чиқа олиш;
- ўзига ва меҳнат фаолиятига бўлган талабчанлик.

2. Тадбиркорнинг жамоага нисбатан маданиятилиги, халқпарварлиги, яъни:

- кишиларга эътибор ва хурмат;
- кишиларга хайрихоҳ ва илтифотли бўлиш;
- олижаноблик ва бегаразлик, холислик.

Фуқаролик ва касбий бурчини бажарши.

- одамларга ишонч, кишиларнинг ўз қучига, кобилиятига бўлган ишончини қўллаб-куватлай олиш, унинг шахсий камчиликларини бартараф килишга йўналтира билиш;

- юкори нүк маданиятига эга бўлиши ва ташки кўринишдаги озодалиги;
- салбий фазилатларга эга бўлган, конун-коидаларга риоя килмайдиган, алабсиз кишиларга, шу жумладан, кавму-кариндош ва якин танишибилишларига нисбатан токати йўқ.

Меҳнат ва дўстликдаги шерикчиллик.

- ўзаро ёрдам ва қувватлаш;
 - хозиржавоблик ва мажбурийлик, сўзсиз бажаришлиқ;
 - талабчанлик.
3. Тадбиркорнинг жамиятга нисбатан маданиятилиги.
- юкори даражадаги фукаролик, ватанпарварлик ва байналминаллик;
 - жамият баҳт-саодати йўлида ҳалол меҳнат килиш, юрт бойлигини кўпайтириш хақида ғамхўрлик килиш;
 - ижтимоий бурчни юксак даражада англаш, жамият манфаатлари бузилишига нисбатан шафқатсиз бўлиш;
 - кўпфиқрлилиқка, очик кўнгиллик бўлиш ва уни ҳурмат килиш.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам иктисадчи ёки тадбиркор қайси бўғинда раҳбар бўлишидан катъий назар, ўзининг асосий мажбурияти, яъни кўл остидагиларни ўзининг мисолида тарбиялашни унутмаслиги керак. Чунки раҳбар нафакат мансабдор, у ўз навбатида ҳам тарбиячи, ҳам социолог, ҳам психологдир, содда килиб айтганда, раҳбар – бу кишилар ўртасидаги мураккаб муносабатларни созловчи, уйғунлаштирувчи «муҳандисдир».

16.3. Ишчи ходимларни қабул қилиш, кенгаш ва мажлисларни олиб боришдаги маданият

Тадбиркор ўз навбатида раҳбардир. У ходимларни қабул қилиш маданиятига эга бўлиши лозим. Чунки, ходимларни қабул қилиш, уларнинг ташвишларига кулок солиш, оғирларини енгил қилиш ҳар бир раҳбарнинг бурчи ва вазифаси хисобланади. Шунинг учун ҳам қабул маданиятига риоя қилиш учун раҳбар кўйидагиларга эътибор бермоғи лозим:

1. Сухбатдошингизни канча вактингиз борлиги тўғрисида огохлантиринг;
2. Факат сухбатдошингиз гапларини инобатга олиб, вазиятни кўз олдингизга келтиринг;
3. Тўхтатиб бўлмайдиган, узил-кесил мунозарадан ўзингини тийинг;
4. Ўз фикрингизни ишончли ва батафсил айтинг;

5. Овозингизни баланд килмасдан гапиринг, сўзларингиз дона-дона ва равон бўлсин;
6. Саволларни шундай тузингки, уларни тушуниш бир хилда бўлсин;
7. Сухбатдошингизнинг юмуши ўзи учун ўта мухим эканлигини унутманг.

Қабулингизда бўлган шахснинг муаммосини ҳал этишга имконият бўлмаган тақдирда ҳам сиз уни самимий, илтифот билан кузатинг ва хайрихохлик билан ишининг ўнгланиб кетишига умид бахшида этинг.

Ташкилотда раҳбарлардан қайси бири, қандай масала юзасидан кишиларни қабул килиши аник белгилаб кўйилиши зарур. Бўйсунувчиларни илтимосига кўра, қабул килганда раҳбар уларга илтимос ва таклифларини киска баён килишни ўргатиши лозим. Умуман, раҳбар ўзи таклиф килиб қабул этса, бўйсунувчи бу ҳакида олдиндан хабардор килиниши талаб этилади.

Киска хулоса

Ушбу бобда замонавий иктисадчида адаб фазилатлари мажмуасининг мавжудлиги, иктисадчининг ўзига, жамоага ва жамиятга нисбатан маданияти, ишчи-ходимларни қабул килиш, кенгаш ва мажлисларни олиб боришдаги маданият, иктисадчи шахсига хос сифатлар, замонавий иктисадчи маънавияти, иктисадчи сиймосига қўйилган талаблар ва унда шаркона фазилатларнинг намоён бўлиши кабилар бўйича маълумотлар берилган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама килиш учун саволлар:

1. Замонавий иктисадчида адаб фазилатлари мажмуасининг мавжудлигини аникланг?
2. Иктисадчининг ўзига, жамоага ва жамиятга нисбатан маданияти Сизнингча қандай бўлиши керак?
3. Ишчи-ходимларни қабул килишдаги раҳбар маданияти ҳакида гапиринг?
4. Кенгаш ва мажлисларни олиб боришдаги раҳбар маданияти қандай бўлса мақсадга мувоғик бўлади?
5. Замонавий иктисадчи шахсига хос сифатларни белгиланг?
6. Иктисадчи маънавиятига мисоллар келтиринг?
7. Замонавий иктисадчи сиймосига қўйилган талабларни сананг?
8. Иктисадчида шаркона фазилатлар қандай намоён бўлади?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: «Мехнат», 2000.
2. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иктисадий педагогика (Ўкув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2002.
3. Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иктисадиёти. – Тошкент: Молия, 2002.
4. Тожибоева Д. Иктисадиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси (Ўкув қўлланма). – Т.: Молия, 2003.
5. Бордавская Н.В., Реан А.А. Педагогика. - М.: Питер, 2004.
- Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
6. Пронина Е.Н, Лукашевич В.В.. Психология и педагогика. Учебник для студентов ВУЗов. - М.: Элит, 2004 г.
7. [www. bilimdon. uz](http://www.bilimdon.uz). - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг асосий веб сайти.

XVII боб. МУТАХАССИСНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ ТАРБИЯЛАШИ ВА БОШҚАРУВИННИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- 17.1. Бошқарув назарияси ва бошқарув жараёнининг илмий асосланган лойиҳаси.**
- 17.2. Замонавий иқтисодчининг ўз-ўзини тарбиялаш жараёни.**
- 17.3. Иқтисодий бошқарув ва унинг тамоиллари.**
- 17.4. Бошқаруш тамоиллари ва услуби.**

17.1. Бошқарув назарияси ва бошқарув жараёнининг илмий асосланган лойиҳаси

Бошқарув моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишга каратилган фаолият бўлиб, алоҳида касб тури хам хисобланади.

Бошқарув билан ёнма-ён менежмент атамаси ишлатилади. Менежмент деганда асосан фирма доирасидаги ижтимоий-иктисодий жараёнларни бошқариш тушунилади. Бошқача айтганда, фирма фаолиятини бошқаришга фирма менежменти дейилади. Фирма фаолиятини бошқарувчи шахс менежер хисобланади. Менежерлар одатда ёлланиб ишловчи ходим бўлиб, улар факат фирма мулкини бошқариш хукукига эга бўладилар. Менежерлар бошқарув тўғрисидаги билимларини пухта ўзлаштирган ва бозор шароитида фирмани бошқариш малакасига эга бўлган раҳбарлардир.

Бугунги кунда бозор иктисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ракобатбардош маҳсулот яратиш ва уни сотиш таваккалчилиги юкори бўлган муҳит хисобланади. Бундай шароитда фирмани бошқариш тўфонли денгизда кемани бошқариш каби мураккаб ва кийин. Кема канчалик мустаҳкам бўлмасин, уни табиат стихияси ихтиёрига топшириш халокатлидир. Моҳир капитангина кемани бус-бутун соҳилга етказа олади. Худди шундай, ҳар кандай ийрик, фойда кўриб ишлаётган фирмани ҳам бошқаришга эҳтиёж сезилади.

Бошқарувнинг асосий максади иктиносидий фаолиятнинг пиравард натижаси хисобланган фойдани таъминлашдан иборат. Ушбу максадларга эришиш учун бошқарувчилар ишлаб чиқариш жараёнини тўғри ташкил этиш, илгор технологияларни ўзлаштириш, ҳом-ашё ва материаллардан чикитсиз, тежамли фойдаланиш, тажриба ва малакали ишчи ва ходимларни ишга жалб этиш, уларнинг ишга ижодий, вижданан ёндошишларига шарт-шароит яратиш кабиларга ахамият берадилар.

17.2. Замонавий иктисодчининг ўз-ўзини тарбиялаш жараёни

Замонавий иктисодчининг сифат хислатларини белгиловчи мезонлар бисёрдир. Бирок куйидаги ижобий хислатлар улар орасида алоҳида мавқега эга:

Дөвюраклик – бундай тадбиркор раҳбарда мардонаворлик, ботирлик, дадиллик мавжуд бўлдаи. Улар омадсизликдан кўркмайди. Кўркув уларни жасоратга чорлайди ва зафарларга олиб келади.

Сабрлилик – бундай тадбиркор раҳбар муваффакиятга бирданига эришиши мумкин. Унга факат бардош ва сабр-токатли бўлиб, сабот-матонат билан кийинчиликларни енгиш оркали эришиш мумкинлигини билдиради.

Яхши ниятилик – бундай раҳбар хайриҳоҳ ва илтифотли хамда, кишиларга нисбатан доимо эзгу ниятда бўлади. Ўзидаги қаноатсизликни гирром ракобатчилик йўли билан эмас, балки хайриҳоҳлик йўли билан бартараф килишга харакат киласи.

Камтаринлик – бундай тадбиркор камтарликнинг деярли ҳар доим истеъоддога тўғри пропорционал эканлигини, камтарликнинг етишмаслиги эса нодонликнинг даракчиси эканлигини яхши тушунади.

Самимий хушиуомалалик - бундай тадбиркор софдил, очик кўнгил бўлади, чин юракдан гапиради. Кўл остидагиларга садоқат билан ихлос кўйиб хизмат киласи. Улар самимийликнинг оғир ва жуда нозик масала, маънавий одобни талаб этишини, шунингдек, кимки ўзгалар билан носамимий муносабатда бўлишга одатланган экан, у пировард натижада ўзига ҳам самимий бўлолмай колишни яхши тушунади.

Шундай килиб, замонавий иктисадчи ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида юкоридагиларга фазилатларга эга бўлса, унинг иши доимо самарали бўлади ва жамоада катта обрў-эътибор козонади.

17.3. Иктисадий бошқарув ва унинг тамойиллари

Иктисадий бошқарувчилар аввало, таваккалчилик даражасини, банкротлик эҳтимолини камайтириш чора-тадбирларини кўришлари лозим. Шундан келиб чикиб, фирма менежменти олдига куйидаги вазифалар кўйилади:

- ишлаб чиқаришни юкори технология ва малакали ходимлар билан таъминлаш;
- кулагай меҳнат шароитлари яратиш ва юкори маош белгилаш оркали ходимларни самарали ишлашга рағбатлантириш;

- фирма фаолиятини доимий назорат килиш;
- фирма бўлимларининг фаолиятини мувофиклаштириш;
- янги бозорларни кидириб топиш ва ўзлаштириш;
- хом-ашё ва материалларнинг доимий таъминотига эришиш;
- фирма фаолиятининг устувор йўналишларини аниклаш;
- хўжалик фаолияти олдига кўйилган вазифаларни аниклаш ва уларни ечишнинг аниқ йўлини ишлаб чикиш.

Фирма ёки корхонанинг бошқарув стратегияси деганда мақсад килиб кўйилган вазифаларни бажаришнинг асосий йўллари ишлаб чикиш ва амалга ошириш учун танлаб олинган умумий бошқарув қоидалари ҳамда усуллар тушунилади. Умуман олганда, бошқарув стратегияси «кандай килиб ва қайси усуллар билан» деган саволга жавоб беради.

17.4. Бошқариш тамойиллари ва услуби

Агар самарали бошқарув бўлмаса, режалаштириш, ташкил килиш, ўқитиши, тарбиялаш, моҳиятлаш ва назорат килиш вазифасини самарали бажариш мумкин эмас.

ОТМни бошқариш самарали бўлиши учун ўқув-тарбия жараёни барча иштирокчиларнинг – талабалар, профессор-ўқитувчилар таркиби, ўқув-ёрдамчи соҳа ва маъмурият ходимлари ва бошқаларнинг манфаатлари бундай ранг-баранглиги, табиийки, уларни бошқаришнинг тегишли тамойилларини танлашни талаб қиласди.

Ривожланган мамлакатларда таълимни бошқаришнинг саккизта асосий тамойилидан фойдаланилади. Шулардан 1-4 тамойиллар топширикни бажаришга – буюртмачилар (мехнат бозори, фан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва х.к.) нинг талабларига мувофик малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини амалга оширувчилар таркиби, маъмурият ходимлари ва бошқаларга каратилган.

1. Ижодий ёндашиш тамойили, одатда, ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда кўлланилади.
2. Фаолияти мунтазам режалаштириш тамойили ҳам таълим муассасалари турли бўлинмаларда, ҳам ўқув-тарбия жараёнини амалга оширишда кенг кўлланади.
3. Раҳбарият услубининг мослашувчанлик тамойилидан тез-тез ўзгариб турадиган вазиятда ишловчи кўпчилик раҳбарлар фойдаланади.
4. Бир-бирини тушуниш ва ҳамфирлилик бошқарув ғоясини белгилайди.

- Гурху (жамоа) хамкорлик тамойилидан, одатда кафедра, лаборатория, факультет, ОТМ илмий ва бошка бўлиннамаларни бошқариша фойдаланилади.
- Буюртмачини назарда тутиш тамойилидан ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда, айникса буюртмачининг талабига мувофик мутахассисларни иктинослаштиришда фойдаланилади.
- Ижобий фикрлаш ва кулай муҳит тамойилидан хамиша бошқарувнинг бошка тамойилларини хам қўшган ҳолда фойдаланилади.
- Ваколатни бериш тамойилидан, одатда, ОТМ бўлиннамалирида улар ходимлари касбий мукаммаллашувига кўмаклашиш максадида фойдаланилади.

Бошқарув тамойиллари самарадор мажмуини танлаш – муваффакиятга эришиш гарови, холос. Бошқарув муваффакиятининг муҳим омили раҳбарлик услуби хисобланади. Одамлар билан ишлай билишлик раҳбарнинг асосий касбий даъвати хисобланади.

Рахбар услуби раҳбарнинг куйидагиларга канчалик мойиллигига боғлик:

- бошка раҳбарлар билан хокимиятни бўлиша олишлигига;
- ўзига бўйсунувчилар тадбиркорлигига ва ташаббускорлигидан фойдалана олишига;
- раҳбарлигидагиларга ҳаракат режасини ишлаб чиқариш ва амалга оширишликни ишониб топширишига.

Демак, бошқарувнинг бирор услубини мутлақлаштириш максадга мувофик эмас. Муҳими – муайян вазиятларга мувофик бошқарув фаолиятида уларни қўшиб олиб бора билишдадир.

Қисқа хулоса

Ушбу бобда бошқарув назарияси ва бошқарув жараёнининг илмий асосланган лойиҳаси, замонавий иктисадчининг ўз-ўзини тарбиялаш жараёни, иктисадий бошқарув ва унинг тамойиллари, бошқарув ва унинг назарий асослари кабилар хусусида фикрлар бидирилган ва талабаларга ишонарли тарзда берилган.

Ўз-ўзини назорат ва мухокама қилиш учун саволлар:

1. Бошқарув назарияси ва бошқарув жараёнининг илмий асосланган лойихаси хусусида фикр билдиринг?
2. Замонавий иктисадчининг ўз-ўзини тарбиялаши жараёнига нималар киради?
3. Иктисадий бошқарув ва унинг тамойилларини кўрсатинг?
4. Бошқарув ва унинг назарий асосларини таърифланг?
5. Мехнат шароитлари қандай бўлса мақсадга мувофиқ бўлади?
6. Фирма фаолиятининг усутувор йўналишларини аниqlанг?
7. Бошқарув стратегияси деганда нимани тушунасиз?
8. Бошқарувнинг қандай тизимини биласиз?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. Олий таълим менежменти ва иктисадиёти. – Т.: Молия, 2002.
2. Тожибоева Д. Иктисадиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси (Ўкув кўлланма). – Т.: Молия, 2003.
3. Хўжаев Э., Юнусова Р., Ражабов Э. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. – Самарканд, 1997.
4. Эгамбердиев Э., Хўжамкулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик.-Т.: Маънавият, 2003.

XVIII боб. ЗАМОНАВИЙ ИҚТІСОДЧИНІНГ МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

- 18.1. Замонавий иқтисодчининг шериклар ўртасидаги ўзаро муносабати.*
- 18.2. Замонавий иқтисодчининг хизмат юзасидан мижозлар билан муносабати.*
- 18.3. Мижозларни қабул қилишида замонавий иқтисодчининг маданияти.*

18.1. Замонавий иқтисодчининг шериклар ўртасидаги ўзаро муносабати

Бизнесдаги муваффакият маълум даражада тадбиркорнинг шериклари билан алоқаси қанчалик түгри тузилғанлыгига боғлик.

Шерик деб, бирор бир биргалиқдаги фаолиятнинг иштирокчисига айтилади. Бир ёки бир неча тадбиркорлик лойихаларини хамкорликда амалга ошираётган корхона ва ташкилотлар хам шерик бўлишлари мумкин.

Тадбиркорнинг шериклари билан алокаларини мустаҳкамлашда куйидагилар катта ахамиятга эга:

- умумий гояга қизиккан ва уларни амалга оширишга тайёр бўлган шериклар билан алоқа ўрнатиш. Шерикларни маънавий кўллаб-қувватлашлари учун эмас, балки биргаликда унумли ишлаш учун танлаш керак.

- бошлиқ билан тузилган келишув шартларига каттиқ риоя қилиниши керак. Бунда қайси шерикнинг фаолиятга қўшадиан хиссаси (пули, хом-ашё, жиҳоз, меҳнат сарфи) албатта акс эттирилиши керак;

- агар шерик фирманинг меҳнат жамоасига кўшилмокчи бўлса, у холда унинг мажбуриятларини бажариш муддати, ишга кириш вакти ва иш кунининг давомийлиги белгилаб берилиши керак;

- ишдан ўз хохиши билан ёки турли хилдаги ножӯйликлар оқибатида бўшагандан ўз улушини олиш ва хоказолар таъминланади.

Фирма ёки тадбиркор томонидан товар етказиб берувчиларни түгри танлаш мухим ахамиятга эга. Улар муносабатининг тавсифи буюртмачи фирмасининг тижорат муваффакиятига боғлиқdir. Кичик бизнесдаги тадбиркор тузилмалар ўзларининг муносабатларини куйидагиларни хисобга олиб ўрнатишлари кера:

1. Хом-ашёдаги сарфни, уларнинг сифати ва етказиб бериш муддатига зарар етказмасдан камайтириш;



2. Буюртмачи корхоналар томонидан бир неча товар етказиб берувчилар билан узоқ муддатли муносабатларни йўлга солиш максадга мувофиклиги;
3. Турли йўналишларда, бошқарувнинг турли поғоналарида кўп микдорда аюла ўрнатиш;
4. Умумий ишлаб чикириш муаммоларини биргаликда ечишга, янги маҳсулот технологияларини ишлаб чикишга субпурдатчиларни жалб килиш.

18.2. Замонавий иктисадчининг хизмат юзасидан мижозлар билан муносабати

Бизнес ютуғи нафакат фирма ишини иктисадий кўрсаткичларига, балки сезиларли даражада тадбиркорнинг ўз хизматчилари билан муносабати накадар тўгри қуртилганига боғлик. Юкори натижага эришаётган ишбилармонлар ўз ишида инсон омилига катта эътибор берадилар, яъни ўз хизматчилари билан муносабатларини ўзаро ҳурмат, тартиб, ҳакгўйлик, одиллик асосида қурадилар. Тадбиркор ва ишчиларнинг муносабатлари асосий иш битимида белгиланади.

Кисман уларда куйидагилар изохланади:

- ишчи мажбуриятлари;
- иш ҳакини тўланиши ва муддати;
- иш кунининг давомийлиги;
- малака ошириш, иш ҳакини ошириш шарти ва бошқа масалалар;
- меҳнат таътилининг давомийлиги ва шарти;
- ишга олинаётган ҳар бир кишига уч ойдан олти ойгача синов муддати белгилаш маъкул. Шу давр ичida янги ишчининг айнан бирор ишни мутахассислик даражасинга ва малакасига, лавозим талабларини хисобга олган ҳолда ўрганиш мумкин.

Инсоннинг жамоа билан бирга киришиб кетиш, интизомийлик ва унинг касб сифатига бевосита боғлик бўлмаган сифатлари кузатиш манбаи бўлиб хизмат килиши мумкин эмас. Текшириш давомида кузатилаётган ишчиларнинг зарур билим ва амалий маҳорати аникланади. Тадбиркор бошликлар, мутахассислар ва хизматчиларнинг мажбуриятлари ҳажми ҳакида кўшимча кўрсатма ва низомларда кўрсатиб кискартириш ёки кўпайтириш мумкин.

18.3. Мижозларни қабул қилишда замонавий иқтисодчининг маданияти

Тадбиркорлик ва кичик бизнесда мижозлар билан муносабатга мухим ахамият бериш керак. У мижозларни қабул қилиш маданиятига эга бўлиши лозим. Чунки, мижозларни қабул қилиш, уларнинг ташвишларига кулок солиш, оқирларини енгил қилиш, ҳар бир раҳбарнинг бурчи ва вазифаси хисобланади. Шунинг учун ҳам қабул маданиятига риоя қилиш учун раҳбар куйидагиларга эътибор бермоғи лозим:

- мижозингизни канча вақтингиз борлиги тўғрисида огохлантиринг;
- тўхтатиб бўлмайдиган, узил-кесил мунозарадан ўзингизни тийинг;
- ўз фикрингизни ва гоянгизни ишончли ва изчиллик билан баён этинг;
- қарши танбех ҳолларда ўзингизга нисбатан танқидий ёндошинг;
- шунчаки фикрлаш ёки ҳакикатан ҳам шунаками – булас ўртасидаги фаркни билинг;
- муаммо мухокамасини аник ечим билан тугатинг, ишни қалаштирунг;
- мижозингизнинг юмуши ўзи учун ўта мухим эканлигини унумтранг.

Мижоз ким бўлишидан катъий назар: ташкилотми, корхонами, фирмами ёки якка шахсми – аввало тадбиркор олдида ўз муаммолари билан мурожаат килаётган инсон эканлигини эсда тутиши лозимдир.

Тадбиркорнинг вазифаси – мижозни ўз кўлига олиб ушлаб қолмок. Ҳар бир тадбиркор шу мақсадда ўз ишини мижозга бағишламоғи керак. Шунинг учун ҳар бир ходимнинг хушмуомала, эътиборли, ишончли ва тартибли, ҳалол бўлиши учун тарбиялаш керак.

Қисса хулоса

Ушбу бобда замонавий иқтисодчининг шериклар ўртасидаги ўзаро муносабати, тадбиркорнинг ишчилар билан жамоадаги ўзаро муносабати, замонавий иқтисодчининг хизмат юзасидан мижозлар билан муносабати, мижозларни қабул қилишда замонавий иқтисодчининг маданияти хусусида атрофлича фикр юритилган ва энг асосийси талабаларга тушунарли тарзда баён этилган.

Ўз-ўзини назорат ва мухокама қилиш учун саволлар:

1. Замонавий иктисадчининг шериклар ўртасидаги ўзаро муносабати кандай бўлади?
2. Тадбиркорнинг ходимлар билан жамоадаги ўзаро муносабатини изохлаб беринг?
3. Замонавий иктисадчининг хизмат юзасидан мижозлар билан муносабатини кўрсатиб беринг?
4. Мижозларни қабул қилишда замонавий иктисадчининг маданияти кандай бўлса мақсадга мувофик бўлади?
5. Тадбиркорлик фаолиятида кандай касб эгалари бўлиши керак деб хисоблайсиз?
6. Тадбиркорлик омилларига нималар киради?
7. Тадбиркорлик мухитини яратишда ракобат кандай рол ўйнайди?
8. Замонавий иктисадчига хос фазилатларни кўрсатиб беринг?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: «Шарқ», 2002.
2. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: «Мехнат», 2000.
3. Хўжаев Э., Юнусова Р., Ражабов Э. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. – Самарқанд, 1997.
4. Эгамбердиев Э., Хўжамкулов Х. Кичик бизнес ва тадбиркорлик.-Т.: Маънавият, 2003.
5. www.talant.srrrb.ru/Fwaldd.html.

XIX боб. ЗАМОНАВИЙ ИҚТІСОДЧИДА МИЛЛИЙ ОНГНИ ТАРБИЯЛАШ

1. *Fоя – инсон тафаккурининг маҳсули.*
2. *Ўзбекистонда миллий истиқбол мағкураси.*
3. *Замонавий иқтисодчида миллий онгни тарбиялаш.*
4. *Замонавий иқтисодчига хос ижтимоий сифатлар (ақл, одоб, илм, истеъдод, меҳнатсеварлик, билимлилк, миллий гоя, миллий мағкура, миллий гурур, миллий онг, ватанпарварлик, инсонпарварлик, маънавий баркамоллик, етуклик).*

19.1. Фоя – инсон тафаккурининг маҳсули

Бой маънавий кадриятларимизга муносабатни белгилашда Президентимиз И.А.Каримов мақсад, факат илмий маданий меросни ўрганиш эмас, балки бетакрор хазинамизнинг илмий, амалий тамойилларини янги даврга хизмат килувчи кирралари, хизматларини очиш, уларни ҳаётга тадбик килишдан иборат эканлигини мустақиллигимизни илк кунлариданок белгилаб берган эдилар.

И.А.Каримов миллий **фоя**, миллий мағкура ҳар кунга ҳаёт шароитларидан келиб чикиши билан бирга ҳар бир фукаронинг, давлатнинг, миллатнинг истиқболидан ҳам келиб чикишини «Фидокор» газетасининг мухбири билан (2000, июнь) «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» номли мулокотларида баён килган эдилар.

Фоя – ўтмиш сабоқларига таяниб, ҳозирги кун эҳтиёжлари ва имкониятларини чукур билиш, таҳлил этиш асосида истиқболни чукурроқ, аникроқ англашга имкон берадиган, жамият тараққиётининг асосий, мухим йўналишларини ифодалайдиган, одамлар фаолиятини муайян, мўътадил мақсадлар ва манфаатлар асосида бирлаштирадиган, илмий асосланган, амалий эҳтиёжлар билан тақоза этилган умумий фикрлар, карашлар, хуросалар, мақсадлар тизимиdir. Фоя ҳал этилмаган, этилиши лозим бўлган мухим муаммолар, вазифалар тизимини ўз ичига олади ва асосан истиқболга йўналтирилган бўлади.

И.А.Каримов гояни «одамларнинг минг йиллар давомида шакланган дунёкараши ва менталитетига асосланган, айни пайтда шу ҳалк, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аник - равшан белгилаб

беришга хизмат киладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида кўпроқ бўлишга кодир бўлган» маънавий куч деб таърифлайди.

19.2. Ўзбекистонда миллий истиқлол мафкураси

Одам туғилиши билан ўзида инсоний хислатларни шакллантира бошлайди. Бу хислатлар шахсий характер, мижоз, хиссиёт, дикқат, идрок ва хотира таъсиридан ўтиб, шахсий хислат тусини ола бошлайди. Инсон секинаста шахс деган мақомга эга бўлади Шахслар эгаллаган билимлари хажми ва одамлар тақдирини ўзгартира олиш доирасига қараб оддий, кучли ва буюк шахслар тоифасига бўлинадилар.

Шахснинг камолотга эришиш жараёни мураккаб бўлиб, кишининг ирсий бирликларидағи дастури (тақдири азал), шахсий шижоати ва ташки ижтимоий, шу жумладан, максадга йўналтирилган таълим-тарбия мухитларининг таъсири остида кечади.

Тарихий тараккиёт – одамларнинг муайян табиий ва ижтимоий эҳтиёжларга таяниб, улар билан боғлик мақсад ва манфаатларни англаб, бирбири билан турли шакл ва даражалардаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ахлокий, ҳукукий муносабатлар тизими асосида боғланиб фаолият кўрсатишидир. Бу фаолият ўз-ўзидан, стихияли, қандайдир ғайритабиий кучлар томонидан амалга оширилмайди. Маънавиятли ижодий ўйлаш, фикрлаш салоҳиятига эга бўлган инсон ўз фаолиятини тарих сабоклари, ўтган авлодларнинг тажрибасига таяниб, уларни муайян давр, шароитларга мослаб режалаштиради, шу асосда истиқболга интилади.

Инсоният тарихи турли гоялар, улар асосида шаклланган мафкураларнинг юзага келиши. Ривожланиши ва кураши тарихидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кўрсатиб ўтганидек, «Ўзининг хаётини, олдига кўйган мақсадларини аник тасаввур кила оладиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса ҳар кайси давлат ва жамият, колаверса ҳар кайси инсон йўлини йўкотиши мукарарр».

Мафкура инсонга ўз моҳиятини, шахсий ва умумий манфаатлар нисбатини, муайян миллатга ижтимоий. Сиёсий гурухларга мансублигини англашига, шу асосда ўз хаётий мўлжалларини, фаолиятининг моҳияти ва мақсадларини белгилашига имкон беради. Мафкура ва ғоя инсонларга шахсий, ижтимоий, миллий ўзликни англашга имкон берадиган маънавий омиллардир.

19.3. Замонавий иктисадчида миллий онгни тарбиялаш

Инсон тарихи - гоялар тарихи. Фоя – инсон тафаккури маҳсули, миллий гоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир. Миллий гоя – инсон ва жамият хаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи.

Мафкура эса муайян ижтимоий гурух, ижтимоий катлам, миллат, давлат, халк ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган гоялар тизимиdir.

Миллий онг бир миллатга мансуб бўлган кишилар ўз ватанининг, ҳалкининг тарихи, аждодлари колдирган мерос ва амалий тажрибани умуминсоний кадриятлар билан боғлик равишда чукур ўрганиши ва ўзлаштириши, миллат кадр-қиммати, обрў-эътиборини баланд кўтариши, мамлакат имкониятлари, миллий манфаатларини чукур англаган холда истиклол ва истиқбол йўлида фидокорона хизмат килиш, бошка миллатларга ҳам адолатли муносабатда бўлиш, уларнинг моддий ва маънавий манфаатларини хурмат килиш асосида шаклланади. Миллий ҳар бир этник гурух, унинг вакиллари ўзини ижтимоий-тарихий жараённинг, жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми, муайян манфаатлар, мерос ва кадриятларнинг соҳиби сифатида англашдир.

Миллий онг ўсиши миллий маънавият ривожланиши даражаси, имкониятлари билан белгиланади. Етук миллий онг баркамол миллий маънавиятнинг натижаси сифатида юзага келади. Шунинг учун ҳам миллий онг миллий маънавиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Миллий ўз-ўзини англаш, ўз навбатида, маънавий камолата янги имкониятлар, уфқлар очади. И.Каримов кўрсатиб ўтгандек «ҳакконий тарихни билмасдан туриб... ўзликни англаш мумкин эмас».

Шундан кўринадики, миллий онг оддий ҳис, туйгу эмас, балки муайян аҳлоқий, ҳуқуқий, илмий, мафкуравий қадриятларга асосланган эътиқоддир.

Мустакиллик шароитида ёшларни тарбиялашда миллий онгнинг куйидаги жиҳатларига асосий эътибор бериш зарур.

Миллий онг – миллий бирлик ва бирдамлик туйғуси шаклланиши ва ривожланишининг асоси.

Миллий онг – миллий масъулият ҳамдир.

Миллий масъулият ҳар бир фукаро ўз манфаатларини миллат, миллий давлат манфаатлари билан боғлай олишидир. Бозор муносабатларига ўтиш,

ишбилармонлик, тадбиркорликка кенг йўл ояилиши миллий ва фуқаролик масъулияти масаласини тушунишга хам янги жиҳатлар киритди. Миллий масъулиятнинг мухим жиҳати миллий манфаатларни англашда кўринади. Шахс ва унинг манфаатларини сиёсий ақидалар соясида колдириб кетган, мавхум ижтимоий манфаатларнинг тўлиқ хукмронлигини таъминлашга мослаштирилган сиёsat ва мафкура барҳам топди.

Ўзбекистон халқининг миллий тараккиёт йўлидаги бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишdir. Бу гоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаoliyatининг маъно-мазмунини белгилайди, ҳар инсон учун мukадdas бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади.

Миллий истиклол мафқурасининг асосий ғоялари халқимизнинг мустакил тараккиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади ва ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни халқимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиласди.

19.4. Замонавий иқтисодчига хос ижтимоий сифатлар

Маънавиятнинг яна бир мухим жиҳати билим, илм, малака, истеъод ва кобилият бўлиб, улар хам муайян ахлоқий камолот заминида шаклланади.

Замонавий иқтисодчи мутахассисларнинг билими, илми, амалий малакалари ривожисиз жамият тараккиётини тасаввур этиб бўлмайди. Муайян маънавий эҳтиёжларга, ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган кишиларда илм-фанни ўрганишга, ҳалол меҳнат килиб, хунар-касбни эгаллашга, малака оширишга иштиёқ ҳам бўлмайди. Шу сабабли жамият тараккиётининг барча боскичларида аввал ёш мутахассис ларни тарбиялаб, кейин уларга таълим берганлар. Ўзбек миллий педагогикасидаги таълим-тарбияч ишлари тизимида ҳам ахлоқ, одоб тарбияси устувор аҳамиятга эга бўлган.

Маърифатпарвар аллома Авлоний инсон маънавий камолотининг йўллари устида тўхтаб, шундай деб ёзади: «Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун ғоят мukадdas бир фазилаттур, зероки илм бизга ўз ахволимизни, харакатимизни ойна каби кўрсатур, зехнимизни, фикримизни килич каби ўткир килур, илмсиз одам мевасиз дараҳт кабидур».¹

Билимга, илмга эҳтиёж ҳам объектив заруриятни онгли тушуниш билан боғлиқ бўлган маънавиятдир, яъни англанган мақсадлар тизимиdir.

¹ Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: 1992.

Инсон фаолияти турли даражадаги аниқ билимлар, илмий назариялар, хуолосалар асосида амалга ошади. Билим, илм, тажрибага асосланган фаолият бирор аниқ соҳалар бўйича йўналиб, уларни чуқурроқ эгаллаш, ижодий меҳнат кила билиш билан bogлиq бўлган малака, хунар, касбга айланади.

Иймон, виждон, эътиқод, ихлос инсоннинг фаолиятига, максад ва интилишларига асос бўладиган, уларга баҳо бера олишга имконият яратадиган маънавий заминлардир. Бу маънавий қадриятлар бир-бири билан узвий боғланган бўлса ҳам, иймон уларнинг ўзаги, пойдеворидир.

Шундай килиб, бугунги кунда Ўзбекистон мустакиллигини мустаҳкамлашга хисса кўшаётган замонавий иктисадчиларнинг иймони мустакиллик ишига фидойилик, миллатпарварлиқ, байналмилалчилик, мамлакатимизнинг порлок келажагига ишонч, садоқат, ватанпарварлиқ ва миллий ифтихор туйгуларини ўзида тарбиялаш, меҳнатсеварлиқ, ишбилармонлик ва тадбиркорлик сингари янги ахлокимй-амалий қадриятларни билишдан ҳам иборат.

Қисқа хулоса

Шахснинг камолотга эришиш жараёни мураккаб бўлиб, кишининг ирсий бирликларидағи дастури (тақдири азал), шахсий шиҷоати ва ташки ижтимоий, шу жумладан, максадга йўналтирилган таълим-тарбия мухитларининг таъсири остида кечади.

Юкоридаги муроҳазадан келиб чиккан ҳолда ушбу бобда миллий истиқлолғояси, замонавий иктисадчига миллий онгни тарбиялаш, иктисадчига хос ахлокий хусусиятлар, иктисадчига хос миллий ғуур, миллий онг, маънавий баркамоллик, етуклиқ каби ижтимоий сифатларни тарбиялаш кабилар баён этилган.

Ўз-ўзини назорат ва мухокама қилиш учун саволлар:

1. Республикаизда маънавият-маърифат бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?
2. Тарбия мазмунининг моҳиятини белгилашда қандай ёндашувлар мавжуд?
3. Олий мактабда таълим-тарбия ишлари қандай шаклларда амалга оширилади?
4. Талабаларда маънавий-ахлокий одатларни тарбиялаш деганда нимани тушунасиз?

5. Тарбиявий ишлар механизмини таърифлаб беринг?
6. Касб таълими муассасаларида ахлокий тарбия муаммоси кандай тартибда амалга оширилади?
7. Талабаларнинг аклий фаолияти хусусиятлари кандай изохланади?
8. Маданият, маънавият, ахлок, одобга таъриф беринг?
9. Ахлокий тарбиянинг мақсад ва вазифаси ҳакида сўзлаб беринг?
- 10.Шарк мутафаккирларининг ахлокий тарбия ҳакидаги қарашларидан мисоллар келтиринг?
- 11.Ўзбекистонда миллий истиклол мағкураси.
- 12.Замонавий иқтисодчида миллий онгни тарбиялаш.
13. Замонавий иқтисодчига хос ижтимоий сифатларга нималар киради?
- 14.Маънавиятлилик белгиларини санаб беринг?
- 15.Иймон, виждан, эътиқод ва ихлоснинг инсон маънавиятидаги ўрнини кўрсатинг?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Нишонова С. Комил инсонни тарбияси: ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари учун кўлланмана. - Т.: Истиклол. 2003.
5. Бордявская Н.В., Реан А.А. Педагогика.- М.: Питер, 2004.
6. Мунавваров А.К. Педагогика. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
7. www.bilimdon.uz - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг асосий веб сайти.

XX боб. ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА УЛАРГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

1. *Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув кадрларни тайёрлашнинг ижтимоий-иктисодий асослари.*
2. *Иқтисодиётда бошқарии тамоилилари.*
3. *Иқтисодчи мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир қилувчи омиглар*

20.1. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув кадрларни тайёрлашнинг ижтимоий-иктисодий асослари

«Иктиносидий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади – деган эди Президентимиз И.А.Каримов¹, юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносаби ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун хам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади».

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да таълим хизматлари бозорининг стратегик мақсади сифатида, бозор муносабатларининг вужудга келиши шароитида самарали ишлашга кодир бўлган иқтисодчилар фаолиятининг барча даражалари ва соҳалари учун мутахассис кадрларни тайёрлаш ва бу билан Ўзбекистон иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишининг бутун жараёнига сезиларли таъсир кўрсатиш масаласи белгилаб қўйилган.

Республикамизда мавжуд Олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш ҳар йили 38-40 минг киши атрофидаги ўзгариб туради.

1990-2000 йилларда мутахассислар тайёрлашнинг йиллик ўсиши кузатилди, 2000 йилда бу кўрсаткич 41690 кишини ташкил килади. Бугунги кунда олий маълумотли мутахассисларга бўлган кўшимча талаб астасекин ўсиб бораётганда 2003 йилда 50 минг кишини, 2005 йилга келиб эса, 55-60 минг кишини ташкил килади.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараккиёти ва ҳалкимиз фаронолигини янада юксалтиришдир: 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни южтимой-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Мажхамасининг мажисидаги маъруза // Ҳарак сўзи газетаси. - 30.01.2010.

Шунингдек, бозор иктисодиёти шароитини кўзда тутиб, мутахассисларни тайёрлаш соҳасидаги таркибий силжишлар сақланиб колинади. Бу «Иктисодиёт ва бошқарув» ихтисослиги бўйича мутахассисларга бўлган эхтиёжнинг янада ошишини келтириб чиқаради. 1999-2000 йилларда иктисодий ва хукукий йўналишдаги олий таълим муассасаларига ўртacha йиллик кабул килиш 16,4 минг кишини ёки умумий кабулнинг 9,2%ни ташкил килади ва 1990 йилдан бўёнги даврда 1,3 марта ортди. Бу, ўз навбатида, Олий таълим муассасаларида ўқиётганларнинг умумий сонида ушбу ихтисосликдаги талаблар сони улушининг 1990 йилдаги 9,940% ўрнига 1997 йилда 116,5% гача олиб келди.

Ўзбекистонда 1992 йилда 53 та давлат олий таълим муассаси мавжуд бўлиб, уларнинг улуши олий таълим муассасалари умумий сонининг 100%ни ташкил этарди. Давлат олий таълим муассасалари сонининг ўсиши кўйидаги тарзда юзага келди: 1985-1990 йиллар мобайнида уларнинг сони олий таълим муассасаларининг 100% даражасида баркарорлашди; кейинги йилларда уларнинг ўсиш суръати бир йилда тахминан 3-4 тани ташкил килди; 1990-1996 йилларда эса уларнинг сони 58 тага ёки 23,4%га ошли.

Давлат олий таълим муассасаларида 1997 йилда 158,2 минг талаба таълим олди, бу 1995 йил билан солиштирганда 68,8% ташкил килди. 2000 йилга келиб талабаларнинг сони 172,4 минг киши, 2002 йилда эса 198 минг кишига етди (йиллик ўсиш суръати 2-3%). Факатгина 1995-2000 йилларда талабалар сонининг ўсиши қайд этилди; хар или ўсиш суръати 1,5% ни ташкил килди (1995 йил-192070, 2000 йил-198017).

Олий таълим муассасаларининг иктисодий худудлар бўйича таксимланиши бир хил эмас: масалан, уларнинг 31%и ёки 30 та олий таълим муассасаси Тошкент шахри ва пойтахт вилоятида жойлашган, шулардан Тошкент шаҳрида 30 та олий таълим муассасаси ёки 40%; Фарғона водийсида 11 та ёки 17,8%; колган худудларнинг улуши 34,2% даражасида бўлиб, Самарканд шаҳрида 6 та олий таълим муассасаси жойлашган, бу Ўзбекистонда давлат олий таълим муассасалари умумий сонининг 9% га teng.

Давлат олий таълим муассасалари талабалари сони олий таълим муассасаларинг улушкига тахминан мос келади, масалан, Тошкент шахри ва Тошкент вилоятининг олий таълим муассасалари барча олий таълим муассасалари талабалари сонининг 47,2% ни камраб олади, бу ердаги олий таълим муассасаларининг улуши эса каришиб 48% ни ташкил килади.

Ўзбекистонда нодавлат олий таълим муассасаларининг пайдо бўлиши шу билан «куршаб» олингани, уларда ўқитиш кўпчилик собик совет давлатларининг тажрибасига кўра бизнесга айланади. Шу билан бирга, қайд

этиш лозимки, бозор иктисодиёти ривожланган айрим мамлакатлар хусусий олий таълим муассасаларига эга эмас, масалан Германияда уларнинг сони бор йўғи битта, АҚШ ва Японияда хусусий университетлар аста-секин ташкил этилди. АҚШда 1985 йилда 1493 та давлатга карашли ва 1808 та нодавлат олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, шулардан факатгина 211 таси фойда олишни максад килиб кўйган эди.

Баъзи мамлакатларда талабаларга кредит бериш тизими ривожланмоқда. Талабалар учун молиялаш вазиятининг кескинлашуви охир оқибатда, улар ўз таълим олишлари учун сарфларнинг бир кисмини ўз иш ҳақлари хисобидан коплашга интилмоқдалар¹ (1-жадвалга каранг).

3-жадвал

Буюк Британия, АҚШ ва Франция университетларида таълим даромадлари манбанинг тузилиши (% да)

№	Манба	Буюк Британия	АҚШ	Франция
1.	Давлат харажатлари жами:	85,5	51,1	99,0
	шу жумладан: марказлаштирилган лавозим	84,0	16,5	96,2
	харажатлари маҳаллӣ	- 1,5	30,6 4,0	- 2,8
2.	Хусусий компаниялар ва хайрия ташкилотларнинг Харажатлари	2,5	6,9	-
3.	Ўкувчилар ва улар оиласининг харажатлари	8,0	20,3	1,0
4.	ОТМларнинг ўз харажати	-	11,4	-
5.	Бошқа манбалар	4,0	10,4	-

Бу эса ўз навбатида таълим муддати ошишига ва таълимнинг анча мослашувчан моделига талабни ўсишига таъсир этмоқда. Бирок, талабалардан олинадиган ҳак таълим харажатларининг, хатто, АҚШда, давлат олий таълим муассасаларида, 20%ни копламоқда (хусусийларда – 33%). Харажатларнинг колган кисми бошқа давлат ва хусусий манбалардан копланади. Кўпчилик мамлакатларда олий таълим муассасасини давлат молиялашдаги бюджет

¹ Перегудов Л.В., Сайдов М.Х. Олий таълим менежменти ва иктисодиёти. Т.: «Молия», 2002. 144-бет.

такчиллиги йилдан йилга сакланиб келмокда. Шунинг учун олий таълим муассасаларига молиялашнинг кўшимча манбаларини излаб топиш хукуки берилмоқда ва бунда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Таълим соҳасида давлат ва нодавлат тузилмаларининг мавжуд бўлиши ракобат мухитининг ривожланисига кўмаклашади. Бу таълим хизматлари бозоридаги таклифнинг ўзига хос хусусиятлари билан шартланади. Таклиф, биринчи навбатда, давлат томонидан чикади. Чунки у давлат муассасалари тизими оркали умуман жамият миқёсида таълим вазифаларини кўйиш ва ҳал этиш, ижтимоий адолат сакланишининг кафили сифатида иштирок этиш, ижтимоий адолат даромадларидан катъий назар ахолининг барча катламлари учун тенг.

Давлатнинг кадрлар тайёрлаш тизимидағи умумий функциялари бўлиб кўйидагилар хисобланади: кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган талабнинг кафолатини таъминлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибиға солиш ва назорат килишдан иборат. Олий таълим соҳасида эса давлатнинг функциялари кўйидагилардан иборат: биринчидан, ўкув режаларини стандартлаштириш, таълим тўғрисидаги хужжатларни сертификатлаш, олий таълим муассасаларини аттестациялаш ва аккредитациялаш оркали улар фаолиятининг сифатини назорат килиш йўли билан тегишли давлат органлари оркали таълим хизматларининг сифатига ва таркибиға баҳо беришдан иборат.

Биз бераётган таҳлил аниқ бўлиши учун, маълумотлар ягона эквивалент – АҚШ долларига келтирилди. Натижада, ҳар бир талабага давлат (республикамиз миқёсида) харажатлари доллар хисобида 1994-1995 йилларда 20 долларни, 1997 йилда, таҳминан 42 долларни, 2001 йилда эса 284,5 минг сўмни ташкил килди. Мутахассислар тайёрлашнинг энг юкори ўртacha йиллик киймати 481 минг сўм даражасида тиббий ва алоҳида техник-иктисодий олий таълим муассасаларида ташкил килди, санъат олий таълим муассасаларида ва бошқа университетларда 400 минг сўм даражасида, иктиносидий ва юридик олий ўкув юртларида эса 510 минг сўмгача даражасида бўлди.

Бозор иктиносидиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиккан холда, иктиносидиёт тармоклари ўртасида (хусусан, бюджет ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида) тўловлардаги энг кам нисбат камида 60% даражасида бўлиши керак. Ушбу нисбатнинг пасайиши бюджет соҳасида ижтимоий кескинликни келтириб чиқариши мумкин. Республикамиз иктиносидиётида бу нисбат 80-85 % ни ташкил килади.

Соддалаштирилган кўринишда бюджетдан молиялаш меъёрий (Нф) бир талабага хисобланганда турли иктисодий мазмунга эга бўлган учта асосий элементни ташкил этувчилик кўринишида берилган. НфқТҚАҚР Бу ерда: Т-жорий харажатлар (иш хаки, стипендиялар ва хўжалик харажатлари, бюджетнинг бошқа химояланган бандлари); А-асосий воситаларни тўлиқ кайта тиклаш (амортизация) ва капитал таъмиглаш харажатлари; Р-моддий-техник базани ривожлантириш харажатлари.

Кейинги ўн йилликда давлат бюджети маблағлари хисобидан мутахассисларни тайёрлаш харажатларининг таркиби кўйидагилардан иборат бўлди: *Биринчи наубатда*, бюджетдан касб таълими муассасаларининг энг муҳим эҳтиёжлари учун ажратилди, шунингдек, мутахассисларни тайёрлаш харажатлари таркибida иш хакининг улуши 2000 йилда 30% даражасини, бюджетдан молиялаш меърининг дастлабки икки таркибий кисми билан бажариладиган харажатлар (ТҚА) мутахассислар тайёрлашнинг умумий жорий харажатларини ташкил қилди.

Шундай килиб, иктисодиётни эркинлаштириш шароитида, бюджетдан молиялаш, иктисодий таълим муассасалари томонидан хизматлар хаклари тўланмаслигининг ошишига, моддий-техник базанинг заифлашувига, олий таълим муассасаларини кайта жихозлашнинг кискаришига, зарур ўкув-услубий алабиётларни нашр килиш, капитал таъмиглаш ва қурилиш хажмининг камайишига олиб келади.

20.2. Иктисодиётда бошқариш тамойиллари

Ўзбекистон Республикасида чукур кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда, замон талабларига жавоб берадиган олий маълумотли иктисодчи мутахассисларни тайёрлашга ихтисослаштиришган узлусиз иктисодий таълим тизимини шакллантиришга биринчи даражали ахамият берилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Биз кийин шароитда келажагимиз пойдеворини куриб олдик. Бунга ўрнимизга келадиган ёш авлод кандай баҳо беради, лойиҳаларимиз, ишларимизни тарозига солиб кўриб нима дейди? Ҳар биримиз мана шу саволни дилга тушиб меҳнат килишимиз лозим. Менинг ишончим комилки, Ўзбекистон халки фаровон турмуш кечирадиган буюк давлат бўлади».¹

Маълумки, қайси давлатда кадрлар тайёрлаш сиёсати тўғри ва омилкорлик билан ташкил этилса, ўша давлатда ҳар доим тараққиёт бўлади.

¹ Каримов И.А. Озол ва обод ватан, эркин ва фаровон хаёт - пиравард максадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2000

Таълим ҳар бир жамиятнинг ажралмас кисми, маданияти ва ривожланишнинг асосий кўрсаткичидир. Ҳар қандай мамлакат истиқболли режалар тузар экан, аввало таълимга эътиборни кучайтиради. Шу маънода мустакиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Президентимизнинг «Келажак бугундан бошланади», «Хозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади», «Тарбиядан хеч нарсани аямаймиз»² деган даъватлари остида таълимни ислоҳ қилишга киришилди.

Мамлакатимиз халқ хўжалигини янада юксалтириш, республиканинг акл заковат салоҳиятини ўстириш, давлатимиз қурдатини ошириш, унинг мустакиллигини мустаҳкамлаш учун хизмат киладиган Ўзбекистон Республикасининг бир катор конунлари ва дастурлари ишлаб чиқилди. Таълим тизимининг молиявий ва моддий таъминоти конуний йўл билан ижобий хал этилди.

Ривожланган мамлакатларда таълимни бошқаришнинг саккизта асосий тамоилидан фойдаланилади. Шулардан 1-4- тамоиллар топширикни бажаришга – буюртмачиларнинг талабларига мувоғик малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган. Кейинги тўрт тамоийл мутахассислар тайёрлаш жараёнини амалга оширувчилар – профессор-ўқитувчилар таркиби, ўкув-ёрдамчи соҳа ва маъмурият ходимлари ва бошқаларга қаратилган.

Ижодий ёндашиш тамоили, одатда, ўкув-тарбия жараёнини бошқаришда қўлланилади. Уни кўллаш зарурияти куйидаги шартларни талаб киласди.

Биринчидан, ўкув фаолияти турининг хилма-хиллиги: маъruzалар, лаборатория ва амалий машгулотлар семинарлар, мустакил ўрганиш, малакавий амалиёт, курс лойиҳалари ва бошқалар.

Иккинчидан, мақсад ва вазифаси, тузилиши ва мазмунига кўра ўқитиладиган фанлар ва курсларнинг турли-туманлиги.

Учинчидан, ўқитилаётган шахслар индивидуаллиги.

Фаолиятни режалаштириш тамоили ҳам таълим муассасалари турли бўлинмаларда, ҳам ўкув-тарбия жараёнини амалга оширишда кенг қўлланади. Бу фаолият самарадор режасини ишлаб чиқариш, уларни бажаришни ташкил этиш, олинган натижаларни баҳолашни кўзда тутади.

Раҳбарият услубининг мослашувчанлик тамоилидан тез-тез ўзгариб турадиган вазиятда ишловчи кўпчилик раҳбарлар фойдаланади. Бундай вазият айниқса, ўкув-тарбия жараёнига хос.

² Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: «Шарқ», 1999.

Бир-бирини тушунниш ва ҳамфирлик бошқарув гоясини белгилайди. Бу тамойилдан айникса, ўкув-тарбия жараёнини бошқаришда фойдаланиш мухимдир.

Гуруҳ (жамоа) ҳамкорлик тамойилидан одатда, кафедра, лаборатория, факультет, ОТМ илмий ва бошқа бўлинмаларни бошқаришда фойдаланилади. Бу тамойил турлича фаол гурухий усувларни кўзда тутади.

Буюртмачини назарда тутиши тамойилидан ўкув-тарбия жараёнини бошқаришда, айникса, буюртмачининг талабига мувофик мутахассисларни ихтинослаштиришда фойдаланилади.

Ваколатни бериш тамойилидан, одатда ОТМ бўлинмаларида улар ходимлари касбий мукаммалашувига кўмаклашиш максадида фойдаланилади. Бу тамойилдан яна «айланиб қолиш» усулини амалга оширишда, ўкув-тарбия жараёнини бошқаришда кўлланади.

Умуман олганда, бошқарув тамойиллари самарадор мажмуини танлаш – мудаффакиятга эришиш гарови, холос.

20.3. Иктисадчи мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир қилувчи омиллар

Олий таълим соҳасида сифат кўп киррали концепция ҳисобланади. У таълим соҳасидаги барча функция ва фаолият турлари – ўкув ва академик дастурлар, илмий тадқикот ва стипендиялар, мутахассис ходимлар билан тўлиқ таъминланганлик, таълим олувчилар, бинолар, мoddий-техника базаси ва жиҳозларни, жамият ва академик мухит фарновонлиги йўлидаги барча ишларни камраб олиши керак, - деган эди Президентимиз И.А.Каримов.¹

Таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш таълим сифатининг асосий якуний сифатидир, бу куйидагиларни ўз ичига олади:- **инсонлар**: профессор-ўқитувчилар таркиби, таълим олувчилар, ўкув-ёрдамчи фаолият ходимлари, маъмурӣ ходимлар ва бошқалар;

- **технологиялар**: педагогик, тарбиявий, информацийи, бошқарув, назорат қилувчи ва бошқалар;


- **мoddий-техникиавий таъминот**: бинолар, жиҳозлар, лаборатория ва амалиёт базаси ва б;

- **рагбатлантиришилар ва асослар**;

- **тичиқи таъсирлар**: бозор иктисадиёти талаблари, корхоналар, жамият ва давлат.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараккиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992 йил.

Таълим тизимининг юкорида келтирилган таркибий унсурлари, устунлик килувчи омиллар мажмууни белгилайди, булар таълим ва ходимларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этади. Мазкур омиллар 4-чизмада келтирилган, унда таълим ва касбий тайёрлов шартли тарзда кўп ўлчамли тузилма кўринишида берилган.



Корхона ёки ташкилот микёсидаги иктисадчи мутахассислар тайёрлашинг ривожлантириш стратегияси хусусида гапирадиган бўлсак, бу стратегиянинг хам бир катор ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Бундай стратегиядаги асосий масала бўлиб тегишли тармок ва унинг корхона ёки шароитидаги янги хўжалик юритиш тизимида янада самарали фаолият кўрсатишларини таъминлаш максадида уларни тайёрлаш ва кайта тайёрлашнинг замонавий шакл ва усусларини аниқ ишлаб чиқиш ва амалиётга самарали жорий этиш хисобланади.

Бу стратегияга кўра, тармоқдаги ишлаб чикариш фаолиятининг барча бўлинмаларига истиқболни тўгри баҳолай оладиган кўл остидаги кишилар билан ҳамкорликда ишлай оладиган ва ўз мутахассислиги соҳасини пухта ўргангандан раҳбар кадрларни танлаш, шунингдек ишлаб чикаришнинг барча бўгинлари учун юқори малакали, вижданли ва ҳар қандай шароитга мослаша олиш кобилиятига эга бўлган иктисадчи мутахассисларни танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадларда иктисадчи мутахассисларни касбий тайёрлашнинг турли усул ва шакллари стратегияда ўз ифодасини топади.

Маълумки, ҳар қандай корхона ёки ташкилотда мутахассислар ишини муввафқиятли ташкил этишда уларни комплекс ва тизимли тарзда ўқитиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, мутахассисларни тайёрлашни ривожлантириш стратегияси ўз ичига барча ишлаб чикариш бўгинларини қамраб оладиган турли хил ўқитиш шаклларини олиши керак. Шунинг билан бирга мутахассисларни тайёрлашни доимий ва узлуксиз тарзда амалга оширишни таъминлаш ҳам стратегиянинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга таркибий кисми хисобланади.

Юкоридагилардан келиб чиккан ҳолда, алоҳида тармоқ корхона ёки ташкилотлар микёсидаги мутахассисларни тайёрлашни ривожлантириш стратегиясидаги мутахассисларни малакасини ошириш ва ўқитиш шаклларини ўзида ифодалаган модел тасвирланган.

Кўриниб турганидек, бу стратегияда мутахассислар тайёрлашнинг аник шакл ва усулларини ишлаб чиқиши долзарб аҳамиятга эгадир. Бундан ташкари, тармоқ, корхона ёки ташкилотлардаги стратегия ҳам кўплаб босқичларга эга бўлади, бирок имкониятлардан келиб чиккан ҳолда бу босқичларга кейинги изланишларда тўхталиб ўтамиш.

Юкорида мутахассисларни тайёрлашни ривожлантириш стратегиясини иккига бўлиб кўриб чиқдик. Бирок, бу дегани булар бир-биридан алоҳида ривожланадиган стратегиялар экан деб хулоса чикаришни англатмайди. Чунки, ҳар қандай тармоқ, корхона ёки ташкилотдаги бундай стратегиялар, биринчи навбатда, тегишли давлат стратегияларидан келиб чиккан ҳолда шакллантирилади.

Иктисадиётни эркинлаштириш шароитида иктисадчи мутахассислар тайёрлаш тизимини ривожлантириш стратегиясига куйидаги бир катор омиллар таъсир кўрсатади:

1. Мамлакатдаги таркибий ўзгаришлар. Маълумки, Ўзбекистон режали иктисадий бошқарув тизимидан янги бозор иктисадиёти механизми сари


интилмоқда. Бу эса, табии равишда, янги иқтисодий шарт-шароитлар ва тузилмаларни яратиш заруриятини юзага келтирди. Бундай шароитда янгича билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларсиз хеч қандай муваффакиятга ёришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар мутахассислар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий стратегиясини ишлаб чикиш ва амалга оширишни талаб килмоқда.

2. Бугунги кунда «мехнат бозори»даги ишсизлик муаммолари. Бу айникса, ўтиш давридаги мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам алоҳида ечим талаб киладиган муаммолардан хисобланади. Ўтиш давридаги мамлакатларда кўплаб саноат объектларининг тўлиқ ҳажмда ишлаш имкониятларининг камайиши, давлатнинг кўплаб назорат органларини кискартирилиши, шунингдек янги объектларга айлантирилаётган корхона мутахассисларининг замонавий билимларга эга бўлмаслиги оқибатида меҳнатга лаёкатли ишсизларнинг сони ортиб боради. Бунинг олдини олиш учун эса, бу ишсизларни киска муддатли қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш оркали бозор талабларига мос билим ва тажрибаларни оширишга катта эҳтиёж сезилади.

Иқтисодчи кадрлар, таълим олувчилар ва уни таъминлаш учун зарур ресурслар ўқув-тарбия жараёнининг асосий компонентлари хисобланади.

Иқтисодчи мутахассислар таълим хизматини талаб этувчилар сифатида олий таълим (бакалавриат, магистратура)нинг барча боскичида маънавий-ахлокий ва касбий жихатдан шахс сифатида шакллантирувчилардир. Давлат таълим стандартлари ва ресурслари воситасида уларнинг сифатли таълим олиши ва касбий тайёрланиши кафолатланади. Таълим олувчиларнинг вазифаси ҳар томонлама ривожланган шахс бўлиб етишишлари учун олий таълим тизимидағи кенг имкониятлардан фойдаланишдан иборатdir.¹

4-чизма



¹ Эгамбердиев Э., Ҳўжамқулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: «Маънавият», 2003. 81-бет.

Олий таълим ресурслари кўйидагилардан иборат:

- молиялар (бюджет ва бюджетдан ташқари манбалардан олинадиган);
- моддий-техника базаси, лаборатория ва амалий машгулотлар ўтказиш учун зарур бўлган;
- компьютер технологияларининг техникавий, математик ва дастур таъминоти;
- информация базаси (дарсликлар ва ўкув қўлланмалари, кўргазма материаллар ва жиҳозлар ва х.к.).

Ўкув-тарбия жараёнининг санаб ўтилган компонентлари кадрлар тайёрлаш учун замин яратади. Уларнинг сифати ва ракобатбардошлиги айрим олинган хар бир компонентнинг ва умумий заминнинг ривожланганлик даражасига боғлиқдир.

XXI асрга келиб, янги техника ва технологияларнинг жадал суръатларда ўсиб бораётганилиги, хозирги кунда замонавий ахборот технологиялари айникса, ҳалкаро интернет тизимининг бутун дунёни қамраб олаётганилиги, мамлакатимизга чет эл сармояси оркали ривожланган мамлакатларнинг импорт асбоб-ускуналарини кириб келаётганилиги, шунингдек корхона ва ташкилотларда янги талаблар асосида бошқарув ва ишлаб чиқариш тизимларини такомилаштириш зарурияти кабилар етук малакали мутахассислар тайёрлашни талаб килмоқда ва бошқалар.

Шундай килиб, иктисадиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистонда иктисадчи мутахассислар тайёрлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини жаҳон талаблари даражасида амалга оширишга катта эътибор каратилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоизки, замонавий бозор иктисадиёти шароитида бундай стратегияда биринчи навбатда, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро интеграциялашувни янада чукурлаштириш масаласига асосий эътибор каратилиши керак. Шундай бўлгандагина, республикамида иктисадчи мутахассислар тайёрлаш тизимидағи сифат критериясини кутилган даражада ривожлантириш имконияти юзага келади. Бу эса, мамлакатимиз корхона ва ташкилотларидағи иктисадий ва ижтимоий самарадорликка эришишни, шунга мос равишда мамлакат макроиктисадий ўсишига эришишни таъминлайди.

Қисса хулоса

Иктисадиётни эркинлаштириш шароитида, бюджетдан молиялаш, иктисадий таълим муассасалари томонидан хизматлар хаклари

тўланмаслигининг ошишига, моддий-техник базанинг заифлашувига, олий таълим муассасаларини қайта жихозлашнинг кисқаришига, зарур ўкув-услубий адабиётларни нашр килиш, капитал тъмирлаш ва қурилиш хажмининг камайишига олиб келади.

Ушбу бобда бозор иктисодиёти шароитида бошқарув кадрларни тайёрлашнинг ижтимоий-иктисодий асослари, иктисодиётда бошқариш тамойиллари, бошқарышнинг вазифаси, бошқарышда режалаштириш жараёни, иктисодий таълим муассасаларини бошқариш, замонавий иктисодчи бошқаруви, раҳбарликнинг ижтимоий-иктисодий ахамият кабилар хусусида фикр юритилган.

Ўз-ўзини назорат ва мухокама қилиш учун саволлар:

1. Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида бошқарув кадрларни тайёрлашнинг ижтимоий-иктисодий асослари ҳакида фикр билдиринг?
2. Иктисодиётда бошқариш тамойиллари қандай турларга бўлинади?
3. Иктисодчи мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир килувчи омилларни санаб беринг?
4. Бошқарышнинг вазифаси ва бошқарышда режалаштириш жараёни қандай омилларга асосланади?
5. Иктисодий таълим муассасаларини бошқаришга мисоллар келтиринг?
6. Замонавий иктисодчи бошқаруви ва раҳбарлигининг ижтимоий-иктисодий ахамиятини кўрсатинг?
7. Олий таълим ресурсларига нималар киради?
8. Ўкув-тарбия жараёнининг асосий компонентларини кўрсатинг?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Бордавская Н.В., Реан А.А. Педагогика. - М.: Питер, 2004.
- Профессиональная педагогика. Учебник для студентов. – М.: Педагогика, 2002.
3. Пронина Е.Н, Лукашевич В.В.. Психология и педагогика. Учебник для студентов ВУЗов. -М.: Элит, 2004 г.
4. Толипов Ў., Баракаев М., Шарипов Ш. Касбий педагогика. (Маъruzалар матнин). – Т.: ТДИУ, 2001.
5. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: «Мехнат», 2000 й.

6. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: «Шарқ», 2002.
7. Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иктисадиёти. – Тошкент: Молия, 2002.
8. Янчевский В.Г. Менеджмент, маркетинг, бизнес. Деловым людям о предпринимательстве. – М.: 1992.
9. www.school.edu.ru.
10. [www. bilimdon. uz](http://www.bilimdon.uz). - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг асосий веб сайти.

XXI боб. ТАДБИРКОР – БОЗОР ИҚТИСОДИННИНГ АСОСИЙ СУБЪЕКТИ

1. *Тадбиркорлик – ҳаракатчан ва жўшқин фаолият.*
2. *Тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш истиқболлари.*
3. *Замонавий иқтисодчида иқтисодий ҳаракатлар усулини излаш ва ташлаш эркинлигининг мавжудлиги.*
4. *Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор фаолияти ривожланиши-нинг шарт-шароитлари.*

21.1. Тадбиркорлик ҳаракатчан ва жўшқин фаолият

Тадбиркорликнинг мухим хусусиятлари – унинг ҳаракатчалиги ва жўшқинлигидир. Тадбиркор ўзининг фикри бўйича муваффакиятга олиб келувчи янги ҳаракат усусларини, маҳсулот турини ва технологияни, истеъмолчилар доирасини, маҳсулот турини ва технологияни, истеъмолчилар доирасини, маҳсулоти ва кўрсатадиган хизматининг сифатини яхшилаш йўлларини тинимсиз кидиради. Тадбиркор шундай инсонки, у пул маблағлари, материаллар ва ишчи кучини жонлантириб, янги маҳсулот, янги бизнес, янги ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади ёки ишни ташкил этишининг такомиллашганрок усулини яратади.

Марказлаштирилган иқтисоддан бозор иқтисодига ўтиш, венчур капитали, маълумотлар воситалари, бозорлари тараккиёти ташаббускор фаолият учун кенг имкониятлар ва эркинликни таъминлайди. Тадбиркорлар йирик бюрократик ташкилотларнинг замон билан ҳамнафас қадам кўйишга кобилиятсизлигини бошқалардан аниқроқ кўра олади.

Тадбиркор ҳаракатчанлик, жўшқинлик, мослашувчанлик ва янгиликка интилевчанликка асосланган замонавий хўжалик юритиш усулини амалга ошириб, ўзининг мавжудлигини эслатиб туради. У ахборот тўплайди, одамларга раҳбарлик киласи, янги турдаги маҳсулот ва хизмат турини ишлаб чиқаради ёки эскисини такомиллаштириш йўлларини излайди.

Тадбиркор иқтисод, сиёsat, техника ва технологик хукуқ, психология ва ахлоқ қоидалари кесишган жойида ҳаракат киласи ва уларнинг барчаси тўғрисидаги билимларга эга бўлмоғи керак. Ундан ташқари ишбилармон муваффакиятга эришиши учун ўтиш тажрибасига танқид кўзи билан караши керак. Тадбиркор етарли даражада ресурсларга эгаман деб, жуда кам гапиради. Улар йўқ нарсани бор килишга, иқтисод килиш ва яратишга ўрганадилар.

21.2. Тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш истиқболлари

Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида саноат таркибидаги корхоналар хали етарли даражада ўзаро ракобатлашетгани йўқ. Бундай холни маҳсулотни етказиб бериш бўйича шартномаларни тузишдаги камчиликларда, ракобат даражасининг хали етарли эмаслигига, истеъмолчилар томонидан буюртмаларнинг кечикиб берилишида кўриш мумкин. Бозор шароитида корхона ва фирмалар мустакил равишда ташки иктиносидий алоказаларни кучайтиришлари лозим. Давлат тассаруфидан чикаришнинг моҳияти – жамият хаётининг барча соҳаларида давлатнинг якка ҳокимлигини тутгатишидир. Лекин бозор ҳукмига бўйсунмайдиган ижтимоий-иктиносидий муаммоларни давлат хал этади – давлат бошкаради.

Бозор механизмини шакллантиришнинг иктиносидий шароити банк, биржа тизимларини, корхона бозорини, иктиносидиётни бошкариш ва тартибга солиш давлат ташкилотларини ўз ичига олади. Банк тизими бозор иктиносидиётининг шаклланиши билан бир неча турларга, жумладан, кредит ва молия муассасаларига ажralиб кетади. Кейинги йилларда ташкил килинаётган давлат ва тижорат банкларидан ташкири кўчмас мулкни гаровга олиш эвазига кредит берадиган «Заминбанк», коммунал хўжалик банклари вужудга келди.

